

**Н. Каттаев**

**Умумий кимёвий  
технология**

**Н. Каттаев**

**Умумий кимёвий  
технология**



**СУЗ БОШН.**

Кимё фани жамиятнинг бевосита ишлаб чиқарувчи кучига айланганлигига эътироз билдирадиган киши булмаса керак. Аммо, технология борлиги учунгина кимё ишлаб чиқарувчи кучга айланганлигини ҳамма ҳам англаб етмайди. Кимё технологияси туфайли ҳозирги кунда кудратли кимё корхоналари халқ хўжалигининг барча тармоқларига махсулотлар етказиб бермоқда, турмуш даражасини усиб боришини таъминлашда салмоқли ҳисса қўшмоқда. Ўзбекистонда кимёнинг ривожланишида 1920 йилда Туркистон ҳозирги Ўзбекистон Давлат миллий университетининг ташкил этилиши муҳим рол ўйнади. Натижада кимёнинг турли соҳалари бўйича ўзбек олимлари, академиклар етишиб чиқди.

Республикаимизда кимё ва кимёвий технология фанларини  
 ривожлантиришда академиклардан: Б.М.Беглов, С.Т.Тухтаевлар,  
 профессорлардан: Н. Ризаев, Н.Юсуфбеков, С. Зокиров, А. Ортиков, Ш.  
 Ғуломов, П. Левш, М.Юсупов, З.Салимовлар салмоқли ҳисса қўшдилар.

Ўзбекистон фанлар академиясининг аъзолари О.С.Содиқов, С.Ю.Юнусов, Ҳ.У.Усмонов, М.Н.Набиев, Қ.С.Ахмедовлар яратган мактабларининг хизматлари катта аҳамиятга эга бўлди.

Республикамизда „Таълим тугрисида“ қонун, 1997 йилда Миллий дастур, 2001 йилда олий таълимнинг давлат стандартлари қабул қилинди.

Тараққиётимиз даражасини муттасил ўсиб боришини таъминлаб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар миқдори ва сифатини ошириш иқтисодий ва социал

муаммоларни кенг куламда комплекс ҳал қилишда асосий омиллардан бири бўлган етук мутахассислар, киме ўқитувчилари тайерлаш иши муҳим вазифалардан бири эканлиги замон тақозосидир.

Олий таълим олдида турган муҳим вазифа тайерланадиган мутахассислар савиясини юқори поғонага кўтариш, технологик жараёнларга суяниб иш кўрувчи, янги гоёларни амалга оширувчи, фанни ишлаб чиқариш билан боғловчи миллий дастур талабларига тулик жавоб берадиган етук кадрлар тайерлашдан иборатдир. Бу эса ўз навбатида замон талабларига жавоб бера оладиган Давлат тилида дарслик ва ўқув қўлланмалар яратилишини тақозо этади.

Истиқлол туфайли республикада бўлмаган мавҳум ишлаб чиқаришлар ҳақида эмас, балки аввало ўзинида ривожланган кимевий ишлаб чиқаришлар ва уларнинг ҳам ашё манбаълари кенгрок ёритилган китобларга эҳтиёж ортмоқда.

Ушбу эҳтиёж туфайли ёзилган мазкур дарслик 2001 йил 16 августда "Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорга асосланиб, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети томонидан тайёрланган ва 10 август 2006 йилда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган университетларнинг 5440400-Кимё бакалавр таълим йўналиши талабаларига мўлжалланган намунавий дастур асосида ёзилган бўлиб, унда келтирилган мавзуларнинг иложи борича катъий ва тушунарли бўлишига ҳаракат қилинди.

Дарсликда ҳозирга қадар фақат рус тилидагина мавжуд бўлган дарслик ва қўлланмаларда ҳамда дастурларда бўлмаган айрим мавзуларда ҳам (масалан: силикатлар технологияси, водород сульфиддан олтингугурт ишлаб чиқариш, нитрон толаси ишлаб чиқариш ва бошқалар) ўрин олган.

Қўлгина мавзуларда технологик схемаларнинг янги жараёнлари баён этилган (масалан: сульфат кислота ишлаб чиқаришда ИК/ИА системаси, олиб қўйиладиган ҳаво совуткичлари бўлган контакт аппаратлари, аммиак синтезида

кайновчи каватли катализаторли синтез колоннаси, метан конверсиясида исгази ва метаннинг биргаликдаги конверсияси ва хоказо).

Дарсликни укиб чикиб ўзларининг тақризлари фойдали фикр ва мулохазаларини берганиликлари учун Тошкент киме технология институти "Ноорганик ва электрокимё ишлаб чиқариш технологияси" кафедраси мудирини проф.т.ф.д.Т.А. Отакузиевга шу кафедра профессорлари П.Х.Мансуров, Ш.А.Якубовларга.

Холисона маслахатлари учун БДУ умумий ва аорганик киме кафедрасининг мудирини профессор, кимё фанлари доктори О.М.Ёрневга, ТМУ юкори молекуляр бирикмалар кафедрасининг профессори А.А.Юлчибаевга муаллифлар ўз ташаккурларини билдиради.

Дарслик муаллифларнинг кўп йиллик педагогик тажрибасидан келиб чикиб ёзилган бўлсада ўзбек тилида биринчи марта ёзилганлиги учун айрим камчиликлардан холи бўлмаслиги мумкин шу сабабли муаллиф ўртоқларинининг уни янада такомиллаштиришга қаратилган барча фикр ва мулохазаларини маънунийят билан қабул қилган ва олдиндан ўз миннатдорчилигини билдиради.

## **I-БОБ. Кимёвий технологиянинг асосий тушунча ва тарифлари.**

### **1.1 Кимёвий технология фани ва унинг муҳим вазифалари.**

Технология сузи грекча технос касб, ҳунар, маҳорат логос-фан сузлардан олинган булиб касб, ҳунар, ҳақидаги фан демакдир. Аммо бундай маъно ҳозирги замон технологиясининг мазмунига тулик мос келмасида тарихий ном сифатида сақланмоқда. Технология-табиий хом ашёларни қайта ишлаб, истеъмол маҳсулотлари ва ишлаб чиқариш воситаларига айлантириш усуллари ва жараёнларини урганадиган фандир. Қайта ишлаш усуллари –хом ашё тайёр маҳсулотга айлангунча қўлланиладиган барча операциялар (технологик жараён давомида бажариладиган ҳар бир айрим иш) мажмуидир. Ҳар қандай кимёвий маҳсулотни ишлаб чиқариш бир қанча механик, кимёвий ва физик-кимёвий жараёнлардан иборатдир. Улар биргаликда технология жараёнини ташкил этади. Технология термини образли қилиб айтганда у фан билан ишлаб чиқаришни боғловчи қўприқдир. Технологияга берилган бу таъриф унинг икки ёқлама ҳарактерини белгилайди. Технология ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш жараёнларининг бир бутунлиги ҳақидаги фандир дейиш мумкин.

Хом ашёни қайта ишлаб маҳсулотга айлантирадиган машина аппаратлар мажмуига технологик система дейилади. Тегишли машина ва аппаратларда борадиган аперацияларни бирин-кетин таърифлаш ёки график шаклида тасвирлаш технологик схема деб аталади.

Технология механик ва кимёвий технологияга бўлинади.

Механик технология қайта ишланадиган материалларнинг факат шакли ва баъзан физиковий хоссалари ўзгариш жараёнларини урганади. Кимёвий технология моддалар таркиби, хоссалари ва тузилишининг ўзгариши билан борадиган жараёнларни, ҳамда бу жараёнларни амалга ошириш учун зарур бўлган аппаратларни урганади. Бундай бўлиш нисбатан шартлидир, чунки баъзан, моддаларга механик ишлов берилганда уларда кимёвий реакциялар ҳам



минг,пластмассада эса 50 минг номда буюмлар ишлаб чиқарилмоқда. Кимё саноатида ҳозирги пайтда 50 мингдан ортиқроқ номда кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Планетамизда аҳоли сонининг прогрессив ўсиб бориши,ёкин майдонларининг чекланганлиги,озик-овқат маҳсулотларининг етишмаслиги сабабли аввало ҳайвонлар учун ( $\text{CaHPO}_4$  ва  $\text{CO}(\text{NH}_2)_2$ ) ларни мол озукасига қўшиб берилади),кейинчалик эса одамларнинг бевосита истеъмоли учун сунъий ва синтетик озик-овқатлар маҳсулотлари,айниқса оксил моддаларни микробиологик синтез йули билан ишлаб чиқариш эҳтиёжи тугилди.Кейинги йилларда оксилли препаратларни йирик саноат корхоналарида микробиологик синтез йули билан ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунда ҳам ашё сифатида парафинлар,спиртлар ва органик кислоталар, катализатор сифатида эса ферментлардан фойдаланилади. Дунё бўйича ишлаб чиқарилаётган нефтнинг (ҳар йили дунёда тахминан 2,5 млрд. т. нефт казиб олинмоқда) атиги 4 фоиз микробиологик синтез йули билан қайта ишланса ер юзи аҳолисини (уларнинг сони ҳозирги кунда 5,1 млрд киши)оксилга бўлган талабини қондириш мумкин. Дунёдаги кўпгина ривожланган мамлакатларда биотехнологик усуллар ёрдамида озиқа оксил, оксил витаминли концентратлар ферментлар турушлар, аминокислоталар, гормонлар, масалан: ўсиш гормони соматотропин антибиотик дорилар ва бошқалар ишлаб чиқарилмоқда.

### 1.3 Кимёвий ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти.

Кимёвий ишлаб чиқариш жуда қадимдан ҳатто ибтидоий жамоа даврларидан бошланган. Олов қашф этилгач энг аввал қулолчилик ва меморчилик ,қўхна ҳунармандчилик пайдо бўлган. Лойдан ясалган буюмлар оловда пиширилган. Металл ва уларнинг оксидлари оловда суюклантириб, меҳнат ва ов қуроллари ясалган. Энг аввал шарқ халқлари, урта ер денгизи соҳилларида яшаган халқлар: мисрликлар, финикияликлар, греклар. Эронликлар. Узоқ шарқда японлар ва хитойликларда кимёга турли

технологияга оид билимлар ривож топган. Айниқса мисрда кимёга оид билимлар бошқа мамлакатларга нисбатан жуда ривожланган. Мисрликлар кулолчилик буюмлари устига сир беришни ҳам билганлар. Фифа шахрининг 4500 йиллардан бери сақланиб келаётган кадимги ёдгорликларида кулоллар ва шишасоғларнинг суратлари бор. Археологик қазилмалар натижасида эрамиздан илгари 1700 чй йилларга туғри келадиган ранг-баранг шиша вазалар топилган. Эрамиздан 2900 йил олдин қурилган Хуфу пирамидасида пулат искана топилган.

Айниқса рудалардан металл ажратиб олиш, аввал (5 минг йил илгари) “бронза асри”, кейинчалик (3 минг йил илгари) “темир асри”, даврида дастлаб бронза, кейинчалик темир ваулардан турли буюмлар ясаш кенг таралган. Эрамиздан 2000 йил илгари мисрликлар: Кук, пурпур, қирмизи, ализарин каби бўёқларни олишни билганлар. Хитойликлар II асрда коғоз, VI – асрда чини, XIII – асрда қора порхни ишлаб чиқара бошлаганлар. XV асрга келиб Европада бир қатор кислота, ишқор ва тузлар, турли фармацевтик препаратлар баъзи бир органик моддалар ишлаб чиқарувчи кичик-кичик қорхоналар пайдо бўлди. XVI аср охири ва XVII аср бошларида Россияда бўёқлар, селитра, порох, сода ва сульфат кислота ишлаб чиқарувчи шундай қорхоналар иш бошлади.

Кимёвий технология XVIII асрнинг охирида мустақил Фан сифатида пайдо бўлди ва Европада университетлар ва техника олий укув юртиларида мустақил Фан сифатида ўқитила бошланди.

“Кимёвий технология” Геоген университети профессори Н.Бегман таълиф қилган китоби 1772 йилда биринчи бўлиб кимёвий технология китоби чиқарилди. 1795 йилда Н.Ф.Гемелиннинг иккинчи томчи “Техник кимё бўйича қўлланма” номли дарслиги чоп этилди. Бу китоб 1803 йилда рус тилига таржима қилинди. Шу йилдан бошлаб Россия олий укув юртиларида ҳам асосий фан сифатида ўқитила бошланди. 1828 йилда Ф.А.Денисовнинг «Умумий технологиянинг тулик курси», 1851 йилда П.А.Ильенковнинг «Кимёвий технология курси» китоблари чоп этилди. Шу даврларда Европада ва дунёнинг

купгина мамлакатларида бир канча кимёвий технология дарсликлари, илмий адабиётлар чоп этилдики бу ҳолат кимёвий ишлаб чиқаришнинг тез суръатларда ривожланиб боришини таъминлади. Кимёвий саноатнинг тараккиёт тарихида баъзи бир муҳим воқеалар сифатида қуйдагиларни мисол келтириш мумкин.

1748 йилда Англиянинг Бирмингем шаҳрида кургошинли камераларда (камерали усулнинг бошланиши) сульфат кислота саноат микёсида ишлаб чиқарила бошланди. 1805-1810 йилларда камерали усулда сульфат кислота ишлаб чиқариш Англия ва Францияда кенг тараккий килди. 1804 йилда Россияда, 1820 йилда олмонияда сульфат кислота ишлаб чиқарила бошланди.

1787-1789 йилларда Н. Леблан сода ишлаб чиқаришнинг саноат усулини яратди. Леблан усули билан 1823 йилда Англияда биринчи марта сода ишлаб чиқариш заводи ишга туширилди. 1861 йилда сода ишлаб чиқаришнинг аммиакли усули –Сольве усули кашф этилди. 1886 йилда контакт усулида сульфат кислота ишлаб чиқарила бошланди. 1855 йилда Бессемер, 1864 йилда Мартен усулидан пулат ишлаб чиқариш йулга қуйилди.

XIX асрнинг урталарига келиб органик синтез саноати тараккий эта бошланди, органик бўёқлар, синтетик доридармонлар, парфимюра маҳсулотлари ишлаб чиқарила бошланди. Ю. Либихнинг 1840 йилда Чоп этилган илмий ишларига асосланган ҳолда кимё саноатининг Янги тармоги минерал угитлар ишлаб чиқариш йулга қуйилди. 1912 йилда азот ва водороддан саноатда Габер усули билан аммиак синтезлашнинг йулга қуйилиши кимё саноати тараккиётида инкилоб булди дейиш мумкин. 1932 йилда С.В.Лебедев усулида синтетик каучук ишлаб чиқариш тармоги пайдо булди. 1930-50 йилларда Н.Н.Семеновнинг занжирли реакциялари соҳасидаги кашфиётлари натижасида юкори молекуляр бирикмалар: полиэтилен, полистирол, поливинилхлорид ва бошқалар синтези, пластмассалар, синтетик смолалар, сунъий ва синтетик тодалар ишлаб чиқаришлар олдиндан белгилаб қуйилган хоссали бирикмалар олишнинг янги лаврини бошлаб берди.


Кимёвий технология фанининг пайдо бўлиши ва ривожланишида катта хисса кушган буюк олимлардан: И.Ф.Глаубер (1604-1670), М.В.Ломоносов (1711-1765), Н.Леблан (1742-1806), А.Л.Лавуазье (1743-1791), И.Ф.Гемелин (1750-1817), Н.Н.Зинин (1812-1880), И.Э.Мартен (1824-1915), Д.И. Менделеев (1834-1907), Э.Г.Солве (1838-1922), Ф.Гебер (1868-1934), И.И.Андреев (1880-1919), Б.В.Бызов (1880-1934), С.И.Вольфкович (1896-1980), А.Г.Касаткин (1903-1963) ва бошқаларни курсатиш мумкин.

Леблан ва Сольве усулларида сода ишлаб чиқариш куйидаги реакцияларга асосланган:

1. Леблан усули:



2. Сольве усули:  $\text{CaCO}_3 \rightarrow \text{CaO} + \text{CO}_2$



#### 1.4-Ўзбекистонда кимёвий ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти.

Ўзбекистонда кимё саноатини барпо этиш ва уни ривожлантириш учун 1911 йили шохом ашё базаси ва шарт-шароитлар ҳаммаси етарли даражада мавжуд бўлган бўлса ҳам кимё саноати нисбатан анча кеч пайдо бўлади.

Ўзбекистонда энг кекса кимёвий ишлаб чиқариш корхонаси (кичик-кичик керамик буюмлари ишлаб чиқаришнинг ҳисобга олмаганда) 1906 йилда Фарғонада Ваннов станцияси яқинида қурилган нефтьни қайта ишлаш заводидир. Иккинчи шундай завод Фарғонада (Мельников номли) 1915 йилда қурилди. Уларда асосан керасин олинар эли ва у ёритиш максалида ишлатилган (чирокларда ёқилган).

Кейинчалик Тошкентда лак-бўёқ ва сода заводлари (1920й.). Бескобод цемент ва охак заводлари (1926й.) қурилиб ишга туширилган. Ўзбекистон собик иттифок таркибида энг йирик пахтакор хўжалик бўлгани учун, унда кимё саноатининг вужудга келиши асосан пахтачилик учун зарур бўлган ўғитлар ишлаб чиқариш корхоналарининг қурилишидан бошланди. 1940 йилда русубликамиз кимё саноатининг гиганти- Чирчик электрокимё комбинати қурилиб ишга туширилди. Комбинат ўша йилнинг ўзидаёқ кишлоқ хўжалигимиз учун 1 минг 600 т. минерал ўғит ишлаб чиқарди. 1942 йилда Қўқон суперфосфат заводи, 1965 йилда Навоий кимё комбинати. 1975 йилда Олмалик аммофос заводлари 2000 йилда кизилкум фосфорит заводи қурилиб ишга туширилди. 1985 йилга келиб русубликамиз тўйимли моддаларини 100 фоизга айлантириб ҳисоблаганда 1 млн. 592 минг т. минерал ўғит ишлаб чиқарди ва ўғит ишлаб чиқариш бўйича Болгария, Венгрия, Польша, Югославия, Чехословакиядан ҳам ўзиб кетди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Япония билан тахминан тенг миқторда ўғит ишлаб чиқармоқда. Русубликамизда қурилиш материалларининг асоси бўлган цемент ишлаб чиқаришнинг тўнгич корхонаси Бескобод цемент заводидир (1926й.), кейинги йилларда Қувасой (1932й.) ва Ангрен (1949й.) цемент заводлари, 1968 йилда Охангарон. 1978 йилда Навоий цемент заводлари қурилиб ишга туширилди. Натижада русубликамизнинг цементга бўлган эҳтиёжи тўла қондирилди. Бу эса Ўзбекистонда қурилиш ишларининг ривожланишига катта ижобий таъсир кўрсатди. Иккинчи жаҳон уришидан кейинги тинч қурилиш йилларида, чинни саноати барпо этилди. Энг аввал Тошкент чинни заводи (1954й.) кейинчалик Самарканд чинни заводи (1975й.),

Ангрен чинни ва керамика буюмлар ишлаб чиқариш комбинати (1976й.), Қувасой чинни ва шиша буюмлари заводи (1979й.) қурилиб ишга туширилди. Шунингдек, русубликада пўлат ишлаб чиқариш корхонаси- Бескобод электр пўлати олиш заводи (1944й.) Чирчик, Самарканд, Олтин топган (1965й.), Олмалик (1980й.) сульфат кислота ишлаб чиқариш заводи, купгина бошқа анорганик моддалар ишлаб чиқариш корхоналари: Олмалик тоғ-кон

металлургия комбинати, Ангрен кимё металлургия заводи, шлавик шпат корхоналари, ингичка ва куйтош руда комбинатлари, Мурунгов тоғ-металлургия комплекси. Зарафшон гидрометаллургия заводи вабошқалар қурилиб ишга туширилди.

Ўзбекистонда органик кимё саноати бошқа саноат тармоқларига

караганда жуда тез суръатлар билан ривожланди. Органик кимё саноатининг ҳам ашёси асосан, қумир, нефть, газ, ёғоч чикитларидир. Бизда айниқса газ, газзапоя захиралари анча катта нефть ва қумир ҳам бор. Мана шу ашёлар республикамиз органик кимё саноатининг пайдо бўлиши ва ривожланишига сабаб бўлди.

Ўзбекистонда 1976 йилда 361 млрд.м<sup>3</sup> газ ишлаб чиқарилди ва бу соҳада шу йиллик Польша, Япония, Франция каби йирик мамлакатлардан ҳам ўзиб кетди.

Органик моддалар ишлаб чиқариш саноатининг гигантларидан бири 1965 йилда қурилиб ишга туширилган «Навоний азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси. Унда табиий газ, комплекс қайта ишланади. Ушбу корхонанинг ишга туширилиши натижасида республикамизда биринчи марта янги саноат маҳсулотлари, юзлаб органик синтез маҳсулотларининг ҳам ашёси ҳисобланган анителини: ацетальдегид, сирка, кислота, метил спирти, акрилонитрил ва бошқа бир канча маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 1972 йилда бу комбинатда синтетик жун-нитрон толаси ишлаб чиқарила бошланди. Ҳозирги пайтда бу комбинатда йилига 41 минг тонна турли рангда оуялган нитрон ишлаб чиқаришмоқда.

1969 йилда Фатҳулло сулеймоний тезда ацетат илагин ишлаб чиқариш заводи қурилди. Бу заводи йилига 70-80 минг т. Ацетат илагин ишлаб чиқаради. 1982 йилда Чирчиқ электрокимё комбинати капролактан ишлаб чиқарувчи йирик цех ишга туширилди. Шунингдек, 1979-81 йилларда ишга тушган Олмалик кимё заводида, синтетик кир ювиш воситалари, шанпунлар, машина мойлари, нафталин, лаклар, бўёқлар, болалар ўйинчоқлари ва бошқа ўнлаб маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Наманган кимё заводида полиэтилен

пленкалари, Жиззах ва Охангарон пластмасса комбинатларида пластмасса кувурлари ишлаб чиқарилмоқда Шўртан газ комплекси 2002 йилда қурилиб ишга туширилди. Унда ҳар йили 125 минг тонна полиэтилен, 100 минг тонна олтингугурт ва 1000 минг тонна суюқ пропан газ ишлаб чиқарилмоқда. Булардан ташқари республикамізда Фарғона фурун бирикмалари кимё заводи (1942 й.), Янги йўл биокимё заводи, Андижон гидролиз заводи (1953 й.), Тошкент ва Фарғонада поливинилхлор асосида сунъий чарм, Тошкент ва Гулистон маргарин заводлари, Тошкент фармацевтика, Фарғона сунъий қорақўл заводлари ва бошқа ушлаб қорхоналар органик кимё махсулотлари ишлаб чиқармоқда.

Ҳозирги пайтда республикамізда жами 36 та кимё ва нефть кимёси саноати қорхоналари, 3 та Қора металлургия саноати қорхонаси, 9 та чинни ва шиша буюмлари саноати қорхоналари, 13 та ёқилги саноати қорхоналари ишлаб турибди

Ўзбекистонда кимёвий маҳсулотларнинг баъзи муҳим турларини ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари 1-жадвалда берилган. 1-жадвал

## 1.5 Кимёвий ишлаб чиқаришнинг технологик ва техник иқтисодий кўрсаткичлари.

Ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги, маҳсулотнинг арзонлиги шу билан бир қаторда юқори сифатли бўлиши, ишчилар меҳнат шароитларининг яхшилиги ва ишлаб чиқаришнинг зарарли чикиндилардан атроф муҳит ишончли равишда муҳофазаланганлиги билан характерланади. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш жараёни қуйидаги кўрсаткичларни ўз ичига олади:

1) маҳсулот унуми, 2) харажат коэффиценти, 3) Маҳсулот таннари, 4)

| Маҳсулотнинг номи                                                           | 1913 | 1940 | 1950   | 1960  | 1970  | 1975   | 1980 | 1985   | 1990 |
|-----------------------------------------------------------------------------|------|------|--------|-------|-------|--------|------|--------|------|
| Пўлат, минг т                                                               | -    | 11   | 119    | 297   | 389   | 407,6  | 700  | 1200   | -    |
| Нефть, минг т.                                                              | 13   | 119  | 1342   | 1603  | 1805  | 1352   | 2000 | -      | -    |
| Газ, млрд                                                                   | -    | 0,07 | 0,0522 | 0,447 | 32,1  | 37,2   | 36,3 | -      | -    |
| Қўмир минг т.                                                               | -    | 3,4  | 14,75  | 3410  | 3747  | 5269   | 5800 | -      | -    |
| Минерал уғит (тўйимли моддаларини 100 % га айлантириб ҳисоблаганда) минг т. | -    | 0,3  | 104,0  | 220,3 | 825,2 | 1221,5 | 1297 | 1912,3 | -    |
| Сульфат кислота, минг т                                                     | -    | -    | 72,7   | 2354  | 497   | 980    | 1612 | -      | -    |
| Цемент, минг т                                                              | -    | 267  | 356,4  | 1190  | 3196  | 3536   | 6500 | 10400  | -    |
| Кимёвий тозалар, минг т.                                                    | -    | -    | -      | 0,8   | 1,6   | 22,3   | 32,4 | 51,8   | -    |
| Кимёвий тозалар, минг т.                                                    | -    | -    | -      | 6,0   | 8,2   | 21,4   | -    | 76,3   | -    |
| Ўсимликларнинг химоя қилишнинг кимёвий воситалари, минг т                   | -    | -    | -      | -     | 23,5  | 27,0   | 42,4 | 44,6   | -    |
| Синтетик ювиш воситалари, минг т.                                           | -    | -    | -      | -     | 4,6   | 16,2   | -    | -      | -    |
| Синтетик аммиак, минг т.                                                    | -    | -    | -      | 171   | 1035  | 1312   | 279  | -      | -    |

маҳсулот сифати, 5) аппаратнинг интенсивлиги, 6) аппаратнинг маҳсулдорлиги, 7) материал баланси, 8) технологик системанинг оддий ёки

мураккаблиги, 9) меҳа-низациялаш, 10) автоматлаштириш, 11) меҳнат шароитининг яхшиланиши.

Харажат коэффиценти ва маҳсулот унуми. Харажат коэффиценти деб айни ишлаб чиқариш жараёнида тайёр маҳсулот бирлиги учун (одатда 1 т., баъзан 1 кг. маҳсулот учун) сарфланган хом ашё, ёкилги, электр энергияси, буг ва бошқа материаллар миқдорига айтилади. Булардан энг муҳими хом ашё ва ёкилгидир, улар маҳсулот таннархини белгилловчи асосий критериядир. Ишлаб чиқариш усули айниқса муҳим курсаткичи бўлиб, у харажат коэффицентини кескин пасайтириб атроф муҳитни ифлословчи ишлаб чиқариш чиқиндисини камайтиради. Хом ашёдан комплекс фойдаланиш, унинг барча компетенларини халқ хўжалиги учун фойдали бўлган маҳсулотга айлантириш, тан нархни пасайтирувчи воситаларидан биридир. Маҳсулот унуми деб амалда олинган тайёр маҳсулотнинг назарий олинмиш мумкин бўлган миқдорига бўлган фойз нисбатига айтилади.

Маҳсулот таннархи (киймати). Корхонанинг маҳсулотни тайёрлашдан тортиб то тарқатиб (сотиб) юборгунча сарфланган барча харажатларнинг пул бирлигида ифодаланиши тутиқ таннарх дейилади. Корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган харажатлари фабрика завоқ таннархи деб аталади.

Ишлаб чиқариш таннархн куйидагиларни ўз ичига олади: 1) хом ашё, яримфабрикат ва маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кимёвий реакцияларида бевосита иштирок этадиган асосий материаллари, 2) технологик максадда ишлатилган ёкилги ва энергия, 3) асосий ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар, 4) ярокисланишни (бино қурилма жиҳозлар ва бошқалар) қайта тиклашга ажратиладиган фондлар (маблаглар), 5) цех харажатлари (асосий ишлаб чиқариш фондларини сақлаш ва уларни жорий таъмирлаш учун сарфланадиган маблаг) ва цехнинг маъмурий-бошқарув ходимларини сақлаш ҳамда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги учун кетадиган харажатлар. 6) умумзаовд харажатлари.

Хом ашёдан олинган асосий маҳсулот таннархидан қўшимча маҳсулотлар қиймати чиқариб ташланади. Таннарх калькуляциясини (маҳсулотнинг таннархини ёки олиш - сотиш баҳосини ҳисоблаб чиқиш) яъни материал ва энергия балансларининг маълумотлари асосида маҳсулот бирлигига бўлган сарфиётларни ҳисоблаш учун, хом ашё, материаллар, ёқилғи ва энергия бўйича сарфиёт коэффициентлари аниқланади. Сунгра хом ашёнинг, материалларнинг ва бошқа харажатларни ҳисобга олиб калькуляция тузилади.

Турли кимёвий ишлаб чиқаришларда маҳсулот таннархи ва унга бўлган харажатлар турлича бўлади. Кўпчилик ҳолларда таннархга катта таъсир кўрсатадиган нарса бу хом ашёдир. У кимёвий саноат бўйича таннархнинг ўртача 60 - 70 фоизини ташкил этади. Ёкилги ва энергия эса (электротермик ва электрокимёвий ишлаб чиқаришлардан ташқари) таннархнинг ўртача 10 фоизини ташкил этади. Юқори даражада механизациялашган ва узлуксиз ишлаб чиқариш жараёнлари билан таъминланган кимёвий саноатда асосий ишчиларнинг иш ҳақи ўртача 4 фоизни ташкил этади. Кўпчилик кимёвий ишлаб чиқаришларда иш ҳақи таннархнинг 20 фоизини ташкил этади. Яроксизланиш эса таннархнинг 3-4 фоизини ташкил қилади. Таннарх анализидан уни пасайтириш йўллари ҳам равшан бўлиб қолади.

Кимёвий маҳсулотнинг сифати. Кимёвий маҳсулотнинг сифати (таркиби ва хоссалари) унинг таркибида бегона аралашмаларнинг (қўшимчалар) борлиги ва уларнинг миқдори билан характерланади. Юкори молекуляр бирикмаларда эса унинг молекуласининг тузилиши ва физик-кимёвий хоссаларига ҳам олтилик бўлади. Тайёр маҳсулот тоза ва таъсирчан бўлиши керак. Бетонаралашмаларнинг характери ва миқдори ҳам ашё ва тайёр маҳсулотнинг тозаланиш даражаси ва қўшимча реакциялари бoғлиқ бўлади. Ҳом ашёни тозалаш канчалик такомиллашган бўлса, ҳамда тайёр маҳсулотдан қўшимча реакция маҳсулотлари канчалик туликрок ажратиб олинган, тозалانган бўлса сифат шунчалик юкори бўлади. Айникса маҳсулот концентрацияси сифат учун муҳим кўрсаткичтир. Тоza ва концентрланган маҳсулот олиш нафакат сифат учун, балки у ҳом ашё сифатида қўлланиладиган

жараёнларни интенсивлаш учун ҳам жуда муҳимдир. Кўп минг тоннали ишлаб чиқаришларда эса кимёвий маҳсулотларда фойдали компонентларнинг концентрациясини ошириш уларни ортиш, тушириш, ташиш нуктаи назаридан ҳам катта аҳамиятга эгадир. Масалан, минерал ўғитларнинг таркибида фойдали компонентларининг миқдори 20-50 фоиздан ортмайди. Демак, йилида 50 млн. т. ўғит ишлаб чиқарилса, 30 млн.т. кераксиз маҳсулотни (бегона аралашмаларни) транспорт бир неча юзлаб км, масофага ташиган бўлади. Шунинг учун ҳам кўпчилик минерал ўғитлар, кислоталар, асослар, тузлар ва бошқа кимёвий маҳсулотлар таркибидаги фойдали компонентларнинг концентрациясини ошириш жуда муҳимдир.

Ҳар қандай кимёвий маҳсулотнинг сифати, яъни таркиби ва хоссалари давлат стандартларида баён этилган талабларга (кискартирилиб ГОСТ дейилади) жавоб берадиган бўлиши керак. ГОСТ, русча Государственный общесоюзный стандарт сўзларидан олинган. Ҳали стандарти қўйилмаган, янги маҳсулот турига талаб, корхона ёки муассасанинг техник шартлари (ТШ) билан аниқланади. ГОСТга биноан озик - овқат сифатида ишлатиладиган кислоталар, таркибида киши организми учун зарарли бўлган аралашмалар (кўргошин тузлари, мишьяк ва бошқалар) сақланмаслиги керак.

Аппаратнинг интенсивлиги. Аппаратнинг интенсивлиги деб, аппарат маҳсулдорлигининг унинг ҳар бир  $m^1$  даги фойдали ҳажми бирлигига ёки аппарат ишчи юзасининг  $m^2$  даги кесимига бўлган нисбатина айтилади.

$$J = \frac{M}{V} = \frac{G}{\tau \cdot F}, \quad (1.1) \quad J = \frac{M}{S} = \frac{G}{\tau \cdot S} \quad (1.3)$$

$$J = \frac{V_{\text{м}}}{\tau} \cdot V \quad (1.2)$$

Бунда  $J$  - аппаратнинг интенсивлиги

$M$  - аппаратнинг маҳсулдорлиги

$V$  - аппаратнинг ҳажми ( $m^3$ )

$G$  - ишлаб чиқарилган маҳсулот

$\tau$  - маҳсулотни ишлаб чиқаришга кетган вақт (соат).

$S$  - аппаратнинг ишчи қисмининг юзаси ( $m^2$ ).



Масалан, аммиак синтези аппаратнинг интенсивлиги, синтез колоннасининг катализатор билан тўлгазилган кисмининг  $1 \text{ м}^2$  майдонидан 1 соатда олинган аммиакнинг кг, миқдори билан (бу сон  $5000 \text{ кг/м}^2\text{с}$ , га тенг) характерланади.

Интенсивлаш икки йўл билан амалга оширилади: машина ва аппаратларнинг конструкциясини яхшилаш, аппаратдаги технологик жараёнларни такомиллаштириш.

Аппарат интенсивлигини оширишнинг технологик факторлари: ҳароратни ва босимни ошириш, реакцияга кирувчи реагентлар концентрациясини ошириш, катализатордан фойдаланиш, реакцияга киришувчи моддаларни аралаштириш кабилар бўлиши мумкин.

Интенсивлаш факат катта энергия талаб этмасагина мақсадга мувофиқдир. Аппаратнинг интенсивлиги ва унинг маҳсулдорлиги бир - бирига боғлиқ бўлган кўрсаткичлардир. Ишлаб чиқариш жараёни канчалик интенсивроқ кетса аппаратнинг маҳсулдорлиги шунчалик катта бўлади.

Аппаратнинг маҳсулдорлиги ва кудрати. Аппаратнинг маҳсулдорли-ги деб, вакт бирлигида шу аппаратда ишлаб чиқилган маҳсулот ёки қайта ишланган хом ашё миқдorigа айтилади. Маҳсулдорлик қўйидаги формула билан аниқланади:

$$M = \frac{G}{\tau} \quad (1.4)$$

Бунда:  $M$  - аппаратнинг маҳсулдорлиги

$G$  - ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот (кг.т.)

$\tau$  - вакт. (соат, сек.)

Бир  $\tau$  в.р. корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ( $V_M$ ) билан ўлчанади. У пайтда маҳсулдорлик ( $M$ )  $\text{м}^3/\text{с}$  бирлигида ўлчанади.

$$M = \frac{V_M}{\tau} \quad (1.5)$$

Метр кубларда газ ва суюқ маҳсулотлар ўлчанади. Масалан, кўмирни кокслашда, нефтни қайта ишлаганда ажралиб чиқадиган газлар ҳамда оқава суюқлар, баъзан ишлаб чиқариш чикиндилари кабилар.

Аппаратнинг оптимал шароитда ишлаганда эриша оладиган энг юкори махсулдорлигига унинг кудрати дейилади.

Аппаратнинг махсулдорлиги ва кудратини унинг улчамини ошириш оркали кўпайтириш мумкин. Аппаратнинг ҳажмини катталаштириш, одатда реакцион ҳажм бирлигида ва ишлаб чиқарадиган махсулот бирлигида металл ёки бошқа конструкцион материалларни иктисод қилишга яъни унинг атроф муҳитга чиқиб кетиши ва хом ашё бўйича харажатлар камайтиради, аппаратнинг интенсивлиги ортади. Бунда ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат махсулдорлиги ҳам ортади, чунки хизмат килувчилар штати аппарат махсулдорлигига нисбатан кам даражада ортади.

Ҳар қандай ишлаб чиқаришда ҳам иктисодий самарадорлик нуктаи назаридан янгидан ўрнатиладиган машина ва аппаратларнинг кудрати узлуксиз ошириб борилади. Масалан, сульфат кислота ва аммиак ишлаб чиқаришда асосий реакторларининг кудрати сўнги 20 - 25 йил ичида 30 мартдан ҳам кўпроқ ортди, органик моддалар ишлаб чиқариш технологиясида эса, қайта ишланадиган газни адсорбцияловчи қурilmаларнинг махсулдорлиги бир неча ун мингдан миллион м<sup>3</sup>/с. гача ортди.

Материал баланси. Корхонанинг барча техник - иктисодий кўрсаткичлари ишлаб чиқариш жараёнларининг материал, энергетик ва иктисодий баланслари асосида аниқланади. Баланслар ишлаб чиқарилган махсулот бирлигида тузилади ва жадваллар шаклида тайёрланади. Унда кирим ва чиқим қисмлари бўлиб, ҳар иккала қисмнинг қийматлари йигиндиси ( $EG_{кирим} = EG_{чиқим}$ ) тенг бўлиши керак.

Материал баланси моддалар массасининг сақланиш қонунига асосланади. Унда технологик операцияга тушувчи моддалар (кирим қисмига ёзилган моддалар) массаси реакциядан кейин олинган моддалар (чиқим қисмига ёзилган моддалар) массасига тенг бўлади. Чиқим қисмида асосий реакциядан ташқари, паралел ва қўшимча реакция махсулотлари ҳам ёзилади.

Энергетик баланс, материал баланс маълумотлари ва иссиқлик ҳамда электр энергияларининг кирим ва чиқимларига асосланган ҳолда тузилади.

Иктисодий баланс эса айни маҳсулотни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган барча харажатларнинг кирим ва чикимларига асосланиб пул бирликларида тузилади. Шу баланс маълумотлари асосида маҳсулотнинг таннархи ва демак ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги аниқланади.

Технологик системанинг оддий ва мураккаблиги табиийки маҳсулотнинг таннархига таъсир этади. Системада аппарат ва қурулмалар миқдори кўп бўлса, ундай корхонани қуриш учун кўп маблаг сарфланадн ва яроксизла-нишига ҳам кўп пул ажратилади. Бундан ташқари корхонада ишловчи ва аппаратлар бузулганда уларни тузатувчи кишилар сони ҳам ортади. Демак, меҳнат маҳсулдорлиги камаяди ва маҳсулот таннархи ортади. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқаришнинг янги усулларни яратишда қисқа схемага ўтишга, ишлаб чиқариш босқичларини камайтиришга ҳамда шу узлукли ёки даврий жараёнларни узлуксиз жараёнларга алмаштиришга интиладилар.

Даврий деб шундай жараёнларга айтиладики, бунда ҳам ашё аппаратга солинган бир нечта қайта ишлаш босқичларидан ўтгандан сўнг, ҳосил бўлган маҳсулотларнинг барчаси аппаратдан чиқариб олинади. Бунда аппаратга ҳам ашё солингунча ва ундан маҳсулотларни чиқариб олгунча аппарат ишламайди. Маълум муддатгача бўш туради. Бу операциялар кўп меҳнат талаб қилади, ҳам ашёни солиш ва маҳсулотни тушириб олиш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш жуда қийин бўлади.

Узлуксиз жараён деб шундай жараёнларга айтиладики, бунда аппаратга ҳам ашёнинг тушиши ва ундан маҳсулотнинг чиқариб олиниши узок муддатгача тўхтовсиз давом этади. Бунда аппарат ва қурулмаларнинг ишламай турганидан бўш вақти бўлмайди, аппаратнинг маҳсулдорлиги юқори бўлади. Ҳам ашёни ортиш ва маҳсулотни тушириш ишларини механизациялаш осон ва барча аппаратларни автоматлаштириш енгил бўлади.

Механизациялаш бу одамнинг жисмоний меҳнатини машиналар меҳнатига алмаштиришдир. Механизациялаш аппаратлар ишини интенсификаш ёки хизмат штатларини қисқартириш ҳисобига меҳнат маҳсулдорлигини қонуний равишда оширади. Кўпчилик қимёвий ишлаб чиқаришларда асосий

операциялар механизациялаштирилган. Аммо хом ашени аппаратларга солиш ва махсулотларни ундан чиқариб олиш, материалларни ташиш каби ишларни ҳамма вақт ҳам механизациялаштирилган деб бўлмайти.

Автоматлаштириш шу билан характерланадики, бунда одам ишлаб чиқариш жараёнларини бевосита бошқариш ишларидан озод қилиб, бу функция автомат қуролмаларига юкланади.

Автоматлаштириш - бу меҳнат махсулдорлигини кескин оширувчи ва юкорн иқтисодий қўрсаткичларда қўп махсулот ишлаб чиқаришга имкон берувчи олий даражадаги механизациялашдир.

Жараёни автоматлаштириш уч асосий асбобдан фойдаланиб амалга оширилади: ўлчагич (ёки датчик), тўғрилагич ва ижро этувчи механизм. Ўлчагич технологик режимнинг қандайдир бирор параметрини ўлчаш, ахборотни тўғрилагичга (регуляторга) юборади, у эса қабул қилган ўлчов қийматларини, ўзидаги қийматлар билан таққослаб қўради, агар ўзидаги қийматлардан (илғаридан бериб қўрилган стандарт қийматлар) оғиш содир бўлган бўлса ижроқига команда берилади. Ижроқчи қамчиликни тузатади. Қичқил ишлаб чиқаришларда ўлчагич-асбоби, модданинг ҳароратини, концентрациясини ёки аппаратга қирувчи ва ундан чиқувчи газ (ёки суюқлик) оқими тезлигини ўлчайди. Ижроқчи асбоб эса ўша оғишни тузатиб тенглаштиради.

1-расмда реакторнинг ҳарорат режимини оддий автоматлаштириш схемаси берилган. Қайсиқим, унда экзотермик реакция бўлиб, газсимон махсулотлар олинади. Реакторга қираётган газ оқими тезлиги ва реакцияга қиришадиган моддалар концентрациясининг доимийлигини (ўзгармаслиги) сақлаб туриш автоматлаштирилган бўлса, унда нафақат ҳарорат барқарор бўлади, балки реакторда дастлабки моддаларнинг махсулотларга айланиш даражасини ҳам турғунлайди. (яъни айланиш даражаси доим бир мейёрда боради).

Иссиқ газлар аралашмаси реактордан чиқади. Иссиқлик алмаштиригичнинг қувурлари ичидан ўтиб, қувурларнинг ташқарисилаги

бушлик оркали келаётган дастлабки газларни керакли хароратгача киздиради. Бу газлар кизигач реакторга киради.

Ўлчагич (масалан харорат-Т) реакторга кираётган моддалар хароратини ўлчайди, агар керакли хароратдан озгина четлашган бўлса тўғрилагичга ўтказгич оркали сигнал боради (тўғрилагич - регулятор оддатда у, электрон асбоби), у ўз навбатида ижрочи механизмга (ИМ) команда беради. ИМ бу реакторга 1 кираётган совук газларни очиб ёки ёпиб турувчи кранчаси (вентил) S бўлган электрик моторча бўлши мумкин. Агар реакторга кирадиган газнинг харорати озгина нормадан ортик бўлса, у пайтда ИМ кранчани очади. натижада реакторга кирадиган совук газ миқдори ортиб реактордаги газлар харорати нормал ҳолатга келади. Мободо реакторга кирадиган газнинг харорати нормадан паст бўлса ИМ кранчани бир оз бекитади ва газ харорати нормаллашади.

Мураккаб кимёвий - технологик системаларни комплекс автоматлаштиришда бошқарувчи электрон ҳисоблаш машиналари қўлланилади. Қайсиқим у турли ўлчов асбобларидан жараёни бориши ҳақидаги ахборотларни қабул қилиб олади, оптимал шаронтини ҳисоблайди ва ижрочи - асбобга тегишли команда беради.

Технологик жараёнларнинг автоматлашган бошқарув системасини кимё саноатида кенг қўллаш ҳозирги замоннинг энг долзарб вазифаларидан биридир.

Меҳнат шартини яхшилаш ҳукуматимизнинг, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва асаба уюшмаларининг диққат марказида бўлган муҳим вазифаларидан биридир.

Кимё саноати тармоқлар ушун алоҳида қондалар техника ҳафсидаги нормалари ва ҳар бир кимёвий ишлаб чиқаришни проектлаш қурилиш эксплуатациялаш учун саноат санотария нормалари ишлаб чиқарилган ва улар амалда тадбиқ этилган.

Кимё саноати ходимлари зарарли ва захарли газлар, суюқликлар, чангийдиган ва сочилиб кетувчи моддалар билан, ҳамда юқори хароратва

босим шаронтида ишлашларига тўғри келади. Техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси коидаларида ва махсус конунларда меҳнаткашларнинг хавфсиз иш шаронтларини яратиш кўзда тутилган. Кимёвий корхона биноларининг ичида, корхона атрофида, атмосферада ва сувда зарарли кимёвий моддаларнинг чегаравий концентрацияси белгиланган. Кўпгина органик бирикмалар, айниқса эфирлар, спиртлар ва баъзи анорганик бирикмалар масалан: водород, аммиак ва бошқалар осонликча ўт олиб кетувчи ва портловчи моддалар ҳисобланадилар. Шу боисдан бундай корхоналарда ёнгини олдини олишнинг ҳамда эҳтимолда тутилган ёнгини тез бартараф этишнинг кескин чора тadbирлари қўрилган бўлади.

Кимё корхоналарида ёнгинга қарши техник ва техника хавфсизлиги коидаларига риоя этиш, давлат инспекцияси органлари ҳамда завод ички хизмати ходимлари томонидан назорат қилиб турилади. Корхонанинг ҳар бир ҳолими, шу жумладан кимё лабораторияларига ҳам ишнинг умумий коидаларини ўзлаштирганидан кейингина, ҳамда меҳнат хавфсизлиги инструкцияларини (йўл-йўриқ, курсатма) олгандан сўнг қўйилади.

## **1.6 Кимёвий технологик жараёнлар ҳақида тушунча.**

### **Асосий жараёнларнинг турлари.**

Кимёвий технологияда физикавий ва кимёвий ҳодисалар биргаликда олиб қаралади. Кимёвий – технологик жараён бу дастлабки ҳом ашёлардан олиниши қўзланган тайёр маҳсулотни олишга имкон берадиган операциялар мажмуидан иборат. Кимёвий ва озик- овқат саноатида турли – туман технологик жараёнлар ишлатилади. Бундай жараёнлар аёрим белгиларига қараб бир неча синфларга бўлинади. Технология жараёнларини уларнинг ҳаракатлантирувчи қучига қараб 5 синфга бўлинади:

1. Механик жараёнлар.
2. Гидромеханик жараёнлари.
3. Иссиқлик алмашилиш жараёнлари.

#### 4. Модда алмашининг жараёнлари,

##### 5. Кимёвий жараёнлар,

Механик жараёнлар каттик материаллари механик куч таъсирида кайта ишлаш билан боғлиқ. Бундай жараёнларга саралаш, узатиш, аралаштириш, майдалаш қабилар қиради. Бу жараёнларнинг тезлиги каттик жисмларнинг механик қонуниятлари билан ифодаланади. Бунда ҳаракатлантирувчи куч вазифасини механик босим кучи ёки марказдан қочма куч бажаради.

Гидромеханик жараёнларга суюқ ва газсимон системалардаги ҳаракат (аралаштириш, филтрлаш, чуқтириш) билан боғлиқ жараёнлар қиради. Бундай жараёнларнинг тезлиги гидромеханика қонунлари билан аниқланади. Гидромеханик жараёнларнинг ҳаракатлантируви кучи – гидростатик ва гидродинамик босимдир.

Иссиқлик алмашининг жараёни – ҳароратлар фарқи мавжуд бўлганда бир (ҳарорати юқори) жисмдан иккинчи (ҳарорати паст) жисмга иссиқликнинг утишидир. Бу ғуруҳга совитиш, иситиш. Буглатиш, конденсатлаш ва сунъий совуқ ҳосил қилиш жараёнлари қиради. Жараённинг тезлиги гидродинамик режимга боғлиқ ҳолда иссиқлик узатиш қонунлари билан ифодаланади, иссиқлик жараёнларининг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида иссиқ ва совуқ муҳитлар уртасидаги ҳароратлар фарқи ишлатилади.

Модда алмашининг бир ёки бирнеча компонентларнинг бир фазадан фазаларни ажратувчи юза орқали иккинчи фазга утишидир. Компонентлар бир фазадан иккинчи фазга молекуляр ва турбулент дифузиялар ёрдамида ўтади. Шу сабабли бу жараёнлар диффузион жараёнлар ҳам дейилади. Бу ғуруҳга абсорбция, адсорбция, суюқликларни ҳайдаш, экстракциялаш қўритиш жараёнлари қиради. Жараёнларнинг тезлиги фазаларнинг гидродинамик ҳаракатига боғлиқ бўлиб, модда ўтказиш қонуниятлари билан ифодаланади. Модда алмашининг жараёнларининг ҳаракатлантирувчи кучи фаздаги концентрацияларнинг фарқи билан белгиланади.

#### Кимёвий жараёнлар моддаларнинг ўзаро таъсири натижасида Янги

бирикмаларнинг ҳосил бўлишидир. Кимёвий реакцияларда иссиқлик ва модда алмашининг жараёнлари ҳам содир бўлади. Бундаги жараёнларнинг тезлиги кимёвий кинетика қонуниятлари билан ифодаланади. Реакциялар тезлиги, айниқса саноат миқёсида моддаларнинг гидромеханик ҳаракатига, кимёвий жараёнларнинг ҳаракатлантирувчи кучи эса реакцияга қиришаётган моддаларнинг концентрациясига боғлиқ бўлади.

Механик, гидромеханик, иссиқлик алмашининг, модда алмашининг қабил жараёнлар кимёвий технологик жараёнларнинг элементлари бўлиб, улар «кимёвий технология жараёнлари ва аппаратлари» курсида, кимёвий жараёнлар эса «кимёвий технология» курсида урганилади.

Кимёвий технология жараёнлар (механик, гидромеханик, иссиқлик ва модда алмашининг)нинг асосини материал оқими уртасидаги модда ёки энергия алмашинуви ташкил этади. Ушбу жараёнларнинг негизи гидродинамика ва термодинамика қонунларига асосланади. Жараёнларни таҳлил қилишда аввал модда ва энергиянинг сақланиш қонунларига асосан материал ва энергетик оқимларининг миқдори аниқланади, сўнгра ҳаракатлантирувчи куч топилади.

Ишлаб чиқаришда ҳар бир жараённинг тезлигини оширишга ҳаракат қилинди, бу ўз навбатида қурилмаларнинг иш унумини қўпайтиради. Масалан гидромеханик (филтрлаш) жараён учун қийдаги кинетик тенгламани ёзиш мумкин:

$$\frac{dV}{Fdt} = \frac{1}{R_1} \Delta P = K_1 \Delta P$$

бу ерда  $V$  - филтрат миқдори;  $F$  - филтр юзасининг майдони;  $t$  - вақт;  $R_1$  - филтрнинг қаршилиги;  $K_1 \frac{1}{R_1}$  - филтрловчи тусикнинг ўтказувчанлиги;  $\Delta P$  - босимлар фарқи (ҳаракатлантирувчи куч).

Иссиқлик алмашининг жараёнлари термодинамика қонунларига асосан қуйидаги кинетик тенглама билан ифодаланади:

$$\frac{dQ}{Fdt} = \frac{1}{R_2} = K_2 \Delta t$$

бу ерда Q – утказилган иссиқлик микдори ; F- иссиқлик алмашиниш юзаси ; t- вақт;  $R_2$ - иссиқлик утказишга бўлган қаршилик ;  $K_2 \frac{1}{R_2}$  - иссиқлик утказиш коэффициенти;  $\Delta t$ - ҳароратлар фарқи (харакатлантирувчи куч ).

Модда алмашиниш (диффузион) жараёнлар учун қуйдаги кинетик тенгламани ёзиш мумкин :

$$\frac{dM}{Fdt} = \frac{1}{R_3} \Delta C = K_3 \Delta C$$

бу ерда M-утказилган модда микдори; F – модда алмашиниш юзаси;  $R_3$ - модда утказишга бўлган қаршилик;  $K_3 \frac{1}{R_3}$  - модда утказиш коэффициенти;  $\Delta C$ - концентрациялар фарқи (харакатлантирувчи куч ).

Гидромеханик, иссиқлик ва модда алмашиниш учун қуйдаги умумий кинетик тенгламани ёзиш мумкин:

$$J=Kx$$

Бу тенгламада J-жараёнларнинг тезлиги ; x-харакатлантирувчи куч ; K-кинетик коэффициент.

Урганилаётган жараённинг турига қараб, кинетик коэффициент ҳар хил бўлиши мумкин (масалан, иссиқлик ёки модда алмашиниш коэффициенти, филтрловчи муҳитнинг ўтказувчанлиги).  $J=Kx$  тенглама маълум бир ҳаракатлантирувчи куч таъсирида борадиган жараёнларга мос келади. Агар икки ёки undan o'rtiq жараёнлар бир вақтнинг ўзида паралел кетса, unda ҳар бир жараённинг тезлиги тегишли ҳаракатлантирувчи куч микдорига боғлиқ бўлади. Агар системала бир вақтнинг ўзида комплекс жараёнлар (диффузия ва иссиқлик жараёнлари ) содир бўлса уларнинг ичидан асосий жараён ажратиб олинади. Одатда асосий жараённинг тезлиги қолган жараёнларнинг тезлигига нисбатан катта бўлади. Шу сабабли мураккаб комплекс жараёнларнинг самарадорлигини ошириш учун асосий жараён тезлаштиради.

Кимёвий технологик жараёнларнинг типлари.

Кимевий технологик жараён куйидаги оддий боскичлардан иборатдир.

1. Реакцияга киришувчи компонентларнинг реакция зонасига киритилиши;
2. Кимёвий реакциялар;
3. Ҳосил бўлган маҳсулотларни реакция зонасидан чиқариб олиниши.

Реакцияга киришувчи компонентларнинг реакция зонасига киритилиши

молекуляр диффузия ёки конвекция (Конвекция – бирор модданинг иссиқлик, электр заряди кабиларнинг муҳит оқими туфайли қўчиши – тарқалишидир.) орқали амалга ошади. Реакцияга киришувчи моддаларни каттик аралаштирилганда конвектив қўчиши, гидробсимон диффузия ҳам дейилади. Икки ёки қўп фазали системаларда (система деб, ўзаро физикавий ёки кимёвий таассуротда бўлган моддалар группасига айтилади. Фаза деб, системадаги индивидуал моддага айтилади ёки таркиби, физик кимёвий хоссалари бир хил бўлган, ўзининг ташқи сиртки – юзаси билан системанинг бошқа қисмларидан ажралиб турувчи системанинг бир хил қисмига айтилади) реакцияга киришувчи компонентларнинг реакция зонасига киритилиши: газларнинг абсорбцияси ёки десорбцияси, бўғларнинг конденсацияланиши, каттик моддаларни суюқлантириш, суюқликларни бўғлантириш ёки каттик моддаларни ҳайдаш орқали амалга оширилиши мумкин. Фазалар орасидаги ўтишлар мураккаб диффузион жараёндир.

Кимёвий реакциялар – кимёвий технологик жараённинг иккинчи босқичидир. Реакцияга киришувчи моддалар орасида, яъни, системада, одатда, асосий маҳсулотнинг ҳосил бўлишига олиб келувчи бир неча кетма – кет (баъзида параллел) кимёвий реакциялар, ҳамда олинган хом – ашё билан унинг таркибидаги бегона аралашмалар орасида ҳам бир қатор реакциялар боради. Натижада асосий маҳсулот билан бир қаторда қўшимча маҳсулот (халқ ҳужалиги аҳамиятига эга бўлган маҳсулотлар) ёки чиқинди, саноат ташландиклари (халқ ҳужалигида етарли даражада ишлатилиш соҳасини топмаган, етарли қимматга эга бўлмаган реакция маҳсулотлари) ҳам ҳосил бўлади. Одатда ишлаб чиқариш жараёнларининг анализига барча реакциялар

хисобга олинмайди, балки фақатгина олинishi керак бўлган жараённи маҳсулотнинг миқдори ва сифатига катта таъсир кўрсатадиган реакцияларгина хисобга олинади.

Реакция зонасидан маҳсулотнинг чиқариб олинishi ҳам реакцияга киришувчи компонентларнинг зонага киритилиши каби диффузия, конвекция ва моддаларнинг бир фазадан бошқа фазига (газ, суюқ ва каттик) ўтиши орқали амалга ошади. Технологик жараённинг умумий тезлигини мана шу уч босқич ёки жараённинг биттаси, яъни қайси бири секин борса, ўшаниси белгилайди. Агар кимёвий реакция энг секин борса ва у умумий тезликни белгиласа, у вақтда жараён кинетик ҳудудда кечади. Бундай ҳолларда технологлар кимёвий реакцияни тезлаштирадиган факторларни (олинган хом ашёларнинг концентрацияси, ҳарорати, катализаторлар қўллаш ва бошқалар) кучайтирадилар. Агар жараённинг умумий тезлигини реакция зонасига реагентларнинг киритилиши ёки маҳсулотларни зонадан чиқарилиши белгиласа, демак, жараён диффузион ҳудудда кечади. Диффузия тезлигини аввало аралаштириш, ҳарорат ва концентрацияни ошириш ҳамда системани кўп фазалидан бир фазалига ўтказиш ва ҳоказолар орқали оширилади. Агар технологик жараённи ташкил этувчи барча элементларни (учала жараённинг ҳам) тезлиги тахминан тенг бўлса, у вақтда жараён ўтиш ҳудудида боради. Шунинг учун ҳам энг аввал, ҳам диффузияни, ҳам реакцияни тезлигини оширадиган факторларга таъсир кўрсатиш керак бўлади, яъни дастлабки моддаларнинг концентрациясини ва ҳароратини ошириш зарур.

#### Технологик жараёнларнинг синфланиши.

Кимёвий технологиянинг барча жараёнлари иккита: кимёвий ва физикавий жараёнларга бўлинади. Кимёвий реакциялар, кимёвий – технологик жараёнларнинг энг муҳим босқичидир.

Кимёвий технологик жараёнларни классификациялашда кимёвий реакцияларнинг оддий, мураккаб — параллел ва мураккаб — кетма-кетликка бўлиниш ҳисобига олинади.

Кимевий – технологик жараёнларнинг айрим синфларини характерлашда реакциялар, реагентларнинг ўзаро таъсирлашувини типига қараб иккига, оксидланиш – қайтарилиш (гомолитик ва кислота – асосига (гетеролитик) бўлинади. Кимёвий реакциялар ва масса ўтказиш жараёнлари қайтар ва қайтмас бўлиши мумкин, шунга қараб технологик жараён ҳам фарқ қилади.

Технологик жараёнларнинг классификациясида уларни оптималлаш учун зарур бўлган технологик режим катта аҳамиятга эгадир. Технологик режим деб жараённинг тезлиги, маҳсулотни унуми ва сифатига таъсир этувчи асосий факторлар (параметрлар) йиғиндисига айтилади. Кўпчилик кимёвий – технологик жараёнлар учун режимнинг асосий параметрлари ҳарорат, босим, катализаторларни қўллаш ва уларнинг активлиги, ўзаро реакцияга киришувчи моддаларнинг концентрациялари, реагентларнинг аралаштириш усуллари, кабилар ҳисобланади. Технологик режим параметрлари тегишли реакторларни конструкторлаш принципларини аниқлаб боради. Технологик режим параметрларининг оптимал қиймати, аппаратларнинг энг юқори маҳсулдорлиги ва жараёнларда хизмат килувчи кишиларнинг меҳнат унумдорлигига тўғри келади. Шунинг учун ҳам технологик режим параметрларининг қийматлари ва характери, бир – бирисига боғлиқ бўлади. Параметрлардан бирининг ўзгариши режимнинг бошқа параметрларини оптимал қийматларини ўзгаришига олиб келади. Шунинг учун ҳам технологик жараёнларни, режимнинг барча параметрлари бўйича кимёвий технологиянинг умумий курсида аниқ синфларга бўлиш, мураккаб ва мақсадга мувофиқ эмасдир. Жараённинг тезлиги ва реакторларнинг конструкциясига реагентларнинг аралаштириш даражаси ва усули кучли таъсир кўрсатади. Ўз навбатида реакцияга киришувчи массани аралаштириш усули ва даражаси моддаларнинг агрегат ҳолатига боғлиқ бўлади. Қайта ишланадиган моддаларнинг агрегат ҳолатлари уларни технологик қайта ишлаш усуллари ҳамда аппаратларни конструкциялаш принципларини аниқлаб боради. Шунинг учун ҳам кимёвий технологиянинг умумий қонуниятларини ўрганишда жараёнлар ва унга мос ҳолда реакторларни аввало реакцияга киришувчи моддаларнинг агрегат ҳолатига қараб бўлиш қабул

системалар III, сабабни, барча узаро таъсирлашувчи моддалар системанинг умумий мос келувчи технологик жараёнлар ушбу белгиларига караб гомоген ёки бир жинсли ва гетероген ёки кўп жинслига бўлинади.

Гомоген деб шундай жараёнларга айтиладики, бунда реакцияга киришадиган барча модда бир хил: газ (Г), суюк (С) ёки каттик (К) фазада бўлади. Гомоген системада узаро таъсирлашадиган моддаларнинг реакцияси гетероген системадагига нисбатан, одатда, тез кетади, барча технологик жараёнларнинг механизми содда, жараённи бошқариш осон, шунинг учун ҳам технологияда, амалиётда кўпинча гомоген жараёнга интилинади, яъни, каттик реакцияга киришувчи моддаларни ҳеч бўлмаганда улардан бирини эритиш ёки суюклантириш йули билан суюк ҳолатга ўтказилади. Шу мақсадда газлар конденсацияланади ёки абсорбцияланади.

Гомоген система икки ёки ундан ортиқ фазага бўлади. Қуйидаги икки фазага системалар бўлади: газ-суюк, газ-каттик. Ишлаб чиқариш амалиётида қуйидаги системалар кўп учрайди. Г – С, Г – К, С – К. Бир мунча ишлаб чиқариш жараёнлари, кўп фазага гетероген системаларда кечади, масалан,

Г – С – К, Г – К – К, С – К – К, Г – С – К – К ва ҳоказо. Ишлаб чиқариш амалиётида гомогенга караганда гетероген жараёнлар кенг тарқалган. Бунда одатда жараённинг гетероген босқичи диффузион характер касб этади, кимёвий реакция эса газ ёки суюк муҳитда гомоген жараёнда боради. Аммо бир қатор ишлаб чиқаришларда Г – К, Г – С, С – К ҳолатида гетероген реакциялари боради ва у одатда, жараённинг умумий тезлигини белгилайди. Гетероген реакциялар жумладан суюк ва каттик моддаларнинг ёнишида (оксидланганда), металл ва минералларнинг кислота ва ишқорларда эриганида содир бўлади.

Йиғичлар – органик моддалар бўлиб, молекуласи кўтбисиз (углеводородли) ва кўтбли (карбоксил, гидроксил, амин ва бошқа) қисмлардан тузилган бўлади. Бундай моддалар ўзининг кўтбли группалари билан каттик заррача юзасига адсорбцияланиб, унинг гидрофоблигини кескин оширади. Натижада ундай заррачалар пуфакчалар (кўпикчалар) сиртида йиғилади ва суюқлик юзасига калкиб чиқади. Йиғичлар сифатида, сульфидли рудалар учун ксантогенотлар ва дитиофосфатлар, ишқорий ер элементлари тузларини ёки металл оксидларини ( $\text{SnO}_2$ ,  $\text{Fe}_2\text{O}_3$ ,  $\text{MnO}_2$ ) сакловчи минераллар (аппатит ( $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2 \cdot \text{CuF}_2$ ), флюрит ( $\text{NaAlF}_6$ ), барит ( $\text{BaSO}_4$ ) ва бошқалар) учун юкори алифатик аминлар ишлатилади.

Регулятор – тўғриловчи, реагентларнинг таъсир этиш ҳоссагини ошириш учун хизмат қилади. Тўғриловчилардан бир хиллари йиғичларнинг адсорбцияланишини тезлаштиради, бошқалари эса флотацияланиши кескин

бўлмаган заррачаларга адсорбацияланиб уларнинг гидрофиллигини оширади. Регуляторлар, молекуласида гидрофоб группалари бўлмайди. Масалан, суюқ шиша силикат минералларни охак, кабиларни флотацияланишини камайтиради. Шундай қилиб, қўп марта селектив флотациялаш натижасида нафакат фойдали компонентни, бекорча жинслардан ажратиш бойитиш, балки уларни тўлиқ ажратиш ҳам мумкин. Флотареагент сарфи катта бўлмайди. Бир тонна жинсга 100 граммгача флотареагент сарфланади ҳолос.

Ҳом ашёни бойитиш учун икки типдаги флотация машиналари ишлатилади:

1. Камерали (бўлмали) бунда пульпа ҳаво билан механик усулда аралаштирилади.

2. Тогорали машина. Пневматик (сикилган ҳаво ёрдамида ишловчи) усулда аралаштирилади.

Камерали машиналарда бир неча бўлимлар бир – бириси билан туташтирилган бўлиб, ҳар бир бўлма (камера) ичида ва бўлмалар туташган жойда: тешиклари бўлган диск (туғарак) панжара, тўсик, отесклар (бўлмаларни ажратувчи бўшлик) жойлаштирилган бўлиб улар ёрдамида пульпа сатҳи ҳар хил паражда саклаб турилади ва флотацияга турли шароит яратилади. 8-расмда бу машинанинг битта бўлмасини узунасига кесмаси кўрсатилган. Бўлманинг остки қисмида қувурчалар орқали қўпик ҳосил қилиш учун ҳаво ҳамда флотореагентлари бўлган тоза пульпа киритилади. Бўлма, горизонтал ҳолда ўрнатилган чамбара ёрдамида остки аралаштирувчи ва устки ажратувчи қисмларга ажратилган. Устки ажратувчи бўлимидан концентрат сакловчи қўпик олинади. Остки бўлимидан эса, руда қолдиқлари чиқариб олинади. Агар, қолдиқлар таркибида керакли компонентлар сакланса, у кейинги флотацияловчи бўлимга ўтади ва бошқа флотореагентлар ёрдамида флотацияланади. Бўлмаса чиқинди сифатида ташланади. Концентрат тиндирғичларда сувдан қўпикдан ажратилади. Фильтрдан ўтказилади ва қўритилади.

Пневматик машиналарда ос, майдаланган жинслар пулынага солинилади ва гидрофоб зарраларни флотациялаш хизматини утовчи хаво ёрдами аралашади.

Термик бойитиш. Хом ашёни турлича суюкланувчанлигига асосланган. Ашё киздирилганда осон суюкланувчи материаллар суюқ ҳолда оқиб, кийин суюкланувчи жинслардан ажралади. Шундай усул билан олтингургуртни бошиқ жинслардан (асосан кийин суюкланувчи охактош, гипс ва шу кабилардан) суюклантириб ажратиб оладилар. Битумларни анорганик қўшимчалар ажратиб олишда ҳам қўлланилади.

Кимёвий усуллари компонентларни ташкил этувчи қисмларнинг кимёвий хоссаларини ҳар қиллигидан фойдаланиб хом ашёни бойитишга асосланган.

### 3.4 Суюқ хом ашёларни бойитиш.

Суюқ аралашмаларнинг (эритмалар) таркибидаги моддаларни буглантириш, музлатиш, тўйинтириш, компонентларни чўкмага тушириш, экстракциялаш ёки ректификациялаш орқали ажратилар ёки концентрлайдилар.

Буглантириш, кислоталар, асослар, тузларни ва минерал унитларни таркибидаги сувни йўқотиш учун қўлланилади. Музлатиш билан одатда қиш пайтларида табиий шўробалар концентрланади. Қўпгина кимёвий ишлаб чиқаришларда дастлабки ва айланма эритмалар фойдали компонентлар билан тўйинтирилади. Масалан, табиий шўробаларда ош тузини эритма тўйинтирилади ва сода ишлаб чиқариш учун дастлабки ашё сифатида фойдаланилади. Глинозём ишлаб чиқаришда ош тузи электролизда айланма эритма тўйинтирилади. Компонентларни чўкмага тушириш учун эритмаларга чўқтирувчи реагентлар қўшилади, натижада кимёвий реакция бориб ёки асосий компонент, ё бегона аралашмалари кристалл ҳолда чўкмага тушади. Ёки эритмадаги каллоид аралашмаларни, полимерларни каогуляцияга учратади ва чўқтиради. Бу усулдан минерал тузлар, органик моддалар ишлаб чиқаришда

полиметалл рудаларни кайта ишлаб чиқаришда металлларнинг концентратларини олишда кенг фойдаланилади. Нефть кимёси ишлаб чиқаришида ва органик синтезда суюқ аралашмаларни ажратишда, асосан, суюкликларда экстракциялаш ва ректификациялаш кенг қўлланилади. Суюкликларда экстракциялаш бир-бири билан аралашмайдиган суюкликлар ёрдамида эритма таркибигаги компонентлардан бирини ёки бир нечасини селектив (танлаб) эритиш орқали ажратилади. Бунда эритиб олувчи — селектив эритувчи эритма билан икки қават ҳосил қилади. Шундан фойдаланган ҳолда, улар ажратиб олинади. эритувчи хайдалади ва яна эритувчи сифатида ишлатилади, эритувчидан қолган моддалар эса аралашмалар сифатида алоҳида олинади. Масалан: нитробензол, фурфурол ёки бошқа қутбلى эритувчилар ёрдамида сурков мойлари турли зарарли аралашмалардан тозаланади. Углеводородлар, спиртлар, альдегидлар, мой кислоталари ва бошқа қўпгина органик моддаларни ажратиб олишда экстракцияловчи модда сифатида диэтил эфир, бензол, диметилформамид, хлороформ ва бошқалар ишлатилади. Ректификация, нефтьни қайта ишлашда ва органик моддалар ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. Бу усул моддаларнинг қайнаш ҳароратининг ҳар хиллигига асосланган бўлиб, моддаларни тозалаш ва ажратиш махсус аппаратларда — ректификация минораларида олиб борилади.

### 3.5 Газсимон хом ашёларни бойитиш.

Газсимон аралашмалар қуйидаги усуллар ёрдамида ажаратилади:

- 1) Кетма-кетлик билан конденсациялаш (секинлик билан ҳароратни пасайтириб, босимни эса ошириб бориш орқали газларни суюқ ҳолга ўтказиш).
- 2) Суюлтирилган газлар аралашмасини кетма-кетлик билан суюлантириш ёки ректификациялаш.
- 3) Абсорбциялаш ва десорбциялаш.
- 4) Адсорбциялаш ва десорбциялаш.

Кетма-кетлик билан конденсациялаш усули газлар аралашмаси компонентларининг суюқланиш ҳароратлари ҳар хиллигига асосланган. Бу усул

билан каттик ёкилгиларни коклашда фойдаланилади. Хосил булувчи унинг махсулотларни, табий газни, нефтни кайта ишлашда хосил булган газлар кайта ишланади. Кенг қўлланиладиган усуллардан бири абсорбцион – десорбцион усулдир. Бу усулда газ аралашмаси таркибидаги компонентлардан бири совутирилувчида танлаб ютирилади. Сунгра абсорбцияланган газ эритмачи киздириш йули билан ажратиб олинади. Абсорбцион – десорбцион қурилма схемаси 9-расмда берилган. Бунда абсорбловчи суюқлик аввал абсорберга суворади, унга карама – карши окимда эса, оstdан газлар аралашмаси киритилади. Абсорбциялаган суюқлик иссиқ алмаштиргичга окиб утади ва анча иссиқ десорбернинг теппасидан сачратилади. Ундан газ ажралиб чиққан десорбердан эритувчи аввал иссиқ алмаштиргич оркали утиб совуйди. Сунгра совутгич оркали совуб, яна абсорберга келади. Шундай қилиб, эритувчи суюқлик кетма-кет бир неча марта айланади (циркуляцияланади). Бу усулда газларни этаноламиннинг сувдаги эртмасидан фойдаланиб,  $H_2S$ ,  $CO_2$ ,  $SO_2$  лардан тозаланadi. Масалан, рангли металлургия газларидан  $SO_2$  ни ажрати олишда, кокс газларидан ҳам бензолни, турли углеводородларни ажрати олишда ва бошқалар.

Адсорбцион – десорбцион усулда аралашмалар каттик адсорбентга юттириб ажратилади. Бу усул абсорбцион – десорбцион усулдан адсорбентнинг ағрэгат ҳолати билан фарк қилади.

### 3.6 Хом ашёни комплекс фойдаланиш ва чиқиндисиз технология.

Хом ашёни комплекс фойдаланиш халқ ҳужалигининг энг муҳим ваифаларидан биридир. XX асрдаги илмий-техника революцияси инсониятнинг кам маблағ сарфлаб жуда кўп миқдор табий ресурсларни олиш имкониятини тугдирди. Ҳозирги даврда дунё саноати 25 млрд.т. тоқ жинсларини кайта ишламоқда. Аммо, унинг атиги 2 % и тийёр махсулотга айлантирилиб қолган 98 % дан кўпроғи бекорчи жинс сифатида ташлаб юборилмоқда. Бу ҳолат инсоният олдида глобал муаммоларни қуйди. Биринчи

навбатда, табиий ресурсларнинг тугаб қолиш хавфини ва саноат чиқиндиларининг атроф-муҳитга хавфли экологик таъсири муаммоси қўйилган бўлиб қолади. Бу муаммо ишлаб чиқаришга чиқиндисиз технологияни қўллаш билан ҳал қилиниши мумкин. Қайсики, у табиий ресурслардан ва энергиядан рационал фойдаланиш, ҳамда атроф-муҳитни химоя қилиш имкониятини беради. Чиқиндисиз технологияни амалга оширишнинг асосий дўли бу ҳам ашёни комплекс қайта ишлаш ҳисобланади. Чунки ишлаб чиқариш корхоналарининг чиқиндиси у ёки бу сабабларга қўра тулик ёки умуман фойдаланилмаётган, аммо фойдаланса бўладиган моддалардир. Бунга апатит – нефелин комплекс фойдаланиш схемасини мисол қилиб кўрсатиш мумкин (10-расм). Хибин кони апатит-нафелинли минерали таркибида 13 % апатит, 30-40 % нафелин, 9,4 % эгирин, 2,2 % титаномагнетит, 2,5 % сфен ва бошқа қўшимчалари бор. Бу ҳам ашё майдаланади, флотация усулида апатитли концентрат ва нафелинга ажратилади. Апатитни сульфат кислотали усул билан қайта ишланганда 90 % фосфор 50 % фтор ва фосфогипснинг бир қисми фойдаланилади. Нитрат кислотали усулда сийрак ер элементлари ва стронций ажратиб олинади. Нефелинли концентрат алюминий заводларида қайта ишланади. У факат алюминий корхонаси эмас, балки бир вақтнинг ўзида ҳам металлургия ҳам қимё ҳам цемент корхонасининг ҳам ашёси ҳисобланади. Чунки 1 т глинозём ( $Al_2O_3$ ) олганда қўшимча сифатида 0,6 - 0,8 т. сода, 0,2 – 0,3 т. поташ ва 9 – 11 т. цемент олинади.

Рангли металлургияда полиметалл рудаларни комплекс қайта ишлаш соҳасида катта ютуқларга эришилди. Масалан: қўرғошин-рухли руда қайта ишланиб 18 элемент ажратиб олинмоқда ва 40 хил товар маҳсулоти тайёрлаб чиқаришмоқда. Мис рудаларидан таркибидаги 25 элементдан 21 тасни ажратиб олинмоқда. Мис қолчеданини комплекс фойдаланиш схемаси 11-расмда кўрсатилган. Бунда мис концентратини қуйдиришда ҳосил бўладиган  $SO_2$  газини (4-8 %) ушлаб олиниб (илгари атмосферага чиқарилиб юборилар эди) сульфат кислота олиш учун фойдаланилмоқда. 1 т. мис олганда ажратиб чиққан  $SO_2$  дан 10 т. гача сульфат кислота ишлаб чиқариш мумкин.

Органик хом ашёларни комплекс фойдаланишга ҳам купгина мисол келтириш мумкин. Масалан, кокса кимё ишлаб чиқариш корхонасини олайлиқ у тошқумирдан кокс, ароматик углеводлар, феноллар, нафталин, аммиак, пиридинли асослар, водород ва юзлаб бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаради.

Чиқиндисиз ишлаб чиқаришни ташкил қилишда бир хом ашё фойдаланувчи бир неча ишлаб чиқариш корхоналарини курамалаш (комбинирлаш) катта аҳамият касб этади. Масалан, рангли металлургия саноати билан кимё саноати корхоналарини курамалаш ва кимё – металлургия корбинатлари ташкил этиш ҳисобланади.

Чиқиндисиз ишлаб чиқаришда, айниқса, қурилиш корхоналарида кооперациялаш муҳимдир. Чунки кимё заводларни ёки металлургия заводи чиқиндилари қурилиш корхоналари учун бетон тўлдирувчисини, гишт хом ашёсиз цемент хом ашёси ва автомобиль йуллари учун мустаҳкам қопламалар қилишда ишлатилади.

### 3.7 Энергия.

Кимёвий жараёнлар энергиянинг ютилиши ёки чиқиши билан боради. Кимёвий технологияда энергия, асосан, ёрдамчи операцияларни (ишларни): хом ашё ва тайёр маҳсулотларни бир жойдан иккинчи жойга ташиш, ашёларни майдалаш, бир агрегат ҳолатдан бошқа агрегат ҳолатга ўтказиш, филтрлаш, совутиш ёки иситиш, газларни сиқиш, текширув – ўлчов химияларини бажариш учун сарфланади. Кимё саноати бошқа саноат тармоқларига қараганда, кўп энергия талаб қилади. Кимё саноати ишлаб чиқаришида энергия сарфи киловатт соат (кило жоул) ёки тайёр маҳсулот бирлигида уни ишлаб чиқариш учун сарфланган ёқилғи миқдори билан (квт.с/т, кж/кг, т/т, кг/м<sup>3</sup>) баҳоланади. Масалан: синтетик аммиак 3200 квт.с/т, алюминий – 19000 квт.с/т, фосфор 16500 квт.с/т, аммонийли селитра – 11 квт.с/т ва ҳоказо.

Энергия турлари ва манбалари: кимё саноатида турли хил: электр, иссиқлик, ядро, кимёвий ва нур энергияларидан фойдаланилади. Булардан энг кўп иссиқлик энергияси бўлиб, шартли ёқилғига айлантириб ҳисоблаганда у

50 % ни, бевосита иссиқлик сифатида 10 % ни ташкил этади. Қолган 40 % энергияни эса электр энергияси ташкил этади. Бошқа тур энергияларнинг улуши жуда кам бўлади.

Электр энергияси: электрохимёвий жараёнларни (суюкланма ва ритмаларни электролиз қилиш ва бошқалар) амалга ошириш учун, электротермик (қиздириш учун) ва электромагнитли (рудаларни электромагнит усулида бойитишда) жараёнлар, ҳамда электр энергияси талаб қилувчи бошқа операциялар (чанларни, туманларни электрофилтрларда чўктириш углеводородларни электрокреннинг қилиш ва бошқалар) учун сарфланади. Турли физикавий операцияларни: майдалаш, янчиш, аралаштириш, центрифугалаш, ташиш, кадоклаш, вентиляторларни, компрессорларни ишлатиш учун ва бошқаларни амалга ошириш учун сарфланади. Электр энергияси, асосан, иссиқлик электростанциялари (ИЭС), гидроэлектростанциялари (ГЭС) ва атом электростанцияларида (АЭС) ҳосил қилинади.

Иссиқлик энергияси саноатда реакцияга киришувчи реагентларни қиздириш учун ишлатилади. Яна у ҳар хил технологик операцияларни бажаришда (қуриш, буглатиш, суюклантириш, дистиллаш ва бошқалар) фойдаланилади. Қўлгина ишлаб чиқаришларда (масалан, цемент, шиша, керамик буюмлар ва бошқалар) иссиқлик энергиясининг манбаи сифатида каттик, суюқ ва газсимон ёқилгиларни ёнишидан ҳосил бўлган газлар ишлатилади. Қўлгина кимёвий корхоналар, айрим цехлар иссиқлик энергиясини иссиқ сув ва буг шаклида олади. Қайсиким, улар махсус буг қозон қурилмалари ёки ИЭС ларида ҳосил қилинади.

Ядро энергияси бевосита радиацион кимёвий жараёнларни ўтказишда фойдаланилади. Бунда радиоактив нурлантириш ( $\gamma$  ва  $\beta$  – нурлар, ёки нейтронлар билан) орқали полимерланиш реакцияларини амалга ошириш, полимердан ясалган буюмларни мустаҳкамлигини ошириш, қотириш, фенол, онилин ва бошқа маҳсулотларни синтезлаш каби жараёнларда амалга оширилади. Ҳаммо, ядро энергияси, асосан, электр энергияси олиш учун

фойдаланилади. Ҳозирги пайтда дунёда 300 дан ортиқ АЭС лар бўлиб, уларда 1 % энергия ҳосил қилинади.

Кимёвий энергия экзотермик реакциялар пайтида ажралиб чиқади. Бу энергиядан иссиқ сув ёки буг ҳосил қилиш учун ёки дастлабки материалларни таҳминий қиздириш учун фойдаланилади. Баъзан, электр энергияси айлантиришда (гальваник элементларда ва аккумуляторларда) ҳам ишлатилади. Энергиянинг бу туридан кенг фойдаланиш йирик ишлаб чиқариш корхоналарида жуда катта иқтисодий самара беради. Масалан: айрим ишлаб чиқаришларда (сульфат кислота ва аммиак ва бошқаларда) улар эҳтиёжи учун талаб қилинадиган энергия тулик кимёвий энергия ҳисобига қопланади. Ҳатто, баъзан ортиб ҳам қолади. Ортиқ энергия эса, бошқа корхоналар талабини қондириш учун иссиқ сув ёки буг кўринишида уларга юборилади. Масалан: сульфат кислота ишлаб чиқариш корхонасини (1 т.  $\text{H}_2\text{SO}_4$  ишлаб чиқарганда) энергия билан тула таъминлаш учун 0.36 МЖ (мэга жоул) энергия талаб қилинади. 1 т. сульфат кислота ишлаб чиқарганда ажралиб чиқадиган кимёвий энергия эса, 5 МЖ ни ташкил этади. Талабини қондириш учун бу энергиянинг атиги 7 % и қифоя қилади.

Нур энергияси, электр энергиясига айлантирилиб берувчи фотоэлектрик қурилма технологик жараёнларни автоматик назорат қилиш ва бошқариш биноларни иситишда ва космик техникани энергия билан таъминлашда қўлланилади. Қуёш энергиясидан фойдаланишнинг фотохимёвий усуллари ишлаб чиқилмоқда. Масалан: сувни фотохимёвий парчалаш ва ундан водород ва кислород ажратиб олиш усули қабилардир.

## IV-БОБ. С У В

### 4.1 Кимё саноатида сув.

Сув планетамиз юзасини 70 % ни ташкил этади. Унинг умумий ҳаъми 1 млрд. 345 млн  $\text{км}^3$  (1  $\text{м}^3$  1 млрд. тоннага тенг). Шундан 1 млрд 137 млн.  $\text{км}^3$  ос

94,1 фоизи шўр, ичишга яроксиз сув бўлиб, денгиз ва океанларда тупланган. Музликлардаги (курукликнинг 11 фоизи музликлардан иборат) сув 24 млн. км<sup>3</sup> ёки 1,6 % дир. Кўл ва дарёлар суви 231,2 минг км<sup>3</sup>, атмосфера сувлари 14 минг км<sup>3</sup>, ер ости сувлари 75 минг км<sup>3</sup>. Ерда ичишга ярокли сув миқдори 4-5 млн. км<sup>3</sup> ёки 0,3 % дир. Музликлардаги сувни ҳам қўшиб ҳисоблаганда 2 % га яқин. Ҳозирги кунда ер шари аҳолисининг 1/3 қисмида ичимлик суви танқис бўлиб турибди.

Сув халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида, жумладан, кимё саноатида ҳам кенг қўлланилади. Бунинг сабаби сувда кўпгина фойдали хоссалар (универсал эритувчи эканлиги, рангсиз, ҳидсиз, таъмсиз, захарсизлиги, иссиқлик сизимининг катталиги ва бошқала) борлигидандир. Сув кимё саноатида турли мақсадларда ишлатилади. Масалан: эритувчи сифатида ювиш ишларида, ашёларни флотациялашда, иситиш, совутиш мақсадларида, иссиқ алмаштириш жараёнларида ҳатто ҳам ашё, реагент (масалан: сульфат, нитрат, фосфат, кислоталарини, ишқор ва асосларни ишлаб чиқаришда, водород олишда, гидролиз ва гидратлаш реакцияларида ва бошқаларда) сифатида ишлатилади.

Сувнинг энг йирик истеъмолчиларидан бири кимё саноатидир. Шунинг учун ҳам кимё корхоналари сув манбаъларига яқин жойларда қурилади. Масалан: айрим кимёвий маҳсулотларни 1 тоннасини ишлаб чиқариш учун қуйидагича сув сарфланади: алюминий 1500, пўлат 270, никель 400, вискоза ипаги 1200, синтетик каучук 1600, капрон 2500, нитрат кислота 200, сульфат кислота 50, аммиак 1000, фосфор 15 м<sup>3</sup>/т, факат битта капрон заводи 120 минг киши яшайдиган шаҳар таъминотида сарфланадиган сувга тенг миқдорда сув сарфлайди.

Ҳозирги пайтда ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун, чучук сувнинг умумий миқдоридан 40 % га яқини сарфланмоқда. Шунинг учун ҳам ер шарининг баъзи қисмларида ичимлик суви танқислиги кузатишмоқда. Буни олдини олиш, кимё корхоналарига сув сарфиётини камайтириш учун ишлаб чиқаришни ёпиқ системага ўтказиш, ишлатилган сувни оксизиб юбормай, тозалаб қайта ишлатиш. Ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, сувдан кам

фойдаланувчи технология яратиш, сув билан совутиш системаларини хавода совутиш, ситемаларига ўтказиш лозим.

Табиий сувлар келиб чиқишига караб уч қисмга бўлинади:

1. атмосфера сувлари.
2. ер усти сувлари (дарё, қўл, денгиз ва океан сувлари).
3. ер ости сувлари.

Атмосфера сувлари – ёмғир ва қор сувлари бўлиб, таркибида бегона аралашмалари камлиги билан характерланади. Унинг таркибида тузлар бўлмайди. Асосан, сувда эриган газлар ( $O_2$ ,  $CO_2$ ,  $H_2S$ , азот оксидлари, олтингургуртнинг кислородли бирикмалари органик моддалар) бўлади.

Ер усти сувлари – дарё, қўл, денгиз, океан сувлари бўлиб таркибида Д. И. Менделеев даврий системасидаги барча элементларни учратиш мумкин. Дунё океани сувида  $5 - 10^{16}$  т. туз эриган ҳолда бўлади. Агар бунча тузни ер шарини юзасига бир текисда ёзиб чиқилса, 45 м қалинликда туз қатлами билан қопланган бўлур эди. Денгиз ва океан сувларида  $23 \cdot 10^{15}$  т – Cl,  $83 \cdot 10^{12}$  т – Br,  $8 \cdot 10^9$  т – I,  $16 \cdot 10^{14}$  т – Mg,  $48 \cdot 10^{13}$  т – K,  $1 \cdot 10^{10}$  т – Au,  $28 \cdot 10^8$  т – Li, бор. 800 млн тонна молибден, 300 млрд. т. торий, 20 минг т. радий, 164 млн. т. қумуш бор. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда денгиз ва океан сувларидан турли элементлар, тузлар ажратиб олинмоқда. Ҳозирги кунда қимё саноати ҳар йили денгиз сувларидан 200 млн. т. дан кўпроқ ош тузи олинмоқда. Бундан ташқари қўлаб бошқа элементлар: калий, магний, бром, уран, олтин, темир, рудаси, қалай ва бошқалар ажратиб олинмоқда. (1990 йилда денгиз сувида 2250 т. уран ажратиб олинди.)

Ер ости сувлари – артезиан, булок, қудук сувлари бўлиб, унинг таркиби, у сув тўплаган ёки чиқаётган жойнинг тупроғи ва тоғ жинсларининг таркиби тузилишига боғлиқ бўлади. У сув тўпроқ қатламларидан филтрланиб ўтганлиги туфайли жуда тиник бўлади. Таркибида органик моддаларнинг қолдиқлари учрамайди. Қимё саноати учун йирик ҳом ашё манбаъси бўлган минераллашган ер ости сувларидан турли қимёвий бирикмалар ажрати-

олинали. Масалан: ош тузи ва ундан сода ишкор олинади. Яна бром ва йод ҳамда уларнинг турли бирикмалари ажратиб олинади.

Сув таркибидаги барча бегона аралашмалар дисперслик даражасига қараб учга бўлинади:

1. Дағал дисперс аралашмалар, заррачаларнинг диаметри 100 нм. дан катта.

2. Коллоид дисперс аралашмалар, заррачаларнинг диаметри 1-100 нм. гача.

3. Молекуляр дисперс ёки чин эритмалар.

Дағал дисперс ва коллоид аралашмалар минерал ёки органик моддалар бўлиб улар, асосан турли алюмосиликатлар, силикатлар, гидратланган силикат кислоталар, ишқорий ер металл карбонатлари, металлларнинг асосий тузлари (асосан темирнинг тузи), ўсимликларнинг парчаланиш маҳсулотлари, планктонлар ва бошқалардан иборат бўлади.

Сувлар ишлатилиш соҳасига қараб, саноат ва ичимлик сувларига бўлинади. Ичимлик сувларига алоҳида талаблар қўйилади (бактериялар билан ифлосланганлик даражаси, таъмин, хиди, ранги). Масалан: умумий бактериялар микдори 1мл. сувда 100 тадан ошмаслиги керак. Шундан ичак таёқчаси 1 л. сувда учтадан кўп бўлмаслиги керак. Умумий тузлар микдори 1000 мг/л. дан ошмаслиги талаб қилинади.

Саноат сувларига бактериялар билан ифлосланганлиги (озик-овқат ва баъзи биокимёвий саноат тармоқларидан ташқари) муҳим аҳамиятга эга эмас. Бегона қўшимчаларнинг ҳазаравий микдори ишлаб чиқаришнинг характериға қараб турлича бўлади.

Сувнинг сифати: тиниклиги, тозаллиги, ранги, хиди, ҳарорати, умумий туз микдори, каттиклиги, оксидланиши ва реакцияси каби физик, кимёвий хоссалари билан аниқланади.

Сувнинг тиниклиги унинг канчалик каллилик катламида чиллик ёки бирор ҳарф тасвирини визуал ёки фотоэлемент ёрдамида қўриб уни фарқлаш оқсоқлиги билан аниқланади. Сувнинг тиниклиги унда дағал дисперс механик ва коллоид

заррачаларининг борлиги ва уларнинг миқдорига боғлиқ бўлади. Улар аралашмалар сув ўтказиш қувурларини, аппаратларни ичига чуқиб, уларни тикилиб қолишига, натижада меҳнат унумдорлигини камайтиришига ёки аварияларга олиб келади, сувни қўпиклатиб юборишга, электролизёрларнинг диафрагмасини ифлослашга олиб келади.

Сувнинг тозаллиги унинг таркибидаги ҳар қандай бегона аралашмаларнинг сони ва миқдори билан характерланади. Улар қанчалик кам бўлса, шунчалик тоза ҳисобланади. Сувнинг тозаллиги инсон соғлиги учун муҳим омил бўлиб, ечимини талаб қилинадиган актуал муаммо ҳисобланади.

Умумий туз миқдори сув, таркибида минерал ва органик аралашмаларнинг борлиги билан характерланади. Уни аниқлаш учун 1 л. сувни буглантирилганда қолган қолдиқ ўзгармас массага келгунча  $110^{\circ}\text{C}$  ҳароратда қиздирилади. Ҳосил бўлган масса умумий туз миқдори бўлиб, у мг/л билан ўлчанади. Умумий туз миқдори буглангунча қаттиқ қиздирилиб, совиғи ўлчанади. массалар орасидаги фарқдан органик аралашма миқдори ҳам аниқланади.

Сувнинг оксидланиши унинг таркибида органик қўшимчаларнинг борлиги билан характерланади. Сувнинг оксидланиши, 1 л. сувни оксидлаш учун сарфланган  $\text{KMnO}_4$  нинг мг миқдори билан аниқланади. Бунинг учун 1 л. сув олиниб ортиқча  $\text{KMnO}_4$  билан 10 минут давомида қайнатилади.

Сувнинг реакцияси уни муҳим – кислоталик ёки ишқорийлик даражаси, водород ионларининг концентрацияси яъни pH билан характерланади. pH индикаторлар ёрдамида аниқланади. Агар pH – 6,5 – 7,5 оралиғида бўлса, муҳит нейтрал. pH 6,5 бўлса, муҳит кислотали ва pH 7,5 бўлса, муҳит ишқорий бўлади. Табiiй сувнинг муҳити нейтралга яқин бўлади.

Сувнинг қаттиқлиги унинг таркибидаги кальций ва магний тузларининг миқдори билан характерланади. Қаттиқлик 1 л ( $1\text{ дм}^3$ ) сувда бўлган  $\text{Ca}^{2+}$  ёки  $\text{Mg}^{2+}$  ионларининг миллиграмм эквивалент миқдори билан характерланади. Қаттиқлик бирлиги қилиб 20,04 мг/л  $\text{Ca}^{2+}$  иони ёки 12,16 мг/л  $\text{Mg}^{2+}$  иони қабул

қилинган яъни 1 л сувда 20,04 мг/л  $\text{Ca}^{2+}$  иони еки 12,16 мг/л  $\text{Mg}^{2+}$  иони бўлса бундай сувнинг каттиклиги 1 мг/экв. га тенг бўлади.

Сувнинг каттиклиги учга: муваккат доимий ва умумий каттикликка бўлади. Муваккат (карбонатли) каттиклик сувда кальций ва магний гидрокарбонатларнинг борлиги билан характерланади. Сув кайнатилганда улар сувда эримайдиган карбонатларга айланиб чўкмага тушади. Натижада сув юмшайди.



Доимий (карбонатсиз) каттиклик сувда кальций ва магнийнинг гидрокарбонатларидан бошқа барча тузларининг борлиги билан характерланади. Улар сув кайнатилганда чўкмага тушмайди.

Муваккат ва доимий каттиклик биргаликда умумий каттикликни ҳосил қилади.

Табиий сув каттиклигига қараб қуйидаги синфларга бўлинади:

Сувнинг каттиклик даражаси: 1 л сувда  $\text{Ca}^{2+}$  ва  $\text{Mg}^{2+}$  ионларининг мг.-экв. миқдори

|               |         |
|---------------|---------|
| Жуда юмшок    | 0 – 1,5 |
| Юмшок         | 1,5 – 3 |
| Уртача каттик | 3 – 6   |
| Каттик        | 6 – 10  |
| Жуда каттик   | 10      |

Сувнинг каттиклиги жуда муҳим кўрсаткич бўлиб, сув киздирилганда кальций ва магний карбонатлари чўкиб идиш деворларида чўкинди (касмок) ҳосил қилади. Кальций ва магний сульфатлари эса, сув кайнатилганда чўкмага тушмайди, аммо сувда эрувчанлиги кам бўлганлигидан, сув бугланганда ўта тўйинган эритмага айланиб идиш деворларига каттик қатлам ҳосил қилиб қўкади. У чўкма иссиқликни ёмон ўтказганлигидан (масалан, буг қозонларида 1 мм қатинликдаги касмок чўкинди ёқилги сарфини 5 % гача оширади) буг қозонларида ва иссиқ алмаштиргичларда унумдорликни кескин камайтириб

юборади. Ундан ташқари буғ қозонларининг девори қаттиқ қизиқ кетса, натижада пулат оксидланиб ўз мустаҳкамлигини йўқотади, қўйиб тешиллашади, хатто портлаб кетади. Қаттиқ сув қўпгина технологик жараёнлар учун яроқсиз хисобланади. Масалан: эритмаларни электролиз қилишда содани аммиакли (Сольве) усулида олишда, туқимачилик, озик-овқат саноатлари ва бошқаларда.



Табиий сувни тозалашмай фойдаланиб бўлмайди. Сув манбаълари келадиган сувни сифатини яхшилаш, сувни тайёрлаш дейилади. Сувни тайёрлаш бу сувнинг таркибидаги бегона аралашмалардан тозалаш учун комплекс операцияларни қўллашдан иборатдир.

## 4.2 Ичимлик сувини тайёрлаш.

Ичимлик сувига алоҳида талаблар қўйилади: у тоза, тиник, рангсиз, ҳидсиз, қимёвий ва бактериялар билан ифлосланмаган бўлиши керак, яъни ичимлик суви ГОСТ талабларига жавоб бериши керак. ГОСТга биноан ичимлик сувининг 1 мл да бактерияларнинг умумий сони 100 та дан, ичак таёқчасининг миқдори 1 л сувда учтадан ортиқ бўлмаслиги керак. Дарё ва қўл сувлари, одатда бу талабларга жавоб берадими, шунинг учун ҳам ичимлик сувини водопровод тармоғига беришдан илгари сув тозалаш станцияларида тозаланadi. Ичимлик сувини тайёрлаш тўрт босқичли: тиндириш, коагуляциялаш, филтрлаш ва зарарсизлантириш каби жараёнлардан иборатдир. Ичимлик сувининг тайёрлашнинг асосий схемаси 12-расмда берилган. Тозалаш учун сув хавзадан қўпгина оралиқ қудук дағал тиндиргич орқали олинади. Унга сув ўз оқими билан келади. Дағал тиндиргичга сув секин оқиб киради ва унда тиник дағал дисперс заррачалардан тозаланadi. Сув олиш қўрилмаси химоя түри билан жихозланган бўлиб, йирик нарсаларнинг, жумладан баллиқларнинг қўрилмага тушишини олдини олади. Сувдаги енгил муаллақ заррачалар жуда секин чўқади. Коллоид заррачалар тўпроқ, силик, кислоталари, гумин кислоталари ва бошқалар эса филтрлаш ва чўқтириш усуллари билан ажралмайди. Шунинг учун сув хавзадан ёки тиндиргич

биринчи кутаргич насос ёрдамида аралаштиргичга коагуляция кутариб беради. Коагуляторга элетролитлар –  $Al_2(SO_4)_3$ ,  $Fe_2(SO_4)_3$  ёки бошка бирикмаларнинг ритмалари коагулянтлар ҳам қуйилади. Аралаштиргичда коагуляция жараёни боради. Коагуляция бу – гетероген системаларни ажратишнинг энг самарали усулидир. Бу жараёнинг физик-кимёвий моҳиятини соддарок қилиб қуйидагича баён этиши мумкин. Электродит жуда суолтирилган эритмалардан мусбат зарядланган заррачалар ҳосил қилиб гидролизланади. Қайсиким бу заррачалар манфий зарядли каллоид заррачаларнинг юзасига адсорбланиб уни нейтраллайди. Натижада зарядсизланган каллоид заррачалар бир биросига ёпишиб, йириклашади ва чўқади. Коагулянт иони заряди ( $Al^{3+}$ ,  $Fe^{3+}$ ) канчалик катта бўлса коагуляциялаш учун шунчалик кам электродит сарфланади. Бир вақтнинг ўзида  $Al_2(SO_4)_3$  муваккат катиклигини ҳам анча камайтиради.

Аралаштиргичда қуйидаги реакциялар боради.




коагуляция жараёнида ҳосил бўлган кенг юзали ивксимон чўкма секинлик билан чўка бошлайди ва енгил муаллак заррачаларни ўзига ёпиштириб олади ҳамда органик бўёқ моддаларини ҳам адсорбциялаб чўқади. натижада сув тиник бўлиб қолади.

Коагулянт сарфи сувнинг ифлосланганлик даражаси билан белгиланади: баҳор пайтларида  $Al_2(SO_4)_3$  дан  $120 \text{ г/м}^3$ , ёз даврида  $70 \text{ г/м}^3$  кишда эса  $20 \text{ г/м}^3$  сарфланади. Коагуляция жараёнини тезлаштириш учун қупинча ивксимон чўқимчаларнинг ҳосил бўлиши ва уни чўқишини тезлатувчи қўшимча реагентлар-флокулянтлар ишлатилади. Флокулянт сифатида: активланган силикат кислотаси, карбоксиметил-целлюлоза, олеин кислотасининг натрийли тузи, синетик полимер материаллар полиакриламид, полиэтиленмин ва бошқалардан фойдаланилади. Айниқса, лойка сувларда флокулянтни қўллаш катта самара беради. Агар сувдаги лойка миклорига нисбатан 1% полиакриламид қўшилганда коагулят қўшилш миклори 2-3 марта камаяди. ивксимон чўкманинг чўқиш тезлиги 10-20 мартагача тезлашади.

Сув аралаштиргичлар тиндиргиччи 6 устиди у ерда коагуляция филькут тугайди ва сувдаги аралашган заррачалар чукади. Тиндиргичлар катта синим бетондан қилинган хавуз бўлиб, сувни тиндиргичда узокрок муддат булишини таъминлаш учун унда тўсиқлар ўрнатилган. аммо, сувнинг тўсиқ тиниклашувига очик типдаги кум филтър 7 оркали филтърлангач эришилади. Сув калинлиги 2 м.гача бўлади/босим 0,1 м/с. тезликда филтърланади. Филтърловчи материал сифатида бир кават гравий ва унинг устида бир кават заррачаларининг катталиги 0,5- 1 мм.бўлган 1 м, калинликдаги кумдан/кварц куми фойдаланилади. Сувнинг лойкалари кум юзасида ўтириб қолиб филтърловчи юпка парда ҳосил қилади. Вақт ўтиши билан бу парда калинлашади натижада сувнинг тозаланиш даражаси ортади, аммо филтърланиш тезлиги камаяди. Сўнгра у филтър тозалаш учун тўхтатилади ва филтърлаш бошқасида давом эттирилади. Одатда, филтърлардан бир нечта бўлади.

Коагуляция, чуқутириш, филтърлашлар нафакат сувни бегона аралашмалардан тозалайди, тиник қилади балки 70-80 гача микроблардан ҳам тозалайди. Кўпчилик ҳолларда тозаланган сувда микроблар микдори нормалдан кўп бўлади, шунинг учун филтърдан чиққан сув зарарсизлантириш учун 8 - аппаратга юборилади. Зарарсизлантириш — сувдаги бўлган микроорганизмлар ва бактерияларни: хлорлаш озонлаш, қайнатиш ва бошқа йўллар билан йўқотишдир. Сув хлорлаш учун тоза хлор ёки кальций гипохлоритдан фойдаланилади. Сувни кальций гипохлорит билан ишлов берилганда атомар кислород (кучли оксидловчи) ҳосил бўлиб у микроорганизмларни ўлдирди ва органик қолдиқларни оксидлайди.



Сув хлорланганда ортикча хлор, сувга аммиак ёки натрий сульфит қўшиш йўли билан йўқотилади. Сувдаги қолган хлорнинг микдори 0,2 - 0,4 мг/л. дан ошмаслиги керак. Кейинги йилларда сувни озон билан зарарсизлантирилмоқда. Бунда озон парчаланиб атомар ҳолдаги кислород

хосил килади. Бундан сув хлорланган сувдан фарк қилиб, хлор хидрати эва эмас. Зарарсизлантириш сўнги йилларда сувни фторлаш 1 мг/л.гача фтор,  $\text{Na}_2\text{SiF}_6$  бирикмаси шаклида сувга солинади, бу бир вақтнинг ўзида кишиларнинг тишини емирилишдан ҳам химоя килади, ультрабинафа нури билан нурлантириш, ультратовуш тўлкинлари билан ишлов бериш кумуш ионлари билан ишлов бериш оркали ҳам амалга оширилмоқда.

Сув зарарсизлантирилгач ичишга яроқли бўлиб иккинчи қўтариб бериш насоси 9 ёрдамида босим ҳосил қилиш минорасига 10 қўтариб берилади. Қайсиким, у минора водопроводларда сувнинг доимий босимини таъминлаб туради.

### 4.3 Саноат сувларини тайёрлаш

Саноат сувлари учун ҳам бегона аралашмаларининг миқдори нормадан юқори бўлмаслиги керак ва бу норма сувнинг қайси тармоғида ишлатилишига: қараб турлича бўлади. Масалан, туғри оқимли буг қазонлари учун ишлатиладиган сув таркибида қазон қувурларини коррозияга учратувчи  $\text{CO}_2$  ва  $\text{O}_2$  бўлмаслиги ва қуруқ қолдик миқдори 0,2 - 0,3 мг./л. дан ошмаслиги керак.

Қазонларда буг босимининг ортиши ҳам сувнинг тозаллигига бўлган талабни қучайтиради. Масалан, 1 МПа босимда қаттиклиги 0,36 мг/экв бўлган сувни ишлатиш мумкин бўлса, 6 МПа босимда эса сувнинг қаттиклиги 0,01 мг/экв. дан ошмаслиги керак. 10 МПа босимда эса тўлиқ тузсизлантирилган ва кислороди мутлақо бўлмаган сув ишлатилади.




Саноат сувларини тайёрлаш қуйидаги операциялар: коагуляция тиндириш ва филтрлаш, юмшатиш, тузсизлаш дистиллаш ва деаэрациялаш оркали амалга оширилади. Коагуляция, тиндириш ва филтрлаш жараёнлари, ичимлик сувини тайёрлашдагидек бажарилади. Юмшатиш бу сув таркибидаги қасмқ чуқинди ҳосил қилувчи катионларни  $\text{Ca}^{2+}$  ва  $\text{Mg}^{2+}$  қисман ёки тўлиқ йуқотишоркали амалга оширилади.

Сувни юмшатиш уч қил: 1. физикавий; 2. кимёвий; 3. физик кимёвий усуллар билан амалга оширилади.





Физик усул, бу сувни кайнатиш, дистиллаш ва музлатишга асосланган. Сув кайнатилганда муваккат каттиклик йўқолиши юқорида баён қилинган. Дистиллаш ва музлатиш орқали ҳам сув тузсизланади. Дистиллаш бу сувни кайнатиб, бугини конденсациялаб ажратиб олишга асосланган.

Сувни юмшатишнинг кимёвий усули, кимёвий реагентлар таъсири ва нонларни боглаб ажратишга асосланган. Кимёвий юмшатишнинг бир неча охакли, содали, натронли, фосфатли усуллари бор.

Охакли усулда, сувга сундирилган охак таъсир этилади. Бунда муваккаттиклик йўқолади, темир иони ва  $\text{CO}_2$  ни боглаб ажратиб олинади.



Содали усули сувга кальцинацияланган сода қўшиб доимий каттиклик йўқотилади.



Натрон усулда, баъзан қўлланилиб унда сувга уювчи натрий таъсир эттирилиб муваккат каттиклик йўқотилади.



Реакция натижасида ҳосил бўлган сувнинг доимий қаттиқлиги йўқотишдан широк этади. (содали усулга қаранг).

Фосфатли усулда натрий фосфат билан ҳам муваққат, ҳам доимий қаттиқлик йўқотилади.





Кальций ва магний фосфатларнинг эрувчанлиги жуда камлиги сабабли бу усулда қаттиқлик тула 0.03 г. - экв/л гача йўқотилади. Аммо юқоридаги бошқа усуллардан кўра қимматга тушади. Охакли содали усулларда сув дағал юмшайди. (0.3 г. - экв/л гача.)

Амалиётда сувнинг қаттиқлиги аввал арзон реагентлар ёрдамида, масалан,  $\text{Ca}(\text{OH})_2$  билан, сўнгра қаттиқликни тўлиқроқ йўқотиш учун  $\text{Na}_3\text{PO}_4$  дан фойдаланилади.




Кейинги йилларда ўзининг оддийлиги, юқори самарадорлиги ва иқтисодий арзонлиги сабабли физик-кимёвий, яъни ион алмашиниш усули кенг қўлланилмоқда. Ион алмашиниш усули билан сувни юмшатиш, сувдаги  $\text{Ca}^{2+}$  ва  $\text{Mg}^{2+}$  ионларини ўз катионларига алмаштириш хоссасига эга бўлган катионитлар ёрдамида қаттиқликни йўқотишга асосланган. Шундай хоссага эга бўлган бирикмаларини ионитлар дейилиб, улар катионит ва анионитларга бўлинади. Катионитлар таркибида олатда, ҳаракатчан натрий катионити ёки водород катионити сақлайди. Анионитлар эса ҳаракатчан гидроксил ( $\text{OH}^-$ -анионит) гурппа сақлайди. Натрий катионит сифатида турли хилдаги алюмосиликатлар: глоуконит, цеолит, пермутит ва бошқалар, Н – катионити сифатида эса, сульфурланган кўмир синтетик схемалардан фойдаланилади.  $\text{OH}^-$  – анионитлар, сифатида юқори молекуляр моддалар масалан карбомидли смолалар ишлатилади.

Сувни  $\text{Na}^+$  — катионит билан юмшатиш реакцияси тегишмасини куйидагича ёзиш мумкин




Бунда  $(\text{Кат})$  — катионитнинг алмашилиши реакциясида иштирок этмайдиган кисми.

Сувдаги барча тузларни йукотиш (тузсизлаш) учун, сув навбат билан аввал  $\text{H}^+$  — катионитдан, сунгра  $\text{OH}^-$  — анионитдан ўтказилади:



Ион алмашилиш реакцияси қайтар бўлиб, ионитнинг ион алмашилиш хоссасини қайта тиклаш мумкин. Бунинг учун ион регенерацияланади. Натрий катионитни ош тузининг эритмаси билан, водород катионитни минерал кислоталарнинг эритмаси билан регенерацияланади. Анионитлар эса ишқор эритмаси билан регенерацияланади. Ионит филтрининг тузилиши 13-расмга берилган. У пулатдан ясалган цилиндрсимон корпус бўлиб тепаси гумбазсимон бекилган, остидан сув чиқадиган тешиги, тепасига яқин жойида, ён томонидан сув қирадиган қувири бўлади. Унинг ичига остки қисмида метал чамбара (тўр) ўрнатилган бўлиб, унинг устига 2–4 м қалинликда ионит дончалари (шарчалар шаклида) солинган бўлади. Сув филтрнинг тепасидан кириб, ионит орқали тозаланиб ўтади ва филтрнинг остки қисмидан чиқариб олинади. Регенерациялашда эса тепа қисмидан ош тузи ишқор ёки кислота қиради ва ионит орқали ўтиб уни регенерациялайди ва остидан чиқариб олинади. Деаэрациялаш бу сув таркибидан бўлган газларда сувларни тозалаш бўлиб, икки хил физик ва кимёвий усуллар ёрдамида амалга оширилади. Физикавий усулда сув қайнатилди, натижада сувда эриган газлар ( $\text{CO}_2$  ва  $\text{O}_2$ ) ажралиб чиқади.

Сув дезарацияланади. Кимёвий дезарацияда сувга  $\text{CO}_2$  ва  $\text{O}_2$  ни бириктириб олувчи реагентлар қўйилади. Сувни кимёвий усулда юмшатишганда сув  $\text{CO}_2$  дан тозаланади. Сувдаги кислород эса кучли кайтарувчилар ( $\text{Na}_2\text{SO}_3$ ,  $\text{N}_2\text{H}_4$  — гидрозин) қўйиш орқали бириктириб олинади.



### *Саноатда сув сарфини камайтириш йўллари.*

Хар йили сайёрамиздаги мавжуд дарёларда оккаи сувнинг барчасини биргаликда қўшиб ҳисоблаганда, унинг 600-700 км<sup>3</sup> га ёки 9% саноат ва маиший эҳтиёжлар учун сарфланади. Шундан 150 км<sup>3</sup> қайтмас ҳолда сарфланиб 500 км<sup>3</sup> га яқини эса тоза сув билан аралаштирилиб (суюлтирилиб) яна дарё, қул ва денгизларга қўйилади. Суюлтириш учун дунёдаги дарёларнинг 40% га яқин суви сарфланади. Шунинг учун инсоният олдида дунёда сувнинг тугаш ҳавфи эмас балки, ичишга яроқли бўлган тоза, сифатли чучук сувнинг тугаб қолиш муаммоси турибди. Бундай сув ресурсларидан рационал фойдаланиш каби мураккаб вазифани ҳал қилиш учун ишлаб чиқаришнинг илмий асосланган сув сарфиёти нормаси ҳамда ҳар бир жараён учун энг кам тоза сувни сарфлашни назарда тутувчи янгича технологик схемаларни яратиш, ҳамда ифлосланган сувни чиқариб ташламайдиган ёпик системаларни жорий қилиш зарур. Ишлатиладиган сувни тозалаш катта иктисодий чиқимлар билан боғлиқ. Корхонаи сув билан таъминлашнинг мураккаб системаси ва корхонадан чиққан чиқинди сувни тозалаш қурилмаларини барпо этиш каби ишлаб чиқариладиган маҳсулот тан нархини оширишга олиб келади. Масалан, сувни филтрлашнинг ўзи тоза дарё сувига нисбатан унинг тан нархини 1.5 мартага оширади. Қисман сувни юмшатиш эса 8 марта, сувни тузсизлантириш, тузлик юмшатиш эса 10-11 мартагача оширади. Кимё корхонасининг жуда катта маблағи сув тозалаш қурилмаларини қуриш учун (корхона учумий капитал маблағининг 10-15% дан кўпроғи) сарфланади. Кимё корхоналарида сув сарфини камайтириш уч йўналиш орқали амалга оширилиши мумкин. 1.

Ишлатилган сувни яна қайта-қайта ишлатиш; 2. Сув совутгичларни ҳаво совутгичларига алмаштириш; 3. оқова сувларни тозалаш ва қайта ишлатиш.

Саноатда фойдаланиладиган сувнинг 45 % гача миқдори иссиқлик алмаштиргичларда совутиш мақсадида ишлатилади. Бу сув у қадар кўп ифлосланмайди ва кўп марталаб қайта ишлатилиши мумкин. Бунинг учун ҳар гал ишлатишдан олдин градиентларда (иссиқ сувни юқоридан сачратиш орқали совутадиган минорасимон қурилма) ва сувни сачратиб, совутиш хавзалари (бунда махсус қувурлар орқали иссиқ сув юқоридан очик ҳовузларга, душда сув окканидек сачратиш йўли билан совутилади) совутилади.

Ишлатилган сув нефтни қайта ишлаш саноатида кенг қўлланилади. Масалан, 1965-1970 йилларда 1 т нефтни қайта ишлаш учун  $10 \text{ м}^3$  сув сарфланар эди. Ҳозирги пайтда эса фақат 1.15-1.18  $\text{м}^3$  сув сарфланади ҳолос.

Ёпик системали сув таъминоти асосида ишловчи корхоналарнинг сувни ишлатилиб бўлгач, чиқарилиб аввал тиндирилади, аралашган каттик зарралар ажратиб ташланади. Қисман туз ва реагентларда тозаланади, сўнг яна технологик жараёнга юборилади. Бунда фақат бугланиб кетган сув ўрни тоза сув қўшиш билан тўлдириб турилади ҳолос. Ёпик системали сув таъминоти асосида ишлайдиган корхоналар мис суюклантириб олинadиган комбинатнинг, мисни бойитиш фабрикасини мисол килиб келтириш мумкин. Саноатда сув сарфини катта миқдорда камайтириш имконини берадиган йўналиш сувни совутгичларни ҳаво совутгичларига алмаштиришдир. Кам чиқинди чиқарадиган технологияни сув ишлатилмайдиган технологик жараёнларни жорий қилишдир.

## V - БОБ НООРГАНИК МОДДАЛАР ИШЛАБ ЧИКАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

### 5.1 Металлургия. Қора ва рангли металллар ишлаб чикариш

Металларнинг саноатда олиниш усуллари ҳақидаги фан - металлургия тетишли заводлар металлургия заводлари ва бошқа ҳам ашёлардан металллар

кайтиб олувчи саноат тармогига эса металлургия саноати ёки туғридан-туғри металлургия дейилади. Ҳозирги вақтда маълум булган элементлардан 85 таси металллардир. Металл ишлаб чиқариш жуда қадимдан пайдо булган, Эрампдан 2-3 минг йил илгари ҳам айрим металлларни олишни билганлар масалан Ҳиндистонда, Мисрда олтин, қумуш, мис, сурьма, калай, симоб, қурғошин каби металлларни темирнинг ва унинг қотишмалари - чуян ва пулатни олишни билганлар. Эрампдан 2900 йил олдин қурилган Ҳуфу пирамидасида топилган пулат искана бунинг далили була олади. Арман тоғлари территориясида жойлашган Урарту давлати энг қадимги металлургия марказларидан бири булган. Уларга мис ва бошқа айрим металллар эрампдан 2-3 минг йил илгари маълум булганлиги археологик текширишлар натижасида аниқланган. Энг биринчи оксидларидан осонликча қайтариб олинган металл, қурғошин ва калайдир. Кейинчалик мисни калай билан қушиб суюқлантириш усуллари топилгач бронза ишлаб чиқарила бошлади. (Эрампдан илгари III-I асрлар бронза асри). Кейинчалик бронза суюқлантирилиб олиш печларининг такомиллаштирилиши натижасида темир олиш учун топилиб уни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. (темир асри, эрампдан илгари I асрда бошланди) XIV асрга келиб домна усулида чуян олиш ва XIX асрга келиб пулат ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Металллар ва улар асосида олинаётган қотишмаларнинг инсоният фаолиятида, турмушимизда ишлатилмайдиган соҳасини қўрсатиш кийин. Улар конструкцион материаллар, машиналар, аппаратлар, транспорт, алоқа, қурилиш каби минглаб соҳаларда жуда кенг қўламда ишлатилади.

Металлургия жуда қадимдан ривожланган бўлсада пулат олишнинг илмий асослари энг биринчи 1841 йилда рус металлурги П.П.Аносов томонидан ишлаб чиқарилган. Рудалардан металлларни ажратиб олиш усуллари яратишда муҳим ҳисса қўшган олимлардан яна М.В. Ломоносов, (Металлургия жараянларининг назариясини яратишда) В.В. Петров (1803 йил, электрометаллургия асосларини яратишда) Д.К.Чернов (металлшуносликка

асос солишда) П.П.Аносов (1841 й.) ва Н.Н.Бекетовлар (1865 й.) металлотермияни ривожлантиришда) ва бошқаларни курсатиш мумкин.

## 5.2 Металларнинг синфларга бўлиниши.

Металларни синфларга бўлишда уларнинг тарқалиши, ишлатилиши, физикавий, қисман кимёвий хоссаларига асосланади.

Барча металлар иккига, қора ва рангли металларга бўлинади. Қора металлар темир, марганец ва улар асосида олинadиган қотишмалар қиради.

(Қора металл дейилишига сабаб, қиздирилганда юзасига юпка қора рангли куйинди-оксид қавати ҳосил бўлишидир). Ранггига -қолган барча металлар қиради.

Рангли металлар 4 гуруҳга бўлинади: 1. Оғир рангли (зичлиги  $5\text{г/см}^3$  дан катта) металлар: мис, қурғошин, қалай, никел, рух, 2. енгил рангли (зичлиги  $5\text{г/см}^3$  дан кичик) металлар: алюминий, ишқорий ва ишқорий-ер металлари; 3. қimmatбаҳо металлар: платина, иридий, осмий, палладий, радий, рутений, олтин, қумуш; 4. сийрак ёки нодир металлар: (қолган барча металлар шу гуруҳга қиради) а) қийин суюқланувчи: вольфрам, молибден, ванадий, каболт, титан, цирконий, неодий; б) сочма, гармоний, галлий, таллий, индий, рений; в) сийрак ер, лантаноидлар, г) радиактив: торий, радий, актиний, протактиний, уран, д) суний: полоний, аstat, нептуний, плутоний, протактиний, уран ва урандин кейинги металлар.

Темирнинг барча қотишмалари таркибидаги углерод миқдорига қараб чўян ва пулатга бўлинади. Таркибида 2% дан кўп (одатда 3.5-4.5 %) углерод сақланadиган темир қотишмасига чўян ва 2% дан кам углерод сақласа пулат деб аталади.

Темир қумушсимон оқ пластик металл, нисбатан юмшоқ, оғир ( $\rho = 8.87\text{ г/см}^3$ ) ферромагнитлик хоссасига эга, тоза ҳолда  $1539^\circ\text{C}$  да суюқланади. У икки хил  $\alpha$ -ва  $\beta$  темир аллотропик шакл ўзгаришларида учрайди. Оддий шароитда  $\alpha$ -темир ҳолатда бўлиб, ҳажмий марказлашган куб шаклдаги кристаллик панжарага эга.  $768^\circ\text{C}$  га магнитга тортилиш хоссасини йўқотиб  $\beta$ -темир ҳолатга

ўтади. Бунда унинг кристаллик панжараси ўзгармайди.  $910^{\circ}\text{C}$  да янги аллотропик шакли  $\gamma$ - темирга айланади ва у киралли марказлашган куб шаклидаги кристаллик панжарага эга бўлади, магнитга тортилмайди. Нихоят  $1400^{\circ}\text{C}$  да  $\delta$ - темирга айланади ва яна ҳажмий марказлашган кристаллик панжарага эга бўлади. Физик хоссалари билан у  $\alpha$ -темирга ўхшайди, магнитга тортилади.

Темир ўзига қўпгина элементларни(C, Si, p, S, Mn ва бошқалар).эритади. Унинг, айникса, углеродни эритиши кристаллик панжарасининг тузилиши ва ҳароратга боғлиқ бўлади.  $\alpha$ - ҳолатдан  $\gamma$ -ҳолатга ўтганда углеродни эритиши кескин ортади.  $\alpha$ - темирнинг энг қўп углеродни эритиши  $723^{\circ}\text{C}$  да бўлиб, у 0,04 % га яқин ва бундай темирнинг каттик эритмаси ферит дейилиб, магнитга тортилади. пластик ва механик жихатдан буш бўлади.  $\gamma$ - темирда эса углероднинг эрувчанлиги  $1130^{\circ}\text{C}$  да 2% ва ундан ортиқ бўлади. Темирнинг бундай каттик эритмасига аустенит деб аталади. У жуда каттик ва мўрт бўлади, магнитга тотилмайди.

Углерод суюқ темирда эриш билан бир қаторда кимёвий бирикма ҳам ҳосил қилади. Унинг углерод билан ҳосил қилган бирикмасига темир карбири —  $\text{Fe}_3\text{C}$  ёки цементит дейилади. Цементит таркибида 6,67 % (масса бўйича) углерод сақлайди. У жуда каттик (олмосга яқин) ва мўрт бўлади. (унинг суюқланиш ҳарорати  $1600^{\circ}\text{C}$ ). Чўян секинлик билан совутилса таркибидаги цементитнинг қўп қисми феррит ва графитга парчаланади ва чўянни қўлранг қилиб қўяди. Шунинг учун ҳам бундай чўян қўлранг чўян дейилади. Қўлранг чўян юмшоқроқ, мўртлиги ҳам қамайган ва унга ишлов бериш ҳам анча осон бўлади.

### 5.3 Чўян ишлаб чиқариш

Чўян ишлаб чиқариш учун ҳам ашё сифатида темир рудалари, флюс, ёкилли, ҳаво ва баъзан марганец рудалари ишлатилади.

Темир рудалари таркибида темир бирикмаларидан ташқари кераксий жинслар: кремнезём, тулрок, сланец ва бошқалар ҳамда, бегона қўшимчалар:

олтин угури, фосфор, рух ва минерал бирикмалари ушлайди. Олтин угури руда таркибида  $\text{FeS}_2$  (колчедан) шаклида учрайди. Руда суюклантирилганда S чуян ва пулат таркибига эриб утади, уларни иссиқда синувчан, мўрт қилиб қўяди. Шунинг учун ҳам унинг микдори, руда таркибида 0,15% дан ортик бўлмаслиги керак. Фосфор эса руда таркибида фосфорит ва апатитлар шаклида учрайди. У ҳам чуян ва пулат олиш жараёнида эриб уларнинг таркибига утади. Унинг микдори ҳам 0,15% дан ортик бўлмаслиги керак. Фосфор чуян ва пулатнинг сифатини пасайтиради (улар совукда синувчан, мўрт булади). Бошқа қўшимчалар ҳам ( Cu, Ti, Cr, Mn, V ва бошқалар ) чуян ва пулат таркибига суюкланиб киргач, уларнинг физик, механик хоссаларини ўзгартириб юборади.

Темир рудалари тури 300 хилдан ортиқроқ бўлишига қарамай чуян ва пулат ишлаб чиқаришда асосан қуйидаги темир рудалари ишлатилади: 1. Магнит темиртош (магнетит)  $\text{Fe}_3\text{O}_4$  ушлайди. 2. Қизил темиртош (гематит)  $\text{Fe}_2\text{O}_3$ . Улар таркибида 50-70% гача темир сақлайди. Қўшимча сифатида озрок S ва P ушлайди. Қўнғир темиртош (лимонит)-  $\text{Fe}_2\text{O}_3 \cdot n\text{H}_2\text{O}$  темир гидроксиди бўлиб таркибидаги адсорбцияланган сув микдори ўзгариб туради. Бу руда таркибида темир микдори 25-53% гача бўлиб, таркибида аралашма сифатида S, P, As ушлайди. Таркибида 2% гача хром ва 1% гача Ni сақловчи турлари ҳам учрайди ва у табиий лигирланган чуян ва пулат ишлаб чиқаришда қўлланилади. Шпатли темиртош (сидерит)-  $\text{FeCO}_3$ . Таркибида 30-37% гача темир ушлайди. Бу руда қуйдирилгач, темир микдори 50-60% гача ортади. У таркибида жуда кам микдорда S ва P, ҳамда 1-10% гача Mn сақлайди. Олатда руда таркибида темирнинг микдори 30%дан кам бўлса, у чуян ва пулат ишлаб чиқариш учун ишлатилмайди. Ҳом ашё сифатида кам бўлсада кора ва рангли металлургия чикитлари, сворка шлаклари (таркибида 45-50% гача темир ушлайди) колчедан куюндилари, марганец рудалари (  $\text{MnO}$ ,  $\text{Mn}_2\text{O}_3$ ,  $\text{MnCO}_3$  ва бошқалар) темир синиклари ва шу қабилар ҳам ишлатилади.

Флюс немисча сўз бўлиб суюқ дэган маънони англатади. Флюс домна жараёнида кийин суюкланувчи оксидларни осон суюкланувчи чуян билан аралашмайдиган шлакка айлантиради, руда таркибидаги бекорчи жинсларни

чўян ва пулатни сифатини пасайтирувчи элементларни, кумирнини кулини (кокс кулини) бириктириб олади. Флюс сифатида асосан охактош ( $\text{CaCO}_3$ ) ва доломит ( $\text{CaCO}_3 \cdot \text{MgCO}_3$ ) ишлатилади. Флюснинг ахамияти жуда катта. Одинадиган чўянинг сифатини яхшилаш ва уни бошқариш имконини беради. 1т чўян олиш учун 0,4-0,8т. гача флюс қўшилади.

Ёкилги сифатида кокс (таркиби 80-86% C, 2-7%  $\text{H}_2\text{O}$ , 1,2-1,7% S ва 15% гача қулдан иборат) ва табиий газ ишлатилади. Кокс ва унинг оксидланишидан ҳосил булган CO руда таркибида темирни оксидларидан қайтариш учун хизмат қилади. Ҳамда кокс темирда қисман эриб уни нисбатан пастроқ ҳароратда суюқланидиган қилади. Кейинги йилларда чўян ишлаб чиқаришда, кокснинг миқдори камайитирилиб, унинг ўрнига табиий газ қўп ишлатилмоқда, натижада қимматбаҳо коксни тежашга ва чўянинг тан нархини арзонлаштиришга эришилди. Ҳатто коксиз ишлайдиган металлургия ҳам пайдо бўлди. АҚШнинг Мидленд Росс фирмаси томонидан ишлаб чиқилган бу усулда кокс ўрнида конвертор газидан фойдаланилади.

Домна печидаги кимёвий реакцияларни тезлаштирадиган шароитлар. Домна печининг маҳсулдорлиги факат унинг ҳажмига (катта-кичиклигига) боғлиқ бўлиб қолмай, балки унда борадиган кимёвий жараёнларнинг бориш тезлигига ҳам боғлиқ бўлади. Шунинг учун кимёвий реакцияларни тезлаштирувчи факторлар: ҳарорат ва реакцияга киришувчи моддаларнинг тўқнашув сиртини оширади.

Кимёвий реакция тезлигини ошириш учун реакцияга киришувчи моддаларнинг концентрацияси оширилади. Бунинг учун 1) темир рудаси бойитилади 2) домнага киритиладиган ҳавога тоза кислород қўшилади 3) табиий газ метан ҳам киритилади. Метан ҳам ёкилги ҳам қайтарувчидир, чунки у ёнганда ҳосил бўлган сув чўғ ҳолдаги кокс билан бириқиб водород газини ҳосил қилади. Водород эса қучли қайтарувчидир.

Реакция тезлиги ҳароратга ҳам боғлиқ бўлади. Домнада ҳароратни ошириш учун, унга пуфланидиган ҳаво қауцерларда аввал қиздирилади. Бунда қўпинча реакция иссиқлигидан фойдаланилади.

Кимевий реакция тезлигини оширадиган факторлардан яна бири юз таъсирини ошириш учун, домнага тушириладиган руда, кокс ва флюс маълум оптимал ўлчамга эга бўлиши лозим.

Домна печинининг махсулдорлигини оширишда, ёкилгини тежаш шихтани тайёрлаш муҳим рол ўйнайди. Шихта таркибига кирувчи компонентлар катталиги муҳим курсаткичлардан бири бўлиб, руданинг катталиги 40-100 мм, коксники 40-80 мм ва охактошники 30-80 мм бўлиши керак. Бунинг учун руда майдаланади, галвирдан ўтказилади, булактарининг катталиги бир хиллик даражаси оширилади ва ниҳоят бойитилади. Майдалари агломерацияланади (чангсимон майда заррачалари кокс ва флюс билан аралаштирилиб чала суюклантирилади, натижада зарралар бир-бирисига ёпишиб йириклашади, сўнгра у совутилиб котирилгач, керакли катталиқда майдалаб олинади). Шихта булаклари таркибда 10% 5мм дан кичиклари бўлса пачнинг махсулдорлигини 3% гача камайтиради ва ёкилги сарфини оширади.

Темир рудасига бой мамлакат Россиядир (Урал, Курский магнит аномалияси, Керч, Кривой Рог, Шаркий Сибирь, Узок Шарк, Кола Ярим ороли ва бошқалар) унда дунё темир рудасининг 50% га яқини жойлашган. Ўзбекистонда ҳам темирнинг 60 га яқин конлари бўлиб, улардан йириклари Султон Увайс тоглари, Амударё эстагидаги Табинбулок (рудаси таркибда 15-16% темири бор) Марказий Қизилқумдаги Кенес ва Жадир (миқдори 300 млн.т.дан ортиқ) конларидир. Ўзбекистон темирининг асосий миқдорлари Султон Увайс тоглари (68%), Қизилқумда (14%), қолган қисми Тошкент ва Сурхандарё вилоятларидадир. Кези келганда шунини айтиш лозимки, жумҳуриятимизда ҳар йили тахминан 2 млн.т. темир терсақлар йиғиладики, унн ҳаммаси чуян ва пулатга айлантирилса жумҳуриятимизнинг унга бўлган эҳтиёжини 50-60% ини қондирган бўлар эди. аммо ҳозирги кунда тупланаятган темир терсақларнинг атиги 27% қайта ишланаётир.

Чуян ишлаб чиқаришда борадиган асосий реакциялар. Чуян домна печи деб аталувчи реакторларда эритиб олинади. Чуян эритиб олиш жараёнида куйидаги кимёвий реакциялар кетади. Печнинг юқори қисмидан, шихта пастидан

томон, остидан юкорига карама-карши йуналишда эса, ёкилгининг ёнишидан ҳосил бўлган газлар ҳаракат қилади. Шихта пастга тушган сайин кизийди, натижада энг аввал осон бугланувчи моддлардан (намлик,  $\text{CO}_2$  газлари ва бошқалар) тозаланади. Шихта намлиги ( $200^\circ\text{C}$  да) бугланиб қуригач унинг ҳарорати орта боради ва  $400-600^\circ\text{C}$  га етгач  $\text{Fe}$ ,  $\text{Mn}$  ва  $\text{Mg}$  карбонатлари интенсив парчалана бошлайдилар. Печ ҳарорати  $800-900^\circ\text{C}$  га боргач оҳақтош ва доломит парчалана бошлайди.



Шихта таркибидаги кокс ҳам печнинг остидан домна ҳаво киздиргичларида (кауперлар)  $800^\circ\text{C}$  гача кизиган ва кислородга бойитилган газ билан тўқнашиб ёнади.  $\text{C} + \text{O}_2 = \text{CO}_2 + 401$  кЖ печга ёниш учун киритилган газ ёнади.




Юкоридаги реакциялар натижасида ҳосил бўлган газлар ҳам ( $\text{CO}_2$ ,  $\text{H}_2\text{O}$ ) турли таъсиротларига учрайди.  $\text{CO}_2$  газы печнинг юкорисига кўтарилиб иссиқ кокс билан реакцияга киришади ва ис газига айланади.



Сув буги эса иссиқ кокс билан қайтарилиб  $\text{CO}$  ва  $\text{H}_2$  ҳосил қилади.



Ҳосил бўлган  $\text{CO}$  газлари ва  $\text{H}_2$  темирни, оксидларидан қайтаради. Темир оксидлари турлича қайтарилади. Энг осон қайтариладигани  $\text{Fe}_2\text{O}_3$  кейин  $\text{Fe}_2\text{O}_4$  ва энг кийин қайтариладигани  $\text{FeO}$  дир.



Қайтарилган темир суюкланиб остга тушади.  $\text{CO}_2$  эса юкорига кўтарилади. Мувоzanат батамом ўнгга силжийди. Водород ҳам  $\text{CO}$  каби юкоридаги реакцияга ўхшаш темир оксидларини қайтариш учун сарфланади. Бунда ҳосил бўлган сув буглари юкорида айтилганидек кокс билан қайтарилиб яна  $\text{H}_2$  ва  $\text{CO}$


га айланганда темир оксидларини кайтарилиш натижасида ҳосил бўлади.

CO<sub>2</sub> ҳам юқорига кутарилгач иссиқ кокс таъсирида яна СО га айланади. шундан килиб бу жараён такрорланаверади. Темир оксидларининг кайтарилишини умумий бир тенглама билан ёзиш мумкин



Реакция кайтар бўлганлиги учун СО ва Н<sub>2</sub> каби газларнинг ҳаммаси кайтаришга сарфланмай қисман домна газлари билан печдан чиқиб кетади. Домна газлари таркибида N<sub>2</sub>, CO<sub>2</sub> ва 27-30% СО озрок Н<sub>2</sub> ва СН<sub>4</sub> бўлади.

Темир оксидлари нафакат СО ва Н<sub>2</sub> билан балки углерод (кокс) билан ҳам кайтарилади. Темир оксидларининг углерод билан кайтарилишига туғри кайтариш дейилади. Углерод билан кайтарилиш 1000°С дан юқори боради. Кайтариш учун факат кокс углероди эмас, балки СО нинг термик парчаланишидан ҳосил бўлган углерод ҳам катнашади.



Домна жараёнида темирдан ташқари шихта таркибида бўлган бошқа элементлар ҳам кайтарилади. 1000°С да Mn<sub>2</sub>O<sub>3</sub> кайтарилиб Mn<sub>3</sub>O<sub>4</sub> сўнгра MnO ва нихоят Mn ҳосил бўлади.



Ҳосил бўлган MnO ни кайтарилиши асосан юқори ҳароратли зонада углерод ҳисобига боради. Кайтарилган марганецнинг бир қисми эриб чуён таркибига ўтади.




Аммо марганец оксидининг кўп қисми кайтарилмай шлак таркибига ўтади. Кремний ҳам каттик углерод билан қисман юқори ҳароратда кайтарилади.




Фосфор эса С ва SiO<sub>2</sub> таъсирида кайтарилиб эркин фосфорга айланади ва ҳар иккаласи ҳам чуёнда эриб унинг таркибига ўтади.




Никель ва мис тулик кайтарилади ва чуян таркибига киради. Аром, титан ва ванадийлар домна жараёнида одатда кайтарилмайди (уларнинг кайтарилиши учун жуда юкори харорат керак булади). S эса металллар билан сульфидлар ( $\text{FeS}$ ,  $\text{CaS}$ ,  $\text{MnS}$  ва бошқалар) ҳосил қилади. Сульфидларнинг суюқ темирда эрувчанлиги турлича, масалан  $\text{FeS}$  яхши,  $\text{MnS}$  эса ёмон эрийди,  $\text{CaS}$  эса умуман эримади, аммо у шлакда яхши эрийди. Шунинг учун ҳам  $\text{FeS}$  ларни  $\text{CaS}$  холига ўтказиш домна жараёнида муҳим вазифаларидан биридир.  $\text{CaO}$  ва марганецлар олтингургуртни темирдан ажратиб олишнинг асосий манбаларидир.



Бунда ҳосил бўлган  $\text{MnS}$  эриб шлакка ўтади ва шлак таркибидаги  $\text{CaO}$  билан кайрилиб  $\text{CaS}$  га айланади.



$\text{CaS}$  эса эриб шлакка ўтади. Домнада кайтарилиш реакцияси натижасида ҳосил бўлган темир булутсимон (яни говак) темир бўлиб, унинг говакларида  $\text{CO}$  нинг парчаланишдан ҳосил бўлган углерод (кокс) билан (темирнинг бир қисми) карбид (цементид) ҳосил булади.



Ҳосил бўлган темир карбири ва углерод, темирда эрийди. Натижада анча осон суюкланадиган қотишма (таркибида 4,3 % углерод сақловчи, темирнинг углерод билан эвтектик аралашмаси) суюкланиш харорати  $1140^\circ\text{C}$  бўлган қотишма) ҳосил булади. Бу қотишма юкорида айтилганидек  $\text{C}$ ,  $\text{Si}$ ,  $\text{Mn}$ ,  $\text{P}$ ,  $\text{S}$  ва бошқа элементларни ўзида эритиб чўянга айланади (таркибида 4,5 углерод сақлайди) унинг зичлиги шлакникидан катта бўлганлиги учун пастга чўқади.

Шлак ҳосил бўлиш жараёни  $1000^\circ\text{C}$  хароратда бошланади. Охактошни парчаланишидан ҳосил булган  $\text{CaO}$ , доломитни парчаланишидан ҳосил булган  $\text{MgO}$  ҳамда  $\text{Al}_2\text{O}_3$  лар бундай шароитда (домна жараёни) кайтарилмайди. Аммо бир-бириси ҳамда  $\text{SiO}_2$  ва кумирнинг кули билан бирикиб турли хил таркибли бирикмаларни: калий силикат ( $\text{CaO} + \text{SiO}_2 = \text{CaSiO}_3$ ), магний силикат ( $\text{Mg} + \text{SiO}_2 = \text{MgSiO}_3$ ), кальций алюминат ( $\text{CaO} + \text{Al}_2\text{O}_3$ ), кальций алюмосиликат ( $(\text{CaO})_2 + \text{Al}_2\text{O}_3$ ),

$\text{SiO}_2$ ), каби осон суюкланувчи аралашма —шлакни ҳосил қилади. Шлакнинг зичлиги чуъиникидан кичик бўлганлигидан, у чуъининг устида тупланади ва чуъини оксидланишдан химоя қилади.

Домна печинининг тузилиши. Домна печи (85-расм) тўхтовсиз ишлайдиган коннуссимон минора бўлиб, умумий баландлиги 36-40м, диаметри 10м. Минора деворлари ўтга чидамли ғишдан қилинган бўлиб исиб кетишдан саклаш учун девор оралигига ичидан сув ўтиб совутувчи совутгичлар бўлади. Юқоридан пастга тушган сари девор қалинлиги ортиб боради ва остки қисмида (горнида) 1,5м.га етади. Чунки у ерда ҳарорат энг юқори бўлади. Печнинг остки қисми устохонаси (горн) кенг бўлиб диаметри 12-16 м. гача бўлади. Юқори қисми эса торайиб кетган, конуссимон. Печнинг бундай тузулиши шихтанинг бир текисда паста тушишини, газ оқимининг печнинг бутун ҳажмида оптимал тақсимланишини таъминлайди. Ташки томондан печ лўлат ғилоф билан қопланган. Домна печи бир неча қисмларга бўлинади: тепа томони- колошник, ўрта қисми-шахта, энг кенг қисми -распар, остки цилиндрсимон қисми - горн, распарни горн билан туташтирувчи қисми - заплочник ва горннинг юқори қисмида ҳаво пуфлаш тешиги-и-фурма, остки қисми лешад ва бошқалар.

Печнинг тепа қисмида автомат тукувчи қурилма ўрнатилган бўлиб, у ҳом ашёни герметик туқиш учун хизмат қилади ва домна газларининг ташқарисига чиқишига қўймайди.Тайёр. ҳом ашё оқбордан бункерларга келиб тушади, кейин автомат тарозига ундан скинга (скип-шихтани печнинг тепасига олиб чиқиб тукувчи вагонча) келади. Қия ўрнатилган куприкдаги рельсларда скип, кўтаргич орқали печнинг теппасига чиқади. Бир йўла иккита скип ҳаракат қилади: биттаси печ теппасига чиққанда, иккинчиси, домна остига тушади. Скипдаги ҳом ашё печ теппасига олиб чиқилгач, йўналтирувчи қимирламайдиган қадакга туқилади, ундан қабул қадагига ўтади. Бу қадак уни остки қисмидан ёпиб турувчи кичик конус билан биргаликда ўз ўқи атрофида айланади ва конус билан биргаликда ҳом ашёни тўқигач маълум бурчакка (600 га ) айланади. Шундай қилиб ҳом ашё ҳар гал домнанинг бир жойга туқилавермай ҳар 5-10 минутда алоҳида порциялар шаклида қават-қават (бир

кават руда, икинчиси флюс ва уни устидан кокс) печнинг колошник кисмига тўкилади. Тукиш учун навбат билан аввал кичик конус, пастга тушади, кейин у юкорига кутарилади, катта конус тўшади. Натижада печ ичида шихтанинг бир жойда тупланиб қолишининг олди олинади ва уни бир текисда таксимланиши таъминланади. Шихта печ ичига секинлик билан туша бошлайди, кизийди ва кайтарила боради. Печнинг остидан горн кисмига фурма оркали кизиган ва кислородга бойитилган ҳаво юборилади, (карама-карши оким принципи). Печнинг распар ва заплечник зоналарида кайтарилган темир, юкори ҳароратли зона оркали ўтиб углерод билан тўйиниб суюкланади ва горн кисмига оқиб тушади. Горн тагида суюк чуян ва шлак. кават ҳосил қилиб йигилади. Улар махсус тешиқлар оркали чиқариб олинади. Шлак ҳар 1 соатда, чуян ҳар 4-6 соатда бирмarta олиниб турилади.

Домна печига бериладиган ҳаво 900-1300°C гача рэганераторларда (Кауперда) киздириб юборилади. Каупер (бу суз регенераторни ихтиро этган, Француз инженерининг номидан олинган) даврий равишда ишловчи цилиндрсимон аппарат бўлиб, (86-расм) баландлиги 45м, ичининг диаметри 6-9 м. Ичи ўтга чидамли гишт билан (шомот) қопланган. Каупернинг ичи ёкиш 4 ва насадка 5 бўлмаларидан иборат, тепа кисми гүмбазсимон ва буш бўлади. Домна газлари чангдан тахминан тозаланиб, табиий газ билан қушилиб каупернинг ёкиш бўлмасига ҳаво билан қушиб юборилади ва у ерда газ ёнади. Ёнишдан ҳосил бўлган иссик газлар гүмбаздан айланиб юкоридан пастга томон насадка оркали ўтади ва уни киздиради. Насадка ҳарорати 1200-1300°C га етгач (2-3 соатдан сунг) газни ёкиш тўхтатади ва тутун чиқарувчи мўрн 2 бекилади. Шундан сўнг иссик насадка оркали совук ҳаво юборилади. Ҳаво кизиб каупернинг газ чиқиш тешигидан 7 чиқади ва домна печига юборилади. Жараёнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир домна печи ёнида камида иккита каупер қурилади. Чунки каупернинг биттасида газ ёкилиб насатқалар киздирилаётган бўлса, иккинчисидан эса ҳаво ўтказилиб каупер насатқаси совутилаётган бўлади. Домна жараёнида 1000-1300°C гача иситилган ҳавони қўллаш (ҳароратнинг ҳар 100°C ошиши махсулдорлигини 2% га

қўпайтириш ва кокс сарфини 2% га камайтириш имконини беради.) домна маҳсулдорлигини анча ошириш, домна печларида суюклантириб олинadиган чўян таркибида Fe дан ташкари, 3-5,5C, 0,3-2,5 % Si , 0,5-6,0% Mn, 0,08-2,2 % P ва 0,03-0,12 % S саклайди. Улар ишлатиладиган соҳасига қараб ҳар хил бўлади: 1)ок чўян (таркибида углерод цементит-Fe<sub>3</sub>C шаклида бўлади ва у жуда каттиқ бўлиб, унга ишлов бериш қийин ) пўлат олиш учун ишлатилади. 2) кулранг чўян (таркибида углерод графит шаклида бўлади ва у анча юмшоқ бўлади) турли хил буюмлар қуйиш учун ишлатилади. 3) махсус чўян (ферросилиций таркибида 10-12 % гача Si , ойнасимон ялтироқ -12-20% гача Mn, ферромарганец -60-80 % гача ушлайди). Пўлат олиш учун ишлатилади. Домнадан чиқинди сифатида олинadиган шлак ҳам кенг соҳаларда ишлатилади. Масалан, шлакдан шебен, гравий, шлакабетон, шлакли пенмза, пенабетон, шлакпахта, шлакапортландцемент ва бошқалар ишлаб чиқарилади. Яна домна газлари (таркибида 30% гача CO, 60 % N<sub>2</sub>, 10 % CO<sub>2</sub> ва чанглари бўлади.) Бу газ чанглardan тозалангач турли мақсадларда ёқиш учун ишлатилади. Домнанинг муҳим кўрсаткичларига унинг ФХФК си ва кокс сарфи қиради. Домна печининг интенсивлиги, унинг фойдали ҳажмидан фойдаланиш коэффициентини ФХФК билан баҳоланади. Яъни 1т, чўян олиш учун печнинг (сутка/м<sup>3</sup> ларда) қанча фойдали ҳажми туғри қилишини кўрсатадиган катталиқ. Ҳозирги пайтда ФХФК камайиб 0,45-0,5 % га печнинг фойдали ҳажми эса 5000 м<sup>3</sup> гача етказилган (1913 йилларда эса ФХФК 2,5-3 га, печнинг фойдали ҳажми эса 200 м<sup>3</sup> га тенг эди) Шундай улкан печларда бир йилда 4,2 млн. т.гача чўян ишлаб чиқарилади.

Домнанинг фойдалилигини иккинчи кўрсаткич 1т. чўян олганда сарфланadиган кокснинг сарфидир. Кейинги йилларда 1т чўянга 360-400 кг кокс сарфланмоқда. (1960 йилларда бу сон 950 кг. эди.) Ҳозирги замон фойдали ҳажми 2700м<sup>3</sup> бўлган домналарда бир суткада 8600 т. таркибида 64% Fe бўлган руда — агломерат, 2500 т. кокс, 200 т., флюс, 0,6 млн. м<sup>3</sup> табиий газ, 0,5 млн. м<sup>3</sup> кислород ва 7 млн. м<sup>3</sup> ҳаво ишлатилади, унда шунча хом ашёдан оғир

суткада 5500 т, чўян (2 млн.т/йил) 1900 т. шлак, 11 млн. м<sup>3</sup> домна газни ишлаб чиқарилади.

Домна печларнинг бундай махсулдорлиги энг аввало ёкилги сифатида табиий газни қўллаб кокс сарфини қисман камайитириш орқали таъминланади. Ундан ташқари домна агрегатларининг бирлик қувватини ошириш уни тақомиллаштириш, руда таркибида темирнинг концентрациясини ошириш, домнага киритилган газларни иситиш ва уни кислородга бойитиш, таъсир юзани кенгайтириш чўян олишдаги барча жараёнларни механизациялаш, автоматлаштириш, ЭХМ ларни қўллаш қабилар печ интенсивлигини оширишнинг асосий омилларидир.

#### 5.4. Пўлат ишлаб чиқариш.

Пўлат махсус печларда қайта ишланувчи чўянга (Ок ва махсус чўянга) темир-терсак (скрапа) қўшиб суюклантириш орқали олинади. Пўлат ишлаб чиқариш жараёнининг чўян ишлаб чиқариш жараёнидан асосий фарқи шундаки, пўлат ишлаб чиқаришда чўян таркибидаги С, Si, Mn ларнинг миқдорини ҳаво кислороди билан оксидлаш йўли орқали маълум миқдорда камайитириш ва S билан P ни имкони борича тўлиқроқ йўқотниш кўзда тутилади. Бу қўшимчаларнинг пўлат таркибида бўлиши мақбул эмас, Пўлат ишлаб чиқаришда содир бўладиган асосий реакциялар пўлат ишлаб чиқаришда чўян ишлаб чиқаришдагига тесқари реакция яъни темирнинг ҳаво кислороди билан оксидланиш реакцияси кетишидир (чўян ишлаб чиқаришда темирнинг оксидларидан қайтарилиш реакцияси кетар эди.) Темир билан бир вақтнинг ўзида чўян таркибидаги бегона қўшимчалар ҳам қисман кислород билан оксидланади, ҳамда темирнинг юқори оксидлари темир билан қайтарилади.





Ҳосил бўлган Fe чўянда яхши эрийди ва унда эриган бошқа элементларни оксидлайди, чунки биринчидан, темирнинг концентрацияси катта бўлгани учун кўп ҳосил бўлади, иккинчидан, чўяндаги қўшимчалар (C, Si, Mn, S) темирни нисбатан кислород билан шиддатлироқ реакцияга киришади.



Ҳосил бўлган оксидлар:  $SiO_2$ ,  $MnO$ ,  $P_2O_5$  флюс билан бирикиб шлакни айтилади. Шлакка қисман отингугурт ҳам  $CaS$  шаклида эриб ўтади, чунки  $CaS$  суяк металлда эрмайди.



Металл устида шлакнинг ҳосил бўлиши суяк металлни кислород билан бевосита таъсирдан сақлайди. Аммо оксидланиш жараёни  $FeO$  таъсиридан давом таверади, бироқ секинлашади.

Суяк металлдан  $CO$  нинг ажралиб чиқиши пўлатнинг "қайнаши" дейилади. Пўлат суякланмаси таркибидаги углерод миқдори тез анализ (экспресс анализ) усуллари ёрдамида аниқланади. Суякланма таркибидаги углерод талаб даражасига етгач яъни оксидланиш реакциялари тўтаганидан кейин таркибида ҳали маълум миқдорда  $FeO$  қолади, у пўлатнинг сифатини бузади. Уни йуқотиш учун шлак печдан чиқариб олинади ва суяк пўлатга оксидловчилар (раскислителлар) деб аталувчи моддалар-ферромарганец, ферросилисий қўшилади. Марганец ва кремний темир (II) - оксид билан реакцияга киришади.





$\text{MnO}$  эса  $\text{SiO}_2$  билан реакцияга киришиб  $\text{MnO} + \text{SiO}_2 \rightarrow \text{MnSiO}_3$

Марганец силкати хосил қилади у шлак сифатида чиқариб ташланади.

Пўлат суюклантиришнинг охириги босқичида зарур бўлса суюк пўлатга лигировчи элементлар қўшилади.

Чўяни пўлатга айланттиришнинг бир неча усули муълум. Уларнинг ҳаммаси ҳам юкорида кўриб чиқилган оксидланиш – кайтарилиш реакциясигага асосланган.

Кислород – конвертор усули. Пўлат олишнинг конвертор усулини 1854 йилда инглиз олими Г. Бессемер кашф этди (бу усулни Бессемер усули ҳам дейилади.) Бу усулда чўянинг кайта ишлаб пулат олишда чўян таркибидаги қушимчаларни оксидлаш жараёниноксимон шаклдаги катта металл қурилма – конверторларда амалга оширилади. (87-расм). Конвертор ичи ўтга чидамли гишт билан копланган оксимон қурилма бўлиб ташки томони пўлат билан копланган. Икки ён томонидан кузгалмас ушлагичларга – горизонтал ўқларга маҳкамланган холда осилиб туради ва уни оғзини пастга каратиб ағдариб ва яна ўз холига кайтариш яъни айланттириш мумкин.

Конвертор ичига горизонтал холда уни оғзи оркали кайта ишланувчи суюк чўян ва флюс – оҳак ёки оҳактош, солинади, ҳаво ёки кислородга бойитилган ҳаво эса вертикал холда тепа кисмидан – оғзидан пуфланади. Бунда юкорида кайд қилинган оксидланиш реакциялари кетади. Бу усулнинг асосий афзаллиги шундаки, у тежамли усулдир. Керакли ҳароратни ( $1700^\circ\text{C}$ ) саклаб туриш учун ёқилги ёқиш талаб этилмайди, балки қушимчаларнинг оксидланиши экзотермик реакция бўлганлигидан реакция иссиқлигидан фойдаланилади. Жараён тугагач, конвертордан шлак ағдариб олинади ва тайёр пўлат куйиб олинади.

Бу усул, таркибида кам фосфор сакловчи чўяни кайта ишлашга яроқлидир. Таркибида кўп фосфор сакловчи чўяни кайта ишлаш усулини 1878 йилда инглиз инженери Томос кашф этди. Бу усулда пўлат олиш конверторининг ичи асосли, хоссага эга бўлган ўтга чидамли материаллар

(доломитли гиштлар) билан копланган бўлади. Бу усулда юқори ҳарорат асосан фосфорнинг оксидланишидан ҳосил бўлади ва ҳосил бўлган шлак таркибида фосфорни ( $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$  шаклида) кўп ушлагани учун майдаланиб томос шлак номи билан фосфорли ўғит сифатида ишлатилади.

Ҳар иккала конвертер усулнинг ҳам асосий камчилиги пулат эритишда пулат чуянга темир-терсак қўшиб бўлмаслиғидадир, ҳамда, ҳосил бўлган пулат таркибида анчагина азотни ўзига эритиб олади, натижада унинг сифати бузилади. (бундай пулат эскиргач, яъни вақт ўтиши билан) унинг эластиклиги камайиб мўрт бўлиб қолади.).

1951 йилда Австрияда кислород – конвертор усулунинг тоза кислородли тури кашф этилди. Бу усул ҳам Бессемер усулига ўхшайди. Асосий фарқи шундаки бу усулда ҳаво ўрнига тоза кислород (99,5%) 0,9-1,4 МПа босим билан фурма орқали пуфланади ва фурма сув билан совутилиб турилади. Кислород катта босим остида суюқ чуянга пуфлангани учун чуян орасидан ўтиб уни қўзғайди ва шлак билан аралашини таъминлайди. Тоза кислород бўлгани учун бу усулда оксидланиш реакцияси интенсив кетади, бу ҳолат конверторда темир-терсак, руда ва флюс қўшиш имконини беради. Конверторда пулатнинг чуянга айланиш жараёни 35-40 минутда тугалланди. Ҳажми 100 тоннали кислород конверторининг баландлиги 8 м., Диаметри 4м., унда пулат суюклантирилиб олиш жариёни 45 минут давом этади. Шундай печнинг маҳсулдорлиги 750 минг т/йилга тенг.

Мартен усули. Бу усул 1864 йилда франсуз инженери П.Мартен томонидан кашф этилди. Мартен печи (50-расм) икки қисмдан: ванна ва регенераторлардан тўзилган. Печ тепа қисми, ванна усти гўмбазли 1, ванна 2, олд орқа ва ён деворларидан иборат. Ваннанинг ички деворлари ўтга чидамли гиштлардан ясалган. Печнинг олдинги деворида 3-4 та металл киритиш тўйнуқлари бўлади. Шихта- чуян, темир-терсак ва флюс, шу ердан печга солинади. Печнинг орқа деворида эса пулат чиқариладиган тешиклари бўлади. Тайёр бўлган пулат шу тешиклардан чиқариб олинади. Ваннанинг иккала ён томонида ёкилги ва ҳаво келадиган ҳамда ёниш маҳсулотлари чиқиб кетадиган 4 та канал

регенераторлари 3-6 бўлиб, уларнинг ичи ўтга чидамли гиштдан ясалган насадка билан тўлгазилган.

Ҳаво ва ёнувчи газлар регенераторда киздириб олинади. Бир жуфт регенератор оркали ёкилги ёнишида ҳосил бўлган иссиқ газлар ( $1600^{\circ}\text{C}$ ) ўтказилади. Натижада регенератор деворлари (насадка каттик кизийди). Сўнгра газлар оқимининг йўналиши ўзгартирилади. Яъни киздирилган регенераторлар оркали ҳаво ёнувчи газ, киздирилмаган иккинчи жуфт регенератор оркали эса ёкилгининг ёнишидан ҳосил бўлган иссиқ газлар ўтказалади. Печда ҳарорат  $1700-1750^{\circ}\text{C}$  гача кўтарилади, чунки мартен печида кислород конверторидан фарқ қилиб, ҳаво (кислородга бойитилган ҳаво) суюқ чўян оркали эмас, балки унинг устидан ўтади. Шу боисдан унинг юзасида бўлган қўшимчаларгина оксидланади. Суюклантирилган массанинг ичида эса қўшимча элементларнинг оксидланиши темир-терсакда буладиган темир (II) оксид ҳисобига боради. Суюқ пўлатни чиқариб олишдан илгари заруриятга қараб лигерловчи элементлар қўшилади. Мартен печида ҳам ашё қайта ишланувчи чўян, темир терсак, юкори сифатли темир рудаси ва флюс ҳисобланади. Натижада ҳам ашё сифатида чўянинг миқдорини 40-60 % гача камайтириш имконияти туғилади. Бу ҳолат, пўлат ишлаб чиқаришни чўянгга нисбатан анча қўпайтириш имкониятини беради. Ҳажми 500 тоннали мартен печининг (бир марта суюклантирганда 500 т. пўлат тайёрлаб беради) узунлиги 16 м, эни 6м, ваннасидаги суюқ пўлат ва шлак катламининг қалинлиги 1,2 м. Шундай печнинг маҳсулдорлиги 300 минг т/ йилга тенг бўлади.

Мартен усулининг афзаллиги шундаки, бу усулда чўяни пўлатга айланттириш жараёнини назорат қилиб туриш ва ҳар хил маркали пўлатлар олиш мумкин. Аммо мартен усулини кислород конвертор усулига таққосланадиган бўлса анчагина камчиликларга эга. Масалан: юкорида айтилганидек конвертор усулида пўлат суюклантириб олиш жараёни 35-45 минут давом этса, энг такомиллашган мартен печида эса бу жараён 6-8 соат давом этади. Маҳсулдорлиги бир хил бўлган кислород конвертор цехини қўриштириш учун мартен цехига нисбатан 25-35 % капитал маблағ кам

сарфланади ва олтинадиган пулатнинг тан нархи ҳам 5-7 марта арзонга тушади. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда пулат олишнинг мартен усулида заварлаш қуриш тўхтатилган. Эскиларининг интенсивлиги турли йўллар билан оширилмоқда. Масалан, печга киритиладиган ҳаво 30% гача кислородга бойитилиб қўлланилмоқда, икки ваннали мартен печларига алмаштирилмоқда, ёки қилғи сифатида газдан фойдаланилмоқда ва ҳоказо.

### Электр печларда пулат ишлаб чиқариш.

Пулат ишлаб чиқаришнинг анча такомиллашган усули бу уч фазали электр ёйли печларида пулат олишдир. (бу усул 1880 йилдан бери маълум). Электр печларида амалай жихатдан олганда ҳар қандай нав пулат олиш мумкин.

Унда ҳароратни бошқариш осон, оксидланиш, қайтарилиш ёки нейтрал муҳит яратиш мумкин. Шунинг учун ҳам энг кам зарарли қушимчалар сакловчи пулат олиш мумкин. Унинг ҳарорати юқори бўлганлиги ( $2000^{\circ}\text{C}$  гача электр ёй усулида ҳосил қилинади) учун унда суюқланиш ҳарорати юқори бўлган (хром, марганец, никел, молибден, вольфрам, ванадий ва бошқалар.) лигировчи металлларни исталган миқдорда қўшиб махсус лигировланган пулатларни олиш мумкин. Электр печларини қуриш мартен печларини қуришга қараганда анча арзонга тушади. Республикамызда ягона Бекобод ишлаб чиқариш заводи электр печларида пулат олишга асосланган, у завод 1944 йилда биринчи бор пулат ишлаб чиқара бошлади (унда ҳар йили 30 минг т. пулат эритиб олинар эди). 1977 йилдан бошлаб ҳар бирининг қудрати 250 минг т/ йилга тенг бўлган бешта электр печи ўрнатила бошланди. Унинг ҳаммаси ишга туширилса у 1 млн 250 минг т/йил пулат эритиб, бормоқда. Бу печ 120-250 в.ли ўзгарувчан токда ишлайди. Печнинг ташқи томони пулат ғилоф билан, ички қисми эса ўтга чидамли магнезитли ғишлар билан қопланган, гўмбаз қисми эса хроммагнезитли ғишлардан қилинган, остки қисми эса бешик оёғига ўхшашли бўлиб, тебраниб туришга мослаштирилган, унда эритилган пулат ва шлакни тўқнишгача ағдарилиши мумкин. Гўмбаз қисмига электродлар ўрнатилади (88-расм). Шу электродлар ва металл шихта ёки суюқ металл орасида электр ёйи ҳосил бўлади.

Бундай печда 1т. пўлат олиш учун 400-1000 квт /с. электр энергияси сарфланади. Суюклантириш жараёнини интенсивлаш учун тоза кислород ишлатилади. Унинг хом ашёси темир-терсаклардир.

Пўлат ишлаб чиқаришнинг истикболли усуллардан яна бири электрон нурланиши ёрдамида пўлат ишлаб чиқариш усулидир. Бу усул ўта тоза пўлат олиш имконини беради. Унда пўлат суюклантириш юкори вакуумли печларда (0,133Па) олиб борилади. Бунда хом ашёга электрон оқими юборилганда металлнинг каттик сиртига электрон оқими келиб урилганда кинетик энергиянинг иссиқлик энергиясига айланиши натижасида ажралиб чиққан иссиқлик пўлатни суюклантиради.

Хозирча лаборатория усули бўлиб турган плазма ҳолатига келтирилган руда ёки темир-терсаклардан жуда юкори ҳароратда пўлат олиш ўта истикболли усул деб қаратмоқда. Бу усулда домналар ҳам, конверторлар ҳам, электр печлари ҳам керак бўлмайди. Бирок бу усулнинг жуда катта энергия сарфлашига асосланганлиги, уни ишлаб чиқаришга жорий этишга тўсик бўлиб турибди.

Пўлат қўлланиш соҳасига қараб иккига: инструментал (турли асбоблар, усқуналар, ҳар хил қуроллар яшаш учун) ва махсус (зангламайдиган ўтга чидамли ва бошқалар) пўлатларга бўлинади. Таркибига қараб Ҳам иккига: углеродли ва лигерланган пўлатларга бўлинади. Углеродли пўлатларнинг ҳоссабини белгиловчи энг муҳим компоненти углерод бўлиб бегона ара ташкилатари эса (0,3-0,8% Mn, 0,2-0,4% Si, 0,005% гача Р ва 0,04% гача S) унинг ҳоссаларига сезиларли таъсир этмайди. Бу пўлат таркибидagi углероднинг миқдорига қараб кам углеродли (0,25% гача С), ўртача углеродли (0,25дан та 0,6% гача С) ва кўп углеродли (0,6 % С дан кўп) пўлатларга бўлинади. Кам углеродли пўлатдан у пластик булганлиги учун буг қозонлари, турли қатинликдаги тунуқалар, юмшoқ симлар ва бошқалар тайёрланади, ўртача углеродлисидан рельслар, қалин тунуқалар, симлар, қувурлар ва бошқалар тайёрланади, кўп углеродлиси асбобсоз пўлат бўлиб, турли туман асбоб- усқуналар тайёрлаш учун ишлатилади.

Лигерланган пулатлар таркибида углероддан ташкари махсус лигерловчи элементлар, масалан: W, V, Cr, Mo, Ni ва бошқалар ушлайди. Улардан айниқса хром кенг қўлланилади. Озгина (1-1,5%) қўшилган хром ҳам пулатнинг каттиклиги ва мустаҳкамлигини углеродли пулатга караганда кескин оширади ва бундай пулат автомашина ва тракторларнинг турли қисмлари шарикоподшипниклар тайёрлаш учун ишлатилади. Агар 12-17% гача хром қўшилса бундай пулат зангламайди, 25-28% гача хром қўшилса пулат ўтга чидамли бўлади. Агар унга хромдан ташкари яна никель ҳам қўшилса хроманикелли пулат (1,5% гача Cr ва то 4% гача Ni) юкори пластикликка эга бўлади, мўртлиги кескин камаяди. Шунинг учун ҳам бундай пулат поршень, тишли узатгичлар (шестерналар) двигатель валлари ва бошқалар тайёрлаш учун ишлатилади. Зангламайдиган пулатдан (17-20% гача Cr ва 10% Ni) самалар қисмлари кимё саноати аппаратлари, ошхона идишлари, пичоклар, қошиқ-вилкалар ва шу қабилар тайёрланади. Ўтга чидамли пулат (15-25% гача Cr ва 15-27% гача Ni) эса газ трубиналари, реактив ва ракета двигателлари ва бошқалар тайёрлашда қўлланилади. Хром молибденли ва хром ванадийли пулатлар (молибден ва ванадийлар озгина қўшилса ҳам) юкори ҳарорат ва юкори босимда ҳам ўз мустаҳкамлигини сақлаб қолади.

Бундай пулатлар махсус шароитларда ишловчи аппаратлар (синтез колонналари, ректорлар, компрессорлар, қувурлар ва бошқалар) тайёрлашда ишлатилади. Хром волфрамли пулатлар (4-5% Cr, 9-19% W) кескин, каттик ва иссиқликка чидамли бўлиб, кесувчи асбоблар, аппаратлар тайёрлаш учун сарфланади. Марганецли пулатлар (8-14% Mn) урилишга-зарбага жуда чидамли бўлиб, ундан майдалагичлар, ўгирлар, тегирмонлар, темир йўл ва трамвай стрелкалари, крестовиналари тайёрланади.

Пулат навлари шартли равишда сон ва ҳарфлар билан белгиланади. Ҳарф олдидаги сон пулат таркибидаги углероднинг юздан нечадир проценти улишини кўрсатади. Ҳарфлар лигерловчи элемент борлигини (улар X – хром, М – молибден, Н – никел, Г – марганец, В – волфрам, Ф – ванадий, Т – титан билан белгиланади), кўрсатади. Агар лигерловчи элемент 1% дан ортиқ бўлса у

холда тегишли харф олдида лигерловчи элементнинг процент улишини кўрсатувчи сон кўйишади. Масалан: 20 X H 2B навли пўлат бўлса унинг таркибида 0,15-0,25% углерод, 2 % га якин никел , хром ва волфрам 1 % дан камлигини кўрсатади.

### 5.5. Пўлатга термик ва кимёвий ишлов бериш.

Термик ишлов бериш пўлат технологиясига муҳим операция бўлиб, бунда юкори хароратда қиздирилиб сўнгра керакли тезликда совутиш йўли билан структураси ва хоссаларини кескин ўзгартирилади. Термик ишлов беришнинг ҳар хил турлари бўлиб, муҳимлари тоблаш ва бўшатишдир.

Ўртача углеродли ва кўп углеродли асбобсоз пўлатларга каттиклик бериш учун тобланади. Буюм ва асбоб юкори хароратда қиздирилади, сўнгра нефт мойларига тушурилиб тез совутилади. Бунда углероднинг  $\gamma$  - темирдаги каттик эритмаси (аустенит), ўта тўйинган  $\alpha$ - темирнинг каттик эритмасига (бу хилдаги айланиш фазасига мартенцит дейилади) айланади. Мартенцит жуда каттик ва мўрт бўлади. Мўртлигини йўқотиш ва каттиклигини сақлаб қолиш учун, пўлат буюм бўшатилади. Бунинг учун у яна қайта 200-500° С гача қиздирилиб ва яна совутилади. Бунда мартенцит қисман парчаланаяди ва парчаланиш маҳсулотлари (цементит ва феррит) билан майин дисперсли аралашма ҳосил қилади).

Пўлатга механик ишлов берганда ҳосил бўлувчи ички қучланишни йўқотиш ҳамда йирикрок заррачали барқарор структура ҳосил қилиш учун пўлат (буюм) бўшатилади. Бунинг учун яна уни тоблаш хароратигача қиздирилиб сўнгра секин совутилади. Бунда пўлатдаги барча айланишлар жараёни тулик кечади.

Пўлатга кимёвий ишлов берилганда унинг факат юза қисмидагина ўзгариш содир бўлади, ички қисмида ўзгариш бўлмайди. Пўлат юзасининг таркиби ва физик хоссалари ўзгаради. Пўлат юзаси етарли даражада каттик ва едирилишига чидамли бўлиши учун, цементацияланади ёки азотирланади. Цементациялаш бу пўлат юзасини углерод билан тўйинтириб уни цементитга

кўмири, сода ва поташдан иборат каттик аралашма ичида каттик киздирилади. Азотирлаш бу пўлат юзасини азот билан тўйинтиришдир. Бунда азот темир ва унинг таркибидаги лигирловчи элементлари билан бирикиб каттик нитратлар ҳосил қилади. Азотирлаш учун пўлат буюм, аммиак атмосферасида 500-600°C ҳароратда киздирилади. Натижада аммиакнинг диссоцияланишидан ҳосил бўлган азот пўлатга диффузияланиб бирикади ва пўлат юзасида 0,5-2 мм қалинликда жуда каттик нитратлар қаватини ҳосил қилади. Пўлат буюмларни иссиқликка чидамли қилиш учун унинг юзаси алюминий билан тўйинтирилади. Бу жараён алитирлаш деб аталади. Бунини амалга ошириш учун пўлат буюм ферроалюминий кукунида киздирилади.

### 5.6 Алюминий ишлаб чиқариш.

Рангли металллар ичида қўлланиш қўлламининг кенглиги ва ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан алюминий биринчи ўринни эгаллайди. Алюминий енгил ( $\rho = 2,7 \text{ г/см}^3$ ), осон суюкланувчи ( $t_f = 660^\circ\text{C}$ ), қуқунсимон ок. юмшак, ялтирок металл 2500 °C да қайнайди. Электр токини жуда яхши ўтказадан. У жуда пластик бўлиб, ундан симлар, туника ҳамда юпка алюминий қоғозлари (фолгалар) ясаш мумкин.

**Олиниши.** Алюминийни 1886- йилда Чарлз. М. Хол (АҚШ) ва Пол Эру (Франция) бир – бирдан хабарсиз ҳолда  $\text{Al}_2\text{O}_3$  дан электролиз қилиб олиш усулини ишлаб чиқдилар. Шу усулга биноан алюминий, алюминий оксиди ( $\text{Al}_2\text{O}_3$ ) билан криолит ( $\text{Na}_3\text{AlF}_6$ ) аралашмаси суюкланмасини электролиз қилиб олинади. Алюминий оксидини (глинозёмни) олиш учун алюминийнинг турли рудалари: боксит, нефелин, алунит, каолин ва бошқалар ишлатилади.

Боксит – тоғ жинси бўлиб таркибида 32-60 % (масса бўйича) гача турлича гидратланган алюминий оксиди  $\text{Al}_2\text{O}_3 \cdot n\text{H}_2\text{O}$ ;  $\text{Al}_2\text{O}_3 \cdot 3\text{H}_2\text{O}$  саклайди, яна 2 – 20 % гача кремний оксиди –  $\text{SiO}_2$ , темир, титан марганец, калий, магний оксидлари ва бошқаларни саклайди. Унинг йирик конлари Россия ва Қозғоғистонда жойлашган, Ўзбекистонда ҳам унинг қоналари бор. Бокситли

конлар Фарғона водийсида, Бойсунда ва Кармана тоғларида жойлашган (ўртача сифатли конларига Жалойир, Нурота, Қизилбулоқ, Қизилқумдаги Октов конларини кўрсатиш мумкин) Нефелин бу ишқорий алюмосилкат бўлиб,  $(\text{Na,K})_2\text{O} \cdot \text{Al}_2\text{O}_3 \cdot 2\text{SiO}_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$  -минерали шаклида ёки апатит – нефелинли рудалар шаклида учрайди. Кейингисидан фосфорли ўғит олиш учун қайта ишланиб апатитли концентрат олинади. Қолган чиқиндисини – колдиги флотацияланиб нефелинли концентратга (таркибида 30 % гача  $\text{Al}_2\text{O}_3$  саклайди) айлантирилади.

Алунит –  $(\text{Na,K})_2\text{SO}_4 \cdot \text{Al}_2(\text{SO}_4)_3 \cdot 4\text{Al}(\text{OH})_3$  рудасини таркибида 20 % - гача  $\text{Al}_2\text{O}_3$  саклайди. Ўзбекистонда алунит қони Охангарондадир.

Каолин –  $\text{Al}_2\text{O}_3 \cdot 2\text{SiO}_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$  рудаси тоза ҳолда кам учрайди, таркибида асосан, қум ва бошқалар билан ифлосланган ҳолда кенг тарқалган сарғиш, қўнғир рангли бўлади. Каолин қони Ўзбекистонда; Ангренда Олтинтов ва Букатовдадир.

Руда таркибига қараб глинозёмни ( $\text{Al}_2\text{O}_3$ ) ажратиб тозалаб олиш учун ишқорий, кислотали ва электротермик усуллардан фойдаланилади.

Хўш ишқорий усул. 1886 йилда Россияда К.И.Байер томонидан кашф этилган бўлиб, Байер усули ҳам дейилади. Бу усул руда таркибидаги  $\text{Al}_2\text{O}_3$  ни ишқор билан эритиб эритмани эритмайдиган қўшимчалардан ажратиб олишга асосланган. Бу усулда 5%гача  $\text{SiO}_2$ -сакловчи бокситни қайта ишлаш иқтисодий жиҳатдан самарали бўлиб, бундан ортиқ бўлса анчагина  $\text{Al}_2\text{O}_3$  ва  $\text{NaOH}$  йуқотилади.

Бу усулда алюминий оксидини олиш тўрт босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичи хом ашёни тайёрлаш. Бунда боксит дағал майдаланади ва шарли майдалагичда ишлатилган ишқор эритмаси иштирокида яна майдаланади (суюқликда майдаланади) қуқун қолға келтирилиб суспензия ҳосил қилинади. Иккинчи босқич бокситни эритиш. Бу босқичда боксит суспензиясини ишлатилган натрий алюминатли эритмада (алюминатли эритмада оксидга ҳисобланганда 300 г/л  $\text{Na}_2\text{O}$  бўлади), 4-6 соат мобайнида автоклавда 0,4-1,5 МПа босимда иссиқ сув билан 150-200 °C киздирилади. Боксит ишқор

таъсирида эрувчан бирикмага айланади. Реакция натижасида боксит таркибидаги глинозём ва кремнезём эритмага утади:



Пульпа автоклавдан олинади, ювувчи сув билан суюлтирилади. ( $\text{Na}_2\text{O}$ нинг концентрацияси 150г/л булгунча суюлтирилади). Натижада эримай колган қушимчалар кизил шлам (қушимчалар таркибидаги темир оксиди унга кизил ранг беради) таркибига кириб унинг чукишини тезлаштиради. Бундан ташқари, ҳосил булган натрий алюминатнинг  $\text{NaAlO}_2$  бир қисми натрий силикат-  $\text{NaSiO}_3$  билан узаро таъсирлашиб эримайдиган натрий алюмосиликатга айланади:



Алюмосиликат чуқмаси кизил шлам билан бирга тиндиргичларда сунгра фильтр эритмаларидан ажратилади. Чуқма сув билан ювилади, фильтрат (ювувчи сув) эса пульпани суюлтиришга юборилади.

Баъзан бокситни ишкорда эритишдан олдин бойитилади, масалан, боксит таркибидаги кум, тупрок каби аралашмалар сув билан ювилади. Натижада боксит таркибидаги бегона аралашмалар анча камаيда. Учинчи босқич, қайириш дейилиб унда туҳтовсиз аралаштириб турган ҳолда, 60-90 соат мобайнида суюлтирилган натрий алюминат эритмасининг секи наста 60 дан 40° гача совутиш йули билан парчалангорилади. Эритмадан натрий алюминатнинг гидролизи реакцияси натижасида алюминийнинг 50% га яқин қисми  $\text{Al}(\text{OH})_3$  кўринишида чуқмага тушади.




Қайириш олдидан эритмага тоза чуқтириб олинган  $\text{Al}(\text{OH})_3$  кристалларидан қушилади. У қўр вазифасини ўтайди, яъни  $\text{Al}(\text{OH})_3$  яхши филтрланадиган шаклида тез чукишини таъминлайди. Пульпа тиндиргичда тиндирилади ва барабанли вакуум – филтрда филтрланади. Таркибда гидролизланмай колган  $\text{NaAlO}_2$  ва  $\text{NaOH}$  сакловчи фильтрат қўр эритма (маточный раствор) булантирилади. Бошлангич концентрацияга (таркибига

$\text{Na}_2\text{O}$  нинг миқдори 30г/л булгунча) келгунча  $\text{NaOH}$  кушилади ва бокситни суюқликда майдалаш ва эритиш учун юборилади.

Туртинчи боскич куйдириш – калцинатция бунда олинган  $\text{Al}(\text{OH})_3$  қуқмаси айланувчи барбанли печларда суёқ ёки газ ёкилгилар ёкилиб 12000С хароратда куйдирилади-кальцинациялади.



Натижада таркибида 0,06-0,15% гача  $\text{SiO}_2$  сакловчи жуда тоза алюминий оксиди-гилнозём олинади. Қурук ишкорний усул. Амалда хар кандай миқдорда ва хар кандай бирикма шаклидаги алюминий сакловчи ашёларни кайта ишлашга ярокли хисобланади. Шу жумладан таркибида  $\text{SiO}_2$  кўп бўлган боксит ва нефелин рудаларини ҳам кайта ишлашга ярокли. Бу усулда боксит охактош ва таркибида сода сакловчи кўр эритма ҳамда ок шлам (алюмосиликат) билан аралаштирилади. Улар шундай нисбатларда аралаштириладики, бунда 1 моль  $\text{Al}_2\text{O}_3$  ва бир моль  $\text{Fe}_2\text{O}_3$  га бир моль  $\text{Na}_2\text{CO}_3$ , ҳамда бир моль  $\text{SiO}_2$  га икки моль  $\text{CaCO}_3$  тўғри келади. Шундай нисбатларда аралаштириб тайёрланган шихта шарли майдалагичларда яхшилаб майдаланилади. Сўнгра хосил бўлган суёқ пульпа форсунка оркали айланувчи барабанли куйдириш печига (печнинг узунлиги 150 м, диаметри 5м) солинади. Шихта навбат билан печни қуритиш, парчалаш, заррачаларнинг бир-бирига ёпишиб яхлитланиш ва ниҳоят совуш зоналари оркали ўтади. Яхлитланиш (ёпишиш) жараёни асосий боскич бўлиб, 1000-1200°C хароратда боради.





Бу реакцияларнинг тезлиги юкори хароратда кальций алюминат ва алюмосиликатлар хосил бўлиши реакцияси тезлигидан анча каттадир. Кремнезёмнинг озрок қисми  $\text{Na}_2\text{SiO}_3$  шаклида, темир оксиди эса  $\text{Na}_2\text{O} \cdot \text{Fe}_2\text{O}_3$  шаклида боғланади. Хосил бўлган спёк (суёқланиб бир-бирисига ёпишган аралашма) майдаланилади ва ишлатиладиган кучсиз ишкор эритмаси билан аралаштирилиб турган ҳолда ишлов берилади. Натижада натрий алюминат ва

кисман натрий силикат эритмага ўтади. Кремнийни бутунлай йўқотиш учун (кремнийсизлаш учун) эритмага оҳакли сув қўшилади ва автоклавда 150-160°C ҳароратда киздирилади.



Ҳосил бўлган ок шлам (алюмосиликат) чўкмага тушади. Чўкма тиндириш ва филтрлаш йўли билан ажратиб олинади. Филтрат (эритма) эса спеклаш вақтида ҳосил бўлган таркибида 10-14%  $\text{CO}_2$  сақланган тутун гази билан ишлов берилади. Бунда натрий гидроксиди нейтралланганлиги учун, натрий алюминати гидролизланади. Ҳосил бўлган  $\text{Al}(\text{OH})_3$  чўкмага тушади.




Бу усулда  $\text{NaOH}$  ( $\text{KOH}$ ) ни тўхтовсиз нейтраллаб турилиши сабаб, эритма ҳолдаги алюминатни парчалаш. Байер усулига қараганда анча тез ва тўлиқроқ бўлади.

Ёпишиш усулида глинозём-  $\text{Al}_2\text{O}_3$  нинг унуми 80% га етади. Ишқорий ҳул усулда эса 55% бўлади. Бундан ташқари анча арзон реагентлар:  $\text{Na}_2\text{CO}_3$  ва  $\text{CaO}$  қўлланилади. Глинозёмнинг тан нарҳини чиқиндиларини қайта ишлаш йўли билан янада арзонлаштириш мумкин. Бунинг учун алюминий гидроксид чўкмаси филтрлаб олингач, қолган филтрат таркибида агар хом-ашё сифатида нефелин минерали олинган бўлса натрий ва калий карбонатларини сақлайди. Уларни кристаллаб филтратдан ажратиб олинади. Қолган қисмига шламга оҳактош қўшиб қайта ишлаш йўли билан уни портланд-цемент айлантирилади.

Ит  $\text{Al}_2\text{O}_3$  олганда чиқиндисидан қўшимча 1 тоннага яқин сода ва поташ, 7-8 тонна цемент олинади. Ишлаб чиқаришда бирор хил чиқиндининг бўлмаслиги бу усулни жуда самарали усул эканлигидан далолат беради бу усул хом ашёни комплекс фойдаланишга яққол мисол бўла олади.

Алюминий оксидини водород ёки бирор металл билан қайтариб олиб бўлмайди. Углерод эса 2100°C ҳароратдагина қайтара бошлайди, аммо бундай ҳароратда у алюминий карбид ҳосил қилади. Тоза алюминий оксиди электр

токини утказмайди. 2050°C хароратда суюкланади. Шунинг учун ҳам  $Al_2O_3$  суюкланиш хароратини пасайтирувчи ҳамда электр утказувчанлик хоссасини оширувчи кушимчалар кушмай туриб амалда электролиз килиб бўлмайди.  $Al_2O_3$  ни яхши эритадиган ва унинг суюкланиш хароратини кескин камайтирадиган модда сифатида криолитдан  $Na_3AlF_6(3NaF \cdot AlF_3)$  фойдаланилади. Криолит табиатда кам таркалган. Шунинг учун ҳам уни алюминий гидроксидига плавик кислотаси ва сода кушиб сунъий йўл билан олинади.



Криолит 1000°C га якин хароратда суюкланади. Унда 8-10% алюминий оксиди эрийди. Назарий жихатдан уларнинг эвтектик аралашмаси таркиби 10%  $Al_2O_3$  ва 90%  $Na_3AlF_6$  бўлиб, бундай аралашма 962°C да суюкланади. Ишлаб чиқариш шароитида эса шихта яъни аралашма таркиби 8-10%  $Al_2O_3$  ва 90% - 92%  $Na_3AlF_6$  дан иборат булади. Шихтанинг суюкланиш харорати 980°-1000° C. Бундай аралашманинг электр утказувчанлигини ошириш ҳамда криолит таркибидаги диссоциланган  $AlF_4^-$  нинг урнини тулдириш, яъни компенсациялаш учун электролитга  $AlF_3$ ,  $CaF_2$  ва  $MgF_2$  лар кушилади.

Суюкланмада криолит ионларига диссоциланади. Шунинг учун ҳам у электрни яхши утказиши :





Хосил булган  $AlF_6^{3-}$  иони  $Al^{3+}$  ва  $F^-$  ионларига қисман ажралади. Электролиз инерт электродларда (углеродли) олиб борилади. Электролизёрнинг остида пресланган кумир блоklar қуйилган булиб катод вазифасини бажаради. Алюминийдан ясалган ичи кумир брикети билан тулатилган каркаслар электролизёрнинг юкори қисмига урнатилган булиб, анод вазифасини бажаради. Суюк  $Al_2O_3$  ионларга ажралади.



катодда биринчи навбатда  $Al^{3+}$  қайтарилади (нормал потенциали -1.66 В) :



Аноддан  $\text{AlO}^-$  ва  $\text{AlO}_2^-$  ионлари зарядсизланади.



Ажаралган  $\text{O}_2$  анод кумири билан бириктириб қушимча реакцияларга сабаб бўлади. Натижада аноддан чиқадиган газ тарбида  $\text{O}_2$  дан ташқари  $\text{CO}$  ва  $\text{CO}_2$  ҳам бўлади. Катодда ажаралган  $\text{Al}$  металнинг зичлиги ( $\rho=2.73\text{г/см}^3$ ) суқланманикидан ( $\rho=2.35\text{г/см}^3$ ) ката булганлиги учун электролизёрнинг остида тупланади. Ишлаб чиқаришда қуйдирилган ёки узин куювчи анодли электролизёрлар қулланилади (89- расм). Эни 3 м. катинлиги 1 м булган пулат қожухга (қопламага) урнатилган анод (1) юкори қисми анод ромига (2) махкамланган. Қожух қутарғичга (домкрат) (3) уланган, унинг ёрдамида юкорига қутариш ёки пастга тушиш мумкин. Қожухга чуян қунгирок (4) ҳам урнатилган. Электролиз пайтида ажралиб чиққан газлар глинозём ва криолит қанглари вентиляция қурилмаси ёрдамида унда йигилади. Сунгра  $\text{CO}$  гарелкада (5) ёкилади. Анодли қожухга юкори қисмига ярим суюк қолдаги пластик анод массаси (6) солинади ( анод массаси қулсиз нефт коксига ёки пёк коксига пёк қушиб тайёрланади). Аноднинг остки қисми ёниб қамайиши билан у пастга тушаверади ва ярим суюк масса юкори қарорат таъсирида коксизлашиб электроли яхши утказувчи каттик углеродли анод массасига (7) айланади. Ток утқазиш учун анодга пулат стержен (8) қоқилади. Электролизёр ташки томони пулат билан қопланган қожухдан (11), унинг устига қидамли гиштдан қилинган деворлардан (10) иборат. Электролизёрнинг остки ва ён томонлари қумир блоклар ва плиталардан (9) иборат.

Ток бериш учун блоклар орасига пулат стержин урнатилади. Электролизёр девори яқинида ва электролит устида электролитнинг қотқан қуслоги (13) қосил бўлади. Бу қуслок ҳам иссиқлиқни изоляциялайди (утқазмайди) ва деворни электролитнинг ёмирилишдан қимоя қилади. Алюминий оксиди қарқинки қонияда қилиниб турилади. Бунинг учун қуслок тешилади ва қунгирок (4) остидан тарнов орқати  $\text{Al}_2\text{O}_3$  солинади. Захарли газлар атмосферага чиқариш юборишдан илари қозланади, фтор бирикмалари эса ушлаб қоқилади. (Суюқ

алюминий суткада бирмарта электролизёрдан олинади. Бунинг учун пуслок тешилиб у тешикка кувур тушурилади ва мана шу кувур оркали тортиб олинади ва турли шаклларда колиплар куюлиб, куймалари олинади.

Шундай электролизёрларда ток кчи 150 минг А булиб, 1 суткада 1100 кг алюминий ишлаб чикарилади. 1 тонна алюминий ишлаб чикариш учун 16-20 минг кВт.с. электр энергияси сарфлади. Кучланиш 4,2-4,5 В. Ток буйича унуми 85-90% .Олинган алюминий 99,5-99,8% ли булади, унинг таркибида асосий бегона кушимча темир ва кремнийдир. Замонавий алюминий заводларида электролизёрлар сериялар шаклида урнатилади. Хар бир серия 150 та электролизёрдан иборат булади.

## VI БОБ

### ОЛТИНГУГУРТ ВА СУЛФАТ КИСЛАТА ИШЛАБ ЧИКАРИШ

#### 6.1 Олтингургуртнинг хоссалари ва тарқалиши, ишлатилиши.

**Хоссалари ва тарқалиши.** Олтингургурт табиатда кенг тарқалган. У ер қобиғи массасининг 0,5%ни ташкил этиди. Денгиз ва океан сувларида 1200-106 млн.т. олтингургурт, бирикмалар шаклида сувда эриган ҳолда бўлади. Олтингургурт сарик рангли кристалл мўрт модда. Сувда деярли эрмайди, аммо баъзи органик эритувчиларда эрийди. 444,60 С да қайнайди. Зичлиги 19,3 г/см<sup>3</sup>. У кристалл ҳолда икки хил  $\alpha$  ва  $\beta$  аллотропик шакл ўзгаришга эга, олтингургурт табиатда эркин ҳолда (туғма олтингургурт) ҳам бирикмалар шаклида учрайди. Олтингургуртнинг йирик конлари АҚШ, Италия, Канада, Япония, Украина, Россияда жойлашган. Ўзбекистонда Фарғона ва Муборакда олтингургурт конлари мавжуд.

**Ишлатилиши.** Олтингургурт ҳам ҳужалигининг турли сохаларида ишлатилади. Дунёда ишлаб чикариладиган олтингургуртнинг 50 %га яқини

алюминий суткада бир марта электролизёрдан олинади. Бунини учун пуслик тешилиб у тешикка кувур тушурилади ва мана шу кувур оркали торти олинади ва турли шаклларда колипларга куюлиб, куймалари олинади.

Шундай электролизёрларда ток кучи 150 минг А булиб, 1 суткада 1100 кг алюминий ишлаб чиқарилади. 1 тонна алюминий ишлаб чиқариш учун 16-20 минг кВт.с. электр энергияси сарфланади. Кучланиш 4,2-4,5 В. Ток бўйича унуми 85-90% Олинган алюминий 99,5-99,8% ли булади, унинг таркиби асосий бегона кўшимча темир ва кремнийдир. Замонавий алюминий заводларида электролизёрлар сериялар шаклида урнатилади. Хар бир серия 150 та электролизёрдан иборат булади.

## VI БОБ

### ОЛТИНГУГУРТ ВА СУЛФАТ КИСЛАТА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ


#### 6.1 Олтингургуртнинг хоссалари ва тарқалиши, ишлатилиши.

**Хоссалари ва тарқалиши.** Олтингургурт табиатда кенг тарқалган. У ер қобиғи массасининг 0,5%ни ташкил этади. Денгиз ва океан сувларида 1200-106 млн.т. олтингургурт, бирикмалар шаклида сувда эриган ҳолда бўлади. Олтингургурт сарик рангли кристалл мўрт модда. Сувда деярли эримайди, аммо баъзи органик эритувчиларда эрийди. 444,60 С да қайнайди. Зичлиги  $-2,07\text{г/см}^3$ . У кристалл ҳолда икки хил -  $\alpha$  ва  $\beta$  аллотропик шакл ўзгаришга эга. олтингургурт табиатда эркин ҳолда (туғма олтингургурт) ҳам бирикмалар шаклида учрайди. Олтингургуртнинг йирик конлари АҚШ, Италия, Канада, Япония, Украина, Россияда жойлашган. Ўзбекистонда Фарғона ва Муборада олтингургурт конлари мавжуд.

**Ишлатилиши.** Олтингургурт халқ ҳужалигининг турли соҳаларида ишлатилади. Дунёда ишлаб чиқариладиган олтингургуртнинг 50 %га яқини

сульфид газлари бўлади. Водород сульфидни захарли бўлгани учун бундай газлардан фойдаланиб бўлмайди. Табиий газ таркибидан  $H_2S$  ни ажратиб олинса, сунгра, тозаланган газдан фойдаланиш мумкин. Табиий водород сульфидли газларни  $H_2S$  дан газ олтингурти олиш технологияси анча такомиллашган бўлиб, шу усулга асосланган йирнк газ олтингурти заводи Муборак шахрида 1974 йилда қурилиб ишга туширилди. У завод йилига 500 минг т. олтингурт ишлаб чиқармоқда. Водород сульфидли табиий газлар махсус қурилмалар ёрдамида моно- ва диэтанолламин билан абсорбциялаб тозаланadi.


Газ абсорбент эритмаси (18,25%ли) билан тўқнашганда қуйидаги кимёвий реакциялар кетади:



Бунда,  $R_1 - OH - CH_2 - CH_2 -$  гурухсидир.

Абсорбцияланган газлар  $120-125^\circ C$  ҳароратда тулик десорбциялаб ажратиб олинади. Олинган  $H_2S$  дан олтингурт ажратиб олинади. Водород сульфиддан олтингурт олиш жараёни.  $H_2S$  ни ҳаво кислороди билан чала оксидлашга Клаус усулига асосланган бўлиб, икки боскичдан термик ва каталитик боскичлардан иборатдир.

Термик боскичдан  $H_2S$  юкори ҳароратда ёкилади, катталитик боскичда эса  $H_2S$  чала оксидланади, бу реакцияни умумий ҳолда қуйидагича ёзиш мумкин:




п олтингурт атомлари сони, у реакция ҳароратига боғлиқ  $n$  (2тадан 8 тагача). Бу реакция (1) икки боскичда боради.

Биринчи боскичда реакция печига келган  $H_2S$  нинг учдан бир қисми  $SO_2$  гача оксидланишига етadиган миқдорда ҳаво билан аралаштириб ёкилади:

| Ароматик кислоталар                     | -                                   | 1,1                             | 1,0                                 |
| Феноллар                                | -                                   | 19,5                            | 6,3                                 |
| Ароматин асослар                        | -                                   | 2,7                             | -                                   |
| Ароматик молекуляр махсулотлар          | -                                   | 18,0                            | 9,0                                 |
| Ароматик таркиби, % (кажы буйича)       |                                     |                                 |                                     |
| СО                                      | 25,9                                | 12,3                            | 21,6                                |
| СН <sub>4</sub>                         | 2,1                                 | 7,6                             | 18,2                                |
| С <sub>2</sub> H <sub>6</sub>           | 22,9                                | 50,0                            | 35,0                                |
| С <sub>3</sub> H <sub>8</sub>           | 13,0                                | 7,6                             | 11,3                                |
| С <sub>4</sub> H <sub>10</sub>          | 33,6                                | 18,0                            | 19,0                                |
| С <sub>5</sub> H <sub>12</sub>          | 2,5                                 | 4,3                             | 4,9                                 |
| Ароматик таркиби, % (кажы буйича)       | 16470                               | 27200                           | 32200                               |

Нефтнинг такчил булиб бораётганлиги сабабли яримкоксдан усулининг кимё саноати хом ашёсининг манбаи сифатида кадри ошми бормокда.

### 11.3 Кокслашда хосил буладиган кимёвий махсулотларни ушлаб қолиш

**Кокслаш.** Тошкумирни кокслаш хом ашёни комплекс фойдаланишга яққол мисол булла олади. Дунёда казиб олинadиган тошкумирнинг 40% га яқини, сланецлар ва бошка купгина ёқилги турлари, кокс ва кокс газлари (таркибида куп хил моддалар сакловчи буг-газ аралашмаси) олиш учун коксланади. Совутилган кокс газларидан конденсатлаш ва абсорбциялаш йули билан энгил ароматик углеводородлар (хом бензол), тошкумир смоласи (конденсатланган ароматик ва гетерокиклик бирикмалар аралашмаси), нафталин, аммиак, феноллар ва бошкалар олинади. Конденсатланмаган газ қайтган кокс газлари дейилиб, ундан водород, этилен, метан олиш ёки ёқилги сифатида ишлатиш мумкин. Кокслашдан 250 дан ортик махсулотлар ажратиб олинади.

Кокслаш учун қиздирилганда бир-бирига ёпишиб мустақил говак металлургия кокси хосил қилинадиган кумирдан фойдаланилади. Одатда саноатда хом ашё базасини кенгайтириш мақсадида, коксланадиган кумир ва кумирнинг бошка турларини аралаштирган ҳолда кокслаш шиктаси тайёрланади.

**Кокс.** Кокслашнинг энг асосий махсулоти ҳисобланади. Кокснинг асосий истеъмолчилари бу кора ва рангли металлургиядир.

(умумий кокс миқдорининг 85% га яқини). Ушлан ташқари кимё саноатида, иссиқлик олиш манбаи сифатида, реакция жараёнларида қайтарувчи сифатида, шихта таркибида массани газ утқиши ҳосиллаштириш мақсадида кенг қулланилади. Кокс, бу говак модда бўлиб, 96,5-97,5% углеводдан иборат, механик мустақкам юқори энергияга эга (32000 кЖ/кг).

Коксдаш смоласи бу кокс газлари совутилганда конденсатланган ёпишқок, қора рангли суюқлик. У таркибида 10000 га яқин индивидуал кимёвий модда ушлайди. Шундан 300 дан ортиқроғини ажратиб олишга муваффақ бўлинган. Аммо у моддаларнинг қўпчилиғи смолани 1% дан камроғини ташкил этади. Смолани қайта ишлаб олинган энг муҳим бирикмаларга, конденсирланган халқали ароматик бирикмалари: нафталин ва унинг ҳосилалари, фенантрен, антрацен, карбазол. Ундан ташқари фенол, пиридин, унинг гомолоғлари, крезоллар, енгил ароматик углеводлар ва бошқалар қиради.

Хом бензол бу тугри кокс газларидан тошқумир мойига юттириб ажратиб олинган енгил ароматик, туйинмаган ва бошқа углеводдорлар аралашмасидир. Хом бензолдаги моддалар ректификациялаш ва тозалаш йули билан тоза ва техник ароматик углеводдорлар: бензол, толуол, ксилолар, кумарон, сольвентлар (бензол ҳосилаларининг аралашмаси) ва бошқалар ажратиб олинади.

Коксдаш жараёни бу каттик ва буг-газ фазалар иштирокидаги қўрувчи қўп босқичли гетероген жараёндир. Қумир шихтаси ёпик реакторда (коксдаш печ камераларида) қиздирилганда коксдаш

жараёни куриш ( $100^{\circ}\text{C}$  гача), пластик ҳолат ( $400-500^{\circ}\text{C}$ ), яримқотиқ ( $500-650^{\circ}\text{C}$ ) ва кокс ҳосил булиш ( $650-1100^{\circ}\text{C}$ ) каби бир неча боскичларда боради.

Кокслаш печи бу кокслаш камерасидан, киздирувчи девордан (ёкиладиган газни ёкиш ва ёнишдан ҳосил булган газларни – айланма газларни утказувчи камералар оралигига урнатилган девор) ва чикиб кетувчи иссик туташ (газлар) ҳароратидан фойдаланиш имконини берувчи регенераторлардан иборат булган мураккаб агрегатдир.

Кокслаш печлари бир неча батареялардан ташкил топган бўлиб, батареялардан блоклар тузилади. Ҳар бир кокслаш батареяси параллель ишловчи 61-79 та камералардан ташкил топган. Батареяларга бир канча механизмлар хизмат курсатади, улар кумирни камерага солувчи вагонлар, коксни итариб тукувчилар, кокс камера деворини олувчи машиналар, электровозлар билан юрувчи коксни учирувчи вагонлар ва бошқалар.

Кокслаш печнинг камераси (110 – расм) билвосита киздириш реактори бўлиб, унда иссиклик коксланувчи тошқумирга бевосита эмас балки билвосита (яъни газнинг ёнишидан ҳосил булган иссиклик деворни киздиради, сунгра деворнинг иссиклиги билан камерадаги коксланадиган тошқумир кизийди) таъсир этади. Реактор тўртбurchак шаклда бўлиб, унда утга чидамли гиштдан (динас) қилинадиган иккита остки ва гумбазли (устки) киздиргич деворлар урнатилган бўлади. Батареяларнинг унумдорлиги унинг катталигига боғлиқ бўлади. Ҳозирги замон печларида камеранинг баландлиги 5-6 м, узунлиги эса 14-15 м, эни одатда киздиргич деворларнинг иссиклик

утказиш тезлигига боғлиқ бўлиб 0.5 – 0.45 м.ни ташкил этади.  
Кокслаш батареясининг схемаси 111 расмда берилган.

Ёкиладиган газ (домна ёки тозалаган кокс газлари) киздирувчи деворлар ораллигида ёкилади (киздирувчи деворлар 740-850 мм калинликда булган горизонтал канал) аланганинг бир текисда тақсимланиши учун деворлар вертикал ҳолда бир неча тусиклар билан тусилиб бир канча тик каналчаларга ажратилган. Камерани киздиргач иссиқ газлар регенераторлар оркали утиб уз иссиқлиги билан уни киздириб сунгра печдан чиқади. Регенераторларда аккумуляцияланган иссиқлик, печга киритиладиган ёкиладиган газ ва ҳавони киздириш учун фойдаланилади. Кумирни етарли ҳароратгача ( $1000-1100^{\circ}\text{C}$ ) киздириш учун ёкилги газининг ёнгандаги ҳарорати  $1400^{\circ}\text{C}$  дан кам булмаслиги керак. Кокслаш жараёни 12-14 соат давом этади.

Кокслаш батареясининг ҳар бир камераси даврий, аммо, бутун бир батарея эса узлуксиз ишлайди, яъни бир камерага тошқумир (шихта) солинаётган булса, иккинчиси ишлаб турган булади, учинчисидан эса кокс олинаётган булади.


Кокслаш тугагач камерасининг олдинги ва орқа эшиги маҳсус механизм ёрдамида олинади ва коксни итариб туқувчи механизм ёрдамида кокс вагонга тукилади, вагон учирувчи минора остига боради ва у ерда чуғ ҳолдаги кокс сув солиб учирилади, тез совутилгач кокс ёрилиб майда-майда кокс булақчаларига ажралиб кетади. Ҳуш усулда коксни совутилганда 50% иссиқлик йукотилади. Кейинги йилларда коксни қуруқ усулда учириш (совутиш) кенг

таркалмокда. Унда азот гази (инерт) айланма газ сифатида қонин совутади ва унинг иссиқлигидан сув буги олишда фойдаланилади.

Кокслашда ҳосил буладиган кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқариш тугри кокс газлари (кокслашда ҳосил булган унуми бирикмалар тугри кокс газлари дейилади) кокслаш камерасидан газ сурувчи насослар ёрдамида суриб олинади. У таркибида  $0^{\circ}\text{C}$  ва  $0,1$  МПа босимда  $110-130$  г/м<sup>3</sup> смола  $435-42$  г/м<sup>3</sup> бензол углеводородларининг буглари.  $8-14$  г/м<sup>3</sup> аммиак,  $0,5-1,5$  г/м<sup>3</sup> водород сульфид ва бошқа олтингугурт бирикмалар.  $10$  г/м<sup>3</sup> гача нафталин,  $0,5 - 1,5$  г/м<sup>3</sup> цианли бирикмалар,  $250-450$  г/м<sup>3</sup> сув буглари ва бир канча бошқа (водород метан, этилен катори углеводородлари, углерод оксидлари, азот) моддалар саклайди. Кокс газларининг унуми шихтага нисбатан олинганда  $340-350$  м<sup>3</sup>/т.ни ташкил этади. Кокслашнинг кимёвий маҳсулотлари газнинг совушига қараб босқичма-босқич ажралиб чиқади. Бу жараён конденсация, хемосорбция ва физикавий абсорбцияга асосланган. Тугри кокс газларини қайта ишлаш схемаси 112-расмда берилган. Газнинг совуши газ йиғгичда бошланади, чунки газ йиғгичлар совук смола усти суюқлиги (аммиакли сув деб аталади) билан сугорилади. Бунда газ  $600-700^{\circ}\text{C}$  дан  $70-80^{\circ}\text{C}$  гача совийди. Натижада смола ва сув буглари интенсив равишда конденсатланади ва бир вақтнинг узида газдан каттик заррачалар (Фуслар) ҳам ажралади. Суюк маҳсулотлар тиндиргичга  $2$  оқиб тушади ва каватларга ажралади. Энг остига фуслар чуқади, унинг устида смола тупланади (смоланинг зичлиги  $1,15-1,54$  г/см<sup>3</sup>). Смола устида ҳам смола усти суюқлиги ажралади. Сунгра газ сувли совутгичда  $3-30^{\circ}\text{C}$  гача совийди. Бундай газдан смола ва сув буглари қарийб тулик

конденсатланади ва сувда газ таркибидан аммиакнинг бир қисми, аммоний тузлари ( $\text{NH}_4\text{SCN}$ ,  $\text{NH}_4\text{Cl}$  ва бошқалар).  $\text{H}_2\text{S}$  ва  $\text{NH}_3$  дан совутилганда ҳосил булувчи  $(\text{NH}_4)_2\text{S}$  ҳамда  $\text{CO}_2$  ва  $\text{NH}_3$  дан ҳосил булувчи  $(\text{NH}_4)_2\text{CO}_3$  лар эрийди. Суюқ маҳсулотлар тиндирғичга 2 оқиб тушади, газ эса электрофилтирга 4 утади. Унда газ тумандан ва смоладан тозаланиб газ насосига 5 боради. Насос газни газийгичлардан суриб олади ҳамда ҳаракатини тезлаштирадн.

Смола усти суюқлигига газдаги барча аммиакнинг 30 фоизи эриб утади. (аммоний тузлари таркибидаги аммиакни ҳам қушиб ҳисоблаганда) қолган қисми олиб булмаслиги сабабли газ таркибидаги барча аммиак 75% ли сульфат кислотасибилан ушлаб олиниб (хемосорбция) аммоний сульфат угитига айлантирилади. Смола ути суюқлигидан аммиакни ажратиб олиш учун, суюқлик ректификация минорасининг юкори қисмига олиб борилади (расмда кўрсатилмаган). Миноранинг юкори қисмида киздиришга чидамсиз, остки қисмида эса оҳақли сув юборилганлиги учун киздиришга чидамли



аммоний тузлари парчаланиб аммиак ажралиб чиқади ва киздиришда 6 кизиган ( $50-60^\circ\text{C}$  гача) газ билан қушилиб сатураторга 7 киради ва  $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$  га айланади. Сатуратордан центрифуга ёрдамида аммоний сульфат ажратиб олиш учун юкори ҳарорат қайновчи мой (абсорбцияловчи мой) ишлатилади. Бензол ва гомологлариини эришини қучайтириш учун газ бевосита таъсир этувчи совутишда 8 сув билан совутилади. (Сувдан нафталин ажратиб

олинади). Газ совутгичда  $20^{\circ}\text{C}$  совуйди. Сунгра газ юттириш миноралари 9,10 оркали утказилади. (Минора ичи ёғоч насадка билан тулгазилган булади. Миноралар 10 совук мой билан сугорилади. Карама-карши оким принципида). Хом бензолнинг мойлаги эритмаси ректификацияланиб хом бензол юттирувчи мой регенерацияланиб ажратиб олинади.

Ўзбекистонда каттик ёкилги асосан гузапоя ва тошқумирдир Республикамизда тошқумир казиб олиш 1941 йиллардан Ангрен кумир кони топилгач бошланди. 1944 йили Шаргун ва Кухитонг кумир конлари топилиб ишга туширилади. Хозирги пайтда Ангрендан ҳар йили 5-6 млн.т. Шаргундан эса 0,20,25 млн.т. кумир казиб олинмоқда. (2-жадвалга қаранг). Аммо бизда кумир кокслаш заводлари ҳозирча йук. Гузапоя эса республикамиздаги гидролиз заводларининг хом ашёси ҳисобланади.

#### 11.4 Нефть ва табиий газни қайта ишлаш

Нефть ер ости қазилма ёкилгининг ягона суюқ вакили. Уни башарият жуда қадим замонлардан буён яхши билади. Чунончи Фрот дареси (Бобил) соҳилида олиб борилган археологик қазувлар у ерда милoddан 6000-4000 йил илгариёқ нефтьдан фойдаланилганидан шохидлик беради. Нефть табиатда ер пўстлогининг тектоник фаолияти гуфайли ҳосил булган.. у ер остида чуқинди жинсларнинг говак қатламларида, ёруғ ва бўшлиқларида тўпланиб қонлар қозонилади. Нефть қатламлари қонларда турли чуқурликларда (100 метрдан 6000 метргача) жойлашган бўлади. Нефть қатта босим

остида бўлиб, одатда йўлдош газлар ва нефть суви билан бирга учрайди.

### **Нефть ва табиий газ казиб олиш усуллари.**

Нефть ва газ казиб олиш учун ер ёки тоғ жинслари махсус бургуловчи қурилмалар (буровойлар) ёрдамида диаметри 150-250 мм. бўлган бургу кудукчалар казилади. Бургулаш қурилмасининг баландлиги 54 м. Бургулаш қандай усулда олиб борилмасин кудук (скважина) чуқурлашиб борган сайин узунлиги 4.5 м. ва диаметри 168 мм.ли қувурлар бир-бирига уланиб узайтириб борилаверади. Бургулаш жараёнида ҳосил бўлган майдаланган жинслар кудукдан ювувчи суюқлик (лойка эритма) ёрдамида чиқариб ташланади. Қазииш маълум чуқурликка етгач, махсус фойдаланиш қувури ўрнатилиб, қувурнинг ташқи томони цементлаб ташланади. Кейинги қазииш ишлари диаметри фойдаланиш қувуридан кичик бўлган қувур ёрдамида амалга оширилади ва шу йўсинда керакли чуқурликкача казиб борилади. Сўнгга охириги қувур ҳам цементланади. Энг йирик тепа қисми ҳам арматура ёрдамида маҳкамланади. Сўнгга махсулдор қатлам портлатиш йўли билан очилади. Кейинги йилларда қазииш ишлари қия ҳолда ҳам амалга оширилган. Бу усул жуда фойдали бўлиб буровой ўрнатиш мумкин бўлмаган жойларда ҳам (масалан, денгиз ости, аҳоли яшайдиган жойлар, қурилишлари бўлган жойлар) қазииш ишларини олиб бориш имконини беради.

Одатда нефть ва газ ер остида жойлашган чуқурлиги, температураси ва бошқаларга боғлиқ ҳолда 1-50 МПа босим остида бўлади. Қон очилган бошланғич даврларида нефть кудукдан ер юзасига ўзи отлиб чиқади. Нефть казиб олишнинг бундай усули

фонтан усули дейилади. Барча газ кудукларидан фойдаланиш ер катламларининг босими туфайли фонтан усулида олиб борилган нефть олинавсгач катламдаги босим камаяди. Сўнгра мажбурий йў билан чиқаришга ўтилади. Мажбурий йўларга: кудукка насос ташлаб чиқариш ва компрессор усуллари киради. Кудукка насос ташлаб чиқариш усулида, кудук диаметридан кичикроқ диаметрли учига насос ўрнатилган кувур кудукка ташланади ва насос нефтьни юқорига чиқариб беради. Компрессор усулида кудукка катта босимда нефть газлари ёки хаво юборилади. Газлар ўзи билан нефтьни ҳам олиб чиқади. Айниқса, ер остига нефть катламларига газ ёки хаво юбориб катта босим ҳосил қилиш усули кенг қўлланилади. (113-расм). Бу усуллари қўллаш билан кондаги нефтьнинг 50%ни олиш мумкин. Нефть камайган конлардан фойдаланиш учун ер ости нефть катламларига турли усуллар билан таъсир қўрсатадилар. Масалан, гидравлик усулида (сўв юбориб), кислота билан ишлов бериш, бургу кудукларига буг юбориш ёки иссиқ сўв юбориш ёки ер остида нефтьнинг озрок қисмини ёкиш ва бошқалар. Бу усуллари қўллаш нефть чиқаришни 80-90 % га етказади.

Ўзбекистонда нефть қадим замонлардан бери маълум. Фарғона нефть конларидан фойдаланиш асосан XX асрнинг дастлабки йилларидан бошланган. Даст аввал Чимён (1904 йил), кейинчалик Мойлисой, Селроҳа, Нефтобод (1934 йил), Андижон нефть конлари ишга туширилди. Фарғона водийсида 30 дан ортиқ нефть конлари бор. Бухоро, Сирдарё ва Қашқадарёдаги Полвонтон (1944 йил), Сўх-Хаудаг (1944 йил), Лалмикор, Қақайди (1939 йил), Учқизил (1940), Саритон (1956), Муборак Қорахитой, Айзовод, Қорабанр ва бошқа

нефть конларидан нефть казиб олинмокда. Нефть казиб чиқариш йилдан-йилга ўсиб бормокда (жадвал 1га қаранг). Республикамиз мустақилликка эришгач иккита жуда йирик нефть кони - Намангандаги Мингбулок ва Қашқадарёдаги Қўқдумалок нефть конлари топилди. Уларнинг ҳар қайсисидан йилида 5-6 млн.т. нефть казиб олиш мумкин. Ушбу конлар базасида республикамизда ҳозирча яқка-ю ягона бўлган Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи (1906 йил) реконструкция қилинди ва йилига 5-6 млн.т. нефтни қайта ишлаш қудратига эга бўлди. Бухорода (Қоровулбозорда) ҳам янги қудратли Япония технологияси асосида энг замонавий нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши жадал суръатларда олиб борилиб, 1976 йилнинг декабрида завод қурилиши тугади. Бу завод йилига 5 млн.т.нефтни қайта ишлаш қудратига эга булади. Ҳар иккала завод тўла қувват билан ишлай бошлагач республикамизнинг нефть маҳсулотларига бўлган талаб тўла қондирилади ва четдан бензин ва бошқа нефть маҳсулотлари сотиб олишга эҳтиёж қолмайди.

**Нефть таркиби.** Нефть сарғиш, қўнғир, қорамтир рангли мойсимон суюқлик, зичлиги 0,73 дан 0,95 г/см<sup>3</sup> гача - 20да +20 Сгача температурада қотувчи жуда мураккаб таркибли турли углеводородлар ва гетероатомли органик бирикмалар аралашмасдан таркиб топган моддалар. У юқори қолорияли ёқилғи (40 000 дан 44 000 гача к/кг). Кимёвий таркиби: 83-87% С, 12-14% Н, 0,3-3% S, 0,1-1,0% О, 0,001-0,4% N ва жуда кам миқдорда металлоорганик бирикмалар шаклида ванадий, никель темир, титан, кобальт, германий ва бошқа элементлардан иборат бўлади. Нефть таркибида 44 типдаги суюқ ва эриган ҳолда қаттиқ углеводородлар, ушлайди:

парафинли углеводородлар (асосан тўғри занжирли,  $C_1$  дан  $C_{30}$  гача) нефтда тўнинмаган углеводородлар бўлмайди. турли узунликдаги занжирлари бўлган циклопентан ва циклогексан ҳамда уларнинг ҳосилалари типдаги моноциклик нафтенлар ва ди-, три ҳамда полициклик полиметиленли углеводородлар, (шу жумладан, ён занжири бўлганлари ҳам) ароматик углеводородлар, бензол ва уларнинг гомологлари, нафталин, антрацен ва унинг гомологлари, нафтеароматик гибрид углеводородлар ва уларнинг ҳосилалари, нефть, таркибида у ёки бу синф моддаларнинг кўплигига қараб олти типга бўлинади. Метанли (ёки парафинли), метанонаф-тенли, нафтенли, металонафтенароматик, нафтаноароматик ва ароматик Нефтнинг ёши ароматикдан метанли углеводородларга ўтган сайин ўсиб боради. Технологик классификацияга биноан нефть 0,5 %гача олтингугурт сакловчи - камолтингугуртли 0,51% дан 2% гача олтингугурт сакловчи олтингугуртли, 2% дан ортиқ олтингугурт сакловчи - кўполтингугуртли, 1,5% гача парафин сакловчи кампарафинли 1,51 дан 6% гача парафин сакловчи-парафинли, 6% дан кўпроқ парафин сакловчи кўппарафинли нефтларга бўлинади.

**Нефтни қайта ишлашдан олинadиган махсулотлар.** Ҳозирги даврда органик синтезнинг этилен, пропилен, бутилен, ацетилен, дивинил, изопрен, бензол ва унинг гомологлари, нафталин ва бошқа бир қанча муҳим махсулотларини ишлаб чиқариш нефть қимёси ҳом ашёсига асосланган. Улар ҳа ўз навбатида пластмассалар, толалар, каучуклар, Ювиш воситалари, бўёқлар ва бошқа юзлаб ишлаб чиқариш учун ҳом ашё ҳисобланади.



аралашмасининг сиқилиш даражасига боғлиқ бўлиб, ёқилги бир текstda ёнганда ва аланганинг тарқалиш тезлиги 10-20 м/с бўлганда энг юқори бўлади. Аммо баъзан ёқилги ҳаво аралашмаси маълум даражагача сиқилгач ёниш тезлиги 2000 м/с гача кескин ошади портлаш (детонацияланиш) тезлиги яқинлашади. Натижада цилиндрда каттик урулиш бўлиб, уни қизиқ кетишига, тез ишдан чиқишига, двигател кучининг пасайиб кетишига, ёқилгининг ортиқча сарфланишига олиб келади.

Детонациянинг сабаби углеводород-ларнинг термик парчаланиб ўта бекарор пероксидлар ҳосил қилишидир. Қайсиким улар сиқилишга чидамсиз бўлиб занжирли реакцияни кучайтириб юборади. Юқори молекуляр массага ва нормал тузилишга эга бўлган тўйинган углеводородлар детонацияга мойил бўлади, аксинча изотузилишга (тармоқланган) эга бўлган углеводородлар детонацияга чидамли бўладилар. Шунинг учун ҳам бензинларнинг антидетанацион хоссасига баҳо бериш учун октан сони (шкаласи) қабул қилинган. Н - гептанинг детонацияга жидамлиги шартли равишда "0" деб, изооктанники (2,2,4-триметилпентан) эса 100 деб қабул қилинган. Октан сони деб бензиннинг детонацияга чидамлигининг ўлчов бирлигига айтилади. У сон жиҳатдан изооктанинг Н-гептан билан аралашмасидаги фойз миқдорига тенгдир. У стандарт бир цилиндрли двигателларда ёқи уша ёқилгига мўлжалланган экспериментал двигателларда синаш йўли билан аниқланади.

Углеводородларнинг октан сони уларнинг молекуляр массаси ва тузилишига боғлиқ бўлади. нормал тузилишга эга бўлган алканларда

молекуляр массасининг ортиб бориши билан октан сони ҳам узғариб боради: этан-125, пропан-120, бутан-93, пентан-64, гексан-26, гептан-0, октан- (-20) октан сонининг молекуляр массага боғлиқ бўлиши тўйинмаган, циклик ва ароматик углеводородларга ҳам характерлидир. Углеводород занжирининг тармокланиш даражасининг ортиши билан октан сони ҳам ортади: гептан-0,2,2-диметил пентан-89; 2,2,3-триметилбутан-104; октан сони тўйинган углеводородлардан тўйинмаганга ўтганда ҳам ортади. Масалан, углерод сони бир хил бўлиб, тўйингандан тўйинмаганга ва ундан ҳам ҳалкалигига, ҳалкайдан ароматикка ўтган сайин ортиб боради: гексан-26, гексен-1-63, циклогексан-77, бензол-106.

Бензиннинг детонацияга чидамлиги унга антидетонатор деб аталувчи баъзи бир моддаларни қўшиш билан ошириш мумкин. Масалан, тетроэтил кўргошини  $Pb(C_2H_5)_4$  бромэтан ва ахлорнафталин билан аралашмасида этил суюқлиги) 1л. бензинга 3 мл. қўйилса унинг октан сони 70дан 90гача ортади, аммо этил суюқлиги жуда захарли бўлганлиги ҳамда у қўшилган бензин ёнганида кўргошиннинг захарли бирикмалари ҳосил бўлиб, атроф муҳитни, атмосферани захарлаши сабабли ундан фойдаланиш кейинги йилларда қисқариб бормоқда. Антидетанатор сифатида марганец метилциклопентадиенил карбонил ( $CH_3C_5H_4Mn(CO)_3$ ) ҳам ишлатилади. Мотор ёкилғисини октан сонини оширишининг нисбатан самарали усули, бу ёкилғини қайта ишлаш пайтида уни углеводородлар таркибини ўзгартиришдан (турли хилдаги каталитик крекингларни қўллаш орқали) ёки бензинга октан сони юқори бўлган компонентлар (изооктан, триптан, кумол ва бошқа ароматик

углеводородлар) қўшилишдан иборатдир. Дизел ёкилгиси-керосин, газойль, соляр мойлари бўлиб, ички ёнар двигателларида қўлланилади. Улар ёниш камерасига бевосита пуркалади. Катта босим, юкори температура ва сиқилган хаво таъсирида пуркалган ёкилги ўз-ўзидан ёниб кетади. Ёнишдан ҳосил бўлган газлар иш бажаради. Бундай двигателларнинг фойдали иш коэффициенти(ФИК) жуда юкори бўлади. (юк автомобиллари, тепловозлар, теплоходлар, кичик электростанциялар ва бошқалар). Бундай ёкилгиларнинг ўзидан алангаланиб ёниб кетиши, ковшоклиги, фракцион таркиби, котиш температураси, коксланиши ва бошқа характеристикалари, муҳим кўраткичлари ҳисобланади.

Ўз-ўзидан алангаланиб кетиши цетан сони билан баҳоланади. Цетан сони қанчалик юкори бўлса ёкилги шунчалик сифатли ҳисобланади. Цетан дизель ёкилгисини эталон аралашма билан такқослаб кўриш орқали аниқланади. Эталон аралашма бу цетан (гексадекан  $C_{16}H_{34}$  унинг цетан сони "100" деб қабул қилинган) ва  $\alpha$ -метил нафталин —  $C_{10}H_7CH_3$  (цетан сони 0" деб қабул қилинган) аралашмасидан иборат бўлиб, дизел ёкилгиларида цетан сони 40 дан 50 гача бўлади. Дизель ёкилгисининг цетан сони, ёкилгига юкори молекуляр прафин углеводородлари, ёки перекис моддалар қўшиш билан оширилади.

Реактив ёкилгилар. Ҳозирги замон авиациясида хаво турбореактив двигателлар қўлланилади. Бундай двигателларда ёкилги сифатида қайнаш температураси 150-280 °C бўлган керосин фракцияси ишлатилади. Тovuшдан тез учар сомонётлар ва (уш жуда баландда учати) қайнаш температураси 195-315 °C бўлган

керосин фракциялари ишлатилади. Реактив ёкилилар смола ҳосил қилиш хоссасига эга бўлган тўйинмаган углеводородлар ёкилиги системасини ифловловчи (тикилиб) қоилишига сабабчи бўладиган) кристалланувчи парафинлар сақламаслиги керак. Ароматик углеводородлар қосмок ҳосил қилишга мойил бўлганлиги ҳамда гигроскопиклиги учун қамрок бўлиши керак. Музлаш температураси эса  $-60^{\circ}\text{C}$  дан қам бўлмаслиги лозим.

Қозон ёкилиси сифатида нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари газ, нефть, мазут ва бошқалар ишлатилади. Улар тепловозларнинг, парохолларнинг иссиқлик электр станцияларининг, саноат печларининг ўтхонасида ёкилади. Сурков мойлари ҳаракатдаги қисмларни бир-бирисига тегиб жойларини ишқаланишини қамайтириш мақсадида қўлланилади. Бунда ишқаланишга қам энергия сарфланади. механизмларнинг муштаққамлиги таъминланади. уларнинг едирилишини олди олинади. Сурков мойлари қўлланиш соҳасига қараб: индустриал (веретен. машина мойларига) ички ёнар двигателлари мойлари (автоллар ва авиация мойлари), трансмиссион (двигательнинг ҳаракатини ёки айлананишини қилдирак ва тасмалар орқали бошқа механизмларга узатувчи қурилмалар учун). турбина, компрессор ва маҳсус мақсадлар учун қўлланиладиган мойларга бўлинади. Сурков мойларининг сифати уларнинг сурқаш қобилияти, қовушқоклиги, қотиш ва ёниш температураси барқарорлиги, зичлиги қабилар билан белгиланади.

**Нефтни қайта ишлашга тайёрлаш.** Нефть қудуқларидан қазиб олинган нефть таркибида эриган газлар. сув ва механик аралаш-малар қам ва тулрок ўшлайди. Шунинг учун нефть. қонларида ва нефтни

кайта ишлаш заводларида, тозаланади. Нефть кондан махсу-  
кувурлар оркали пулатдан ясалган тик ҳолдаги сепараторларга (га)  
ажратгич) оқиб келади. У ерда нефтнинг бжими ва оқими  
камайданлигидан унда эриган газлар (йўлдош газлар) ажратиб  
чиқади. Бир вақтнинг ўзида нефть тиндирилганлиги учун механик  
аралашмалар ва сув ҳам қисман ажралади. Менраль тузлар  
ажратиш учун нефть юмшоқ ва иссиқ сув билан ювилади. Нефть сув  
билан мустаҳкам эмульсия ҳосил қилади. Шунинг учун ҳам  
тиндириш йўли билан сувни тўлик ажратиб бўлмайди. Сувни ва  
тузни нефтдан тўлик ажратиш турли термохимёвий ва электро-  
химёвий усулларни қўллаш билан амалга оширилади. Электро-  
тузсизлаш қурилмаларида шундай ишлов бериш натижасида нефть  
таркибида сув 0,1% гача, туз эса 70-100мг/л.гача камаяди. Нефть  
сувсизлантирилгач стабилланади. Яъни осон кайновчи бутан-  
пентанли фракция (қисман гексан фракцияси) ҳайдаб ажратиб  
олинади. Бу операция натижасида нефтни сақлаш ва ташиш жараё-  
нида енгил углеводородларнинг йўқотиши олди олинади.

**Нефтни қайта ишлашнинг асосий усуллари ва фойдалани-**  
**ладиган аппаратлар.** Нефтни қайта ишлаш саноатида нефть уч  
типта қайта ишланади; ёкилги олиш билан боровчи (мотор ва қозон  
ёкилгиси олинади), ёкилги-мой олиш, билан боровчи (ҳом мотор  
ёкилгиси ҳам сурков мойлари олинади), нефтехимёвий қайта ишлаш  
(ёкилгилар, сурков мойлари ва кимё саноати учун ҳом ашё олинади).  
Қайта ишлашнинг бу учала турли ҳам физикавий ва кимёвий усуллар  
билан амалга оширилади.

**Физикавий усуллар.** Нефть ва нефть маҳсулотларини қайта  
ишлашнинг уларни ташкил этувчи компонентларнинг физиковий  
хоссалари: кайнаш ва қотиш температураси, эрувчанлиги, абсорбцион  
қобилияти ва бошқалар орасидаги фарққа асосланган. Бу усуллар  
нефть таркибидаги қайноқ температуралари бир-бирига яқин бўлган  
фракцияларни ажратишда, углеводородларнинг айрим синфларини  
(депарафинлашда) ажратишда ҳамда индивидуал бирикмаларни  
ажратиб олишда қўлланилади. Кўпинча нефть маҳсулотлари  
атмосфера ва паст босимда тўғри ҳайдашда қўлланилади.

**Кимёвий усуллари.** Нефть ва нефть маҳсулотлари таркибидаги  
углеводородларнинг температура, босим, катализаторлар, кимёвий  
реагентлар таъсирида чуқур структуравий ўзгаришга асосланган.  
Бу усуллар жуда муҳим нефть маҳсулотларини миқдорини  
кўпайтириш (масалан бензин) учун, нефть маҳсулотларини сифати-ни  
ошириш (масалан бензиннинг октан сонини ошириш, учун, айрим  
индивидуал углеводородларни (бензол ва унинг гомологларини)  
олиш учун ҳамда кимё саноатининг ҳом ашёларини (водород, синтез-  
газ, ацетилин, алкенлар, диенлар ва бошқаларни) олиш мақсадида  
қўлланилади. Санаб ўтилган усуллардан нефть маҳсулотларини  
термик ва каталитик крекинглашнинг турли хиллари энг кўп  
қўлланилади.

Нефть ва нефть маҳсулотларини қайта ишловчи аппаратлар  
жараённинг узлуксизлигини, асосий маҳсулотнинг юқори унумда  
чиқишини, иктисодий самарадорликни, катта маҳсулдорликни  
таъминлаши керак. Нефтни қайта ишловчи аппаратларни уч гурппага  
бўлиш мумкин: ҳом ашёни қиздиришни ва ўзгаришни таъминловчи

печлар ва реакторлар. маҳсулотларни бир-бирисидан ажратиш учун  
ректификация колонналари (устунлари), иссиқликни бекорга чиқариб  
кетмаслиги яъни, ундан фойдаланиш учун (утили-зациялаш учун)  
хамда совутиш керак бўлган маҳсулотларни совутиш учун иссиқ  
алмаштириш аппаратлари.

Нефть ва нефть маҳсулотларини физикавий ва кимёвий қайта  
ишлаш жараёнлари одатда эндотермик бўлиб, ташқаридан иссиқлик  
берилишини талаб қилади. Шу мақсадда қўлланиладиган аппарат-лар  
иссиқлик бериш, усуллари билан бир-бирисидан фарқ қилади (114-  
расм) а-схемада ҳам ашёни ташқи томонидан қиздириш усулидан  
фойдаланиб б-схемада қиздириш адиабатик шароитда яъни иссиқлик  
утқазувчи юза бўлмаган шароитда амалга оширилади. Иссиқлик  
ташувчи сифатида юкори температуралари  
(900-950 °C) сув буғи ишлатилади.

Автотермик ёки оксидлаш усулида (в-схемада) зарур иссиқлик  
ҳам ашёни бир қисмини атмосфера кислородида ёқиш билан  
олинади. Қаттиқ иссиқлик ташувчидан (донадор алюмосиликатли  
катализатор ёки чангсимон кум ва бошқалар) фойдаланилганда (г-  
схема) реакция тугуни икки аппаратдан- реактор ва қиздиргич -  
регенератордан иборат бўлади. Қаттиқ иссиқлик ташувчи  
регенераторда қизийди ва реакторга бориб иссиқлигини беради.  
шундай қилиб бу аппаратлар орасида айланиб юради. Бу схема нефть  
маҳсулотларини каталитик қайта ишлашда кенг қўлланилади.

Нефть маҳсулотларини қиздирувчи асосий аппарат бу  
ташқаридан алангада қиздирилувчи ёки алангасиз қиздирилувчи  
қувурсимон печь ҳисобланади. Алангасиз қиздирилувчи қувурсимон

115-расм) ичи иссиқликни изоляцияловчи керамик панел (девор) билан терилган камера бўлиб, печнинг ичида ўтга чидамли тўсиклар 2 ўрнатилган. улар ёкиладиган газни чиқарувчи кенг каналлар ҳосил қилади (уни конвекцион камера ҳам дейилади). Иссиқалмаштиргичларда бироз қиздирилган ёки совуқ ҳолдаги хом ашё конвекцион камеранинг 6 остки қувурига берилади(печнинг ҳамма қувурлари кетма-кет бир-бириси билан уланган бўлади) у қувурдан ўтган хом ашё қайтувчи ёқилғи газлари билан қизийди. Сунгра у Радиант қувурларига 4,5 ўтади ва у ерда қувурларнинг иссиқлигида ва жуда қизиган ёқилғи газлар иссиқлигидан қизийди. Иссиқлик қизиган панелларнинг иссиқлик чиқаришдан олинади. Қизиган хом ашё печнинг тепа қисмидан чиқади ва қайта ишлаш учун юборилади. Печь керамик призма шаклидаги печь деворига маҳкамланган горелка 3 ёрдамида газ ёқилғиси ёқиб қиздирилади.Бундай печлар ихчам ва юқори фойдаланиш коэффициентига эга. Нефть маҳсулотларини бир-бирисидан ажратиш турли типдаги реактификация колонналарида мл амалга оширилади.Қалпоқли тарелкасимон типдаги барботажли колонналар кенг тарқалган. Одатда ҳар бир колоннада 30-60 та гача тарелкалари бўлади (улар горизонтал текисликда ўрнатилган бўлади).

Ҳайдаб ажратиб олинadиган фракцияларнинг қайнаш температурасини пасайтириш учун ҳамда углеводларнинг термик парчаланишини олдини олиш учун купинча сув буғи билан ҳайдалади.

Нефтни қайта ишлашнинг физик усуллари. Нефтни қайта ишлаш бил қайнаш температураси фарқига қараб алоҳида фракцияларга

(дистиллатларга) ажратиш, бир боскичли ёки икки боскичли аппаратларда амалга оширилади. Биринчи ҳолда жараёни атмосфера босимида олиб борилади. Бунда турли мотор ёкилгилари ва мазут (кайсиқим улар кимёвий қайта ишланади) ҳосил бўлади. Икки боскичли қурилмаларда нефть аввал атмосфера босимида ҳайдалиб мотор ёкилгиси ва мазут олинади. Сўнгра мазутдан паст босимда ҳайдаб турли сурков мойларни ва гудрон олинади. Гудрон кейин қайта ишланиб пек, асфальт ва нефть кокси олинади. Иккала боскиччи бирлаштириш катта иктисодий самара беради ва бундай қўшма аппарат атмосфера – вакуумли қувурсимон қурилма (АВК) дейилади. АВКнинг муҳим схемаси 116 расмда берилган. Унда нефть насос 5 билан 6 .9.12.13 – қувурсимон исскалмаштиргичларга навбат билан қўтариб берилади, у ерда  $170-180^{\circ}\text{C}$  гача қиздирилади сўнгра қувурсимон печга 1 ўтиб  $320^{\circ}\text{C}$  гача қизиб суюқ ва буг ҳолатда ректификация қолоннасининг 3 остки қисмига боради. У ерда бугланади ва буг мазутнинг суюқ қисмидан ажраларди. Буг юқорига қўтарилиб, фракцияларга: соляр мойлари ( $300-350^{\circ}\text{C}$  5%), керосин ( $200-300^{\circ}\text{C}$ , 19%), лигроинга ( $160-200^{\circ}\text{C}$ , 8%) ажралади. Бу фракциялар совутилгач йиғгичларга бориб йиғилади. Бензин ( $170^{\circ}\text{C}$  гача 15%) қолоннанинг юқори қисмидан буг ҳолатда чиқариб олинади ва аввал исскалмаштиргичдан 6 (тоза нефть билан) сўнгра қондэсаторда 7 қондэсатланган суюқ ҳолда сувдан ажратиш учун тиндиргичга 8 оқиб ўтади. Олинган бензиннинг бир қисми юқори температурада қайновчи фракция бугларини қондэсатлаш учун қолоннани сугоришга қайтарилади. Бу бензин сифатини яхшилайдди.

Колоннанинг остгикисмида нефтнинг асосий таркибий қисмларини қайташ температурасини пасайтириш учун ўткир буг киритилади.

Биринчи колоннанинг остидан оқиб чиққан иссиқ мазут (55%) 270-280 °С температурада қувурсимон печга 2 олиб борилади. У ерда 400-420 °С гача қийди ва 8-11 КПа босимда вакуум остида ишловчи 4-чи колоннага ўланади. Колоннанинг остги қисмидан қаттиқ қизиган буг кирилади. Буг аввал гудрондан ажралади, кейин юқорига кўтарилиб цилиндр, машина ва веретен мойи фракцияларга ажралади. Улар суғутилади ва йиғичга юборилади. Оғир газойль колоннадан буг ҳолда чиқарилади ва иссиқалмаштиргичда 9, ҳамда конденсаторда суғутилиб йиғичга юборилади. Унинг бир қисми колоннани суғориш учун қайтарилади.

Колоннанинг остки қисмидан суюқ қолдиқ гидрон чиқариб олинади. Шундай йўл билан олинган фракциялар олтингугурт ва кислород сакловчи бирикмалардан тозаланади ва зарурий миқдорда сифатини яхшиловчи моддалар қўшилгач тайер мотор ёқилгиси ва сурков мойлари сифатидан шлатилади. Олинган маҳсулотларнинг сифати ва миқдори қайта ишланадиган нефтнинг таркибига боғлиқ бўлади.

Нефть ва нефть маҳсулотларини қайта ишлашнинг кимёвий усуллари. Нефть маҳсулотларини юқори температура ва босим остида чуқур деструкцияга – крекингга олиб келувчи Жараёнлар билан боғлиқ. Ёнда углеводород молекулаларининг парчаланиши билан бир қатори барқарор моддалар синтезланиши билан боғлиқ бўлган иккиламчи жараёнлар ҳам кетади.

Крекинг дастлабки хом-ашёга ва углеводородлар парчаланишининг чуқур ва саёзлигига караб 450-720 °C да ва 7 МПа гача босимда турли: термик крекинг, риформинг, пиролиз ва кокслаш усулларида амалга оширилади. Бу усулларнинг ҳаммаси ҳам қушимча равишда мотор ёкилгиси ҳамда нефтикимё саноати учун газсимон маҳсулотлар олиш имконини беради.


Турли синф углеводородларининг термик парчаланиш жараёнларининг мураккаблигига карамай баъзи бир умумий қонуниятларни қуриш мумкин. Крекингнинг барча турлари вадарод атомлари таксимланиши билан характерланади яъни енгил компонентларнинг водородга бойиши оғир компонентларнинг эса дастлабки хом ашёга нисбатан водородлар микдорининг камайиши жараёни кузатилади масалан бир қурилмада борувчи жараёни қуйидаги тенглама билан ифодалаш мумкин:

$$10(C+1.8H)=(C+3.2H)+6(C+2H)+2(C+1.3H)+(C+0.2P)$$

хом ашё газлар бензин мазут кокс



Термик крекинг жараёнларининг қўпчилиги занжирли радикал механиз асосида боради унинг бошланғич ҳарорати ва тезлиги углеводородларнинг термодинамик барқарорлиги билан боғлиқ бўлади.

Нефт хом ашёсининг таркибида тузилиши жуда хилма хил булган турли хилдаги углеводородлар бўлади табиқий уларнинг термик барқарорлиги ҳам турлича бўлади. Юқори ҳароратда углеводородлар айниқса парафинлар учун дегадрогенланишдан қура углерод боғининг узилиши билан бородиган жараёнларнинг термодинамик жихатдан эҳтимоли катта. Парафин углеводородларнинг молекуляр массаси канчалик катта булса молекуланинг (занжирнинг) уртасидан углерод боғининг узилиш эҳтимоли ҳам шунчадан юқори бўлади. Масалан, эйкозан парафинининг термик крекинг қуйидаги асосий маҳсулотларнинг ҳосил булишига олиб келади.



Туйинган ва туйинмаган углеводородларнинг микдорий нисбати тенг бўлганда, реакция аралашмада маҳсулотларнинг микдорий нисбати чапдан унг томонга кескин ошади.

Нафтен углеводородларнинг термик барқарорлиги парафинларга нисбатан анча юқори бўлади. Юқори ҳароратда нафтенлар учун дегидрогенланиш ва занжирнинг узилиши билан борадиган реакциялар характерлидир.



Алкилланган нафтенлар крекинги ён занжирнинг узилиши билан бошланади. Ароматик углеводородлар нисбатан термик барқарор ҳисобланади. Улар орасида эг биринчи алкилланмиш хосиллари бензол ва алкен ҳосил қилиб парчланади.



Юкори ҳароратда ароматик углеводородлар конденсатланиши ҳам мумкин бу ҳолат кокс ҳосил булишига олиб келади. Турли синф углеводородларнинг оддий моддалардан ҳосил булиш энергиясини ҳароратга боғлиқликдан келиб чиққан ҳолда (94-расм) крекинг маҳсулотларининг юкори ҳароратда термодинамик барқарорлиги куйидаги тартибда камаёлади

Ароматик углеводородлар – алкенлар-нафтенлар-парафинлар.

Тегишли кетма кетликда парчаланиш тезлиги ҳам ортади. Демак юкори биринчи навбатда парафин углеводородлар ва нафтенлар парчаланиши ва ароматик углеводородларнинг гулланиши кузатилади. Крекинг маҳсулотларида ароматик углеводородлари улушининг ортиши иккиламчи жараёнлар ҳисобига ҳам (масалан, дисенил синтез) бўлади.

Нефтни термик қайта ишлашдан асосий мақсад бензин ишлаб чиқаришдир. Бензин унумининг ҳароратга боғлиқлиги (а эгри чизик) ва уни таъсир қилиш вақти (б эгри чизик) 95-расмда берилган. Ҳароратнинг ортиши билан бензинни унуми бекарор оғир углеводородлар парчаланиш тезлигининг ортиши ҳисобига ортади ва қандайдир оптимал ҳароратда максимумга ( $X_b, \text{макс}$ ) етади. Ҳароратнинг янада кўтарилиши, энгил углеводородларнинг парчаланиб газлар ҳосил қилиши натижасида бензин унумини камайтиради.

Термодинамика қонунларига мувофиқ босим парчаланиш тезлигига таъсир этмайди аммо, мувозанатни ҳажмнинг камайиши томонга силжитади. Яъни газлар ҳосил булиши билан борадиган реакцияларни секинлаштиради ва кичик молекуляр массага эга булган олефинларни иккиламчи реакцияларга киришиши ҳамда парафинларнинг алкилланиш реакцияларига қудай шарт яратади. Демак, боғлиқлик эгри чизиги  $X_b = f(p)$  бензиннинг эгри юкори унуми  $\eta$  мос келувчи максимум  $X_b = f(t)$  эгри чизиги билан бир хил. Шунинг учун ҳам бензиннинг юкори унум билан чиқишини таъминлаш учун жараёни юкори босимда олиб бориш аксинча крекингнинг энгил фракцияларини унумини

ширини ушундан башка, бензиннинг ҳароратда олиб билиш мақсадга мувофиқдир.

Углеводородларнинг юкори ҳарорат шароитида булиш вақти ҳам крекинг жараёнининг боришига таъсир этади (96-расм б эгри чизиги). Узгармас ҳарорат ва босимда бензиннинг унуми (қандайдир оптимал ҳарорат ( $t_{opt}$ ) оптимал кинматга етгунча ортади. Жараён давомийлигининг ортиши (вақтнинг узайиши) билан бензиннинг унуми енгил углеводородларнинг газ ҳосил қилиш билан парчаланиши ҳисобига камая бошлайди. Бензиннинг унумини максимумга етказиш учун крекинг жараёнини шундай олиб борнш керакки, ҳом ашё реактордан бир марта ўтганда унинг 50-70% узгаришга учрасин. Сўнгра бензинга крекинг қолдигини ажратиб олинганч оралик фракциялар яна крекингга учратилади. Бўнга ҳом ашёнинг бир қисмини рециркуляция принциpidан фойдаланиш туфайли эришилади. Термик крекинг қилиш туфайли, бензин, турли газлар ва крекинг қолдиги олинади. Саноатда ҳом ашёга боғлиқ ҳолда ҳамда мақсадга қараб 3 хил крекинг қулланилади.

1. Суюқ фазада крекинг 470-540°C ҳароратда ва 70 Мпа босимда 2 фазада суюқ-бўғ системада боради. Одатда бу усул билан оғир ҳом ашёлар (масалан, мазут) рециркуляцияни қуллаган ҳолда қайта ишланади. Бунинг схемаси 97-расмда берилган. Мазут насос 1 ёрдамида ретрификация колоннасининг 2 остки қисмидаги тарелкалардан бирига олиб борилади, у ерда крекингнинг ёнувчи фракциялари билан қўшилиб қисман парчаланadi. Колоннанинг остки қисмидан оғир фракция чиқарилади ва 470-480°C да енгил крекинглаш учун қувурсимон печга 4 жўнатилади. Печларнинг босими 5-7 Мпа бўлади. Крекинг маҳсулотлари 3 ва 4 печлардан редукцион жўмрак 5 орқали буглантиргичдан 6 тушади, унда крекинг қолдик буглардан ажратиб буглач қурилмадан чиқариб олинади. Буглар (бензин буглари ва газлар) буглантиргичдан, ажратиш учун ректификация Колоннасига ўтказилади.

Крекинг газ конденсатордан 7 ўтиб сепараторда 8 бензиндан ажратилади. Олинган маҳсулотларнинг унуми крекинг бензин 30-35%, крекинг-газ 10-15%, крекинг-қолдик 50-55%га тенг бўлади. Крекинг-бензиннинг таркибида

ароматик углеводородлар кўп бўлганлиги учун, унинг октан сонни (70) олинган хайдаш оркали олинган бензиндан анча юқори бўлади.

Крекинг-газлар таркибида этилен, этан, пропилен, бутилен ва бутан ушлайди. Улар газларни ажратувчи курилмаларда (ГАК) фракцияларга ажратилади ва органик синтезнинг кимматбаҳо хом ашёси сифатида ишлатилади. Крекинг-қолдиқ буг қозонларнинг ёкилгиси ҳисобланган, гудрон, асфалт, нефт кокси қабиларни олиш учун хом ашё сифатида қулланилади.

2. Буг фазали крекинг кичикрок босим ва 600-630°C да ҳароратда юқори октанли бензин олиш мақсадида олиб борилади. Бунда лигроинли фракция ишлатилади. Буг фазали крекингда бензин билан бир қаторда кўп миқдорда қимматли нефт қимё хом ашёси ҳисобланган таркибида туйунмаган углеводородлари кўп бўлган газлар ҳам олинади.

3. Пиролиз бу юқори ҳароратли крекинг бўлиб, асосан этилен ва бошқа туйунмаган углеводородларни олиш учун ишлатиладиган хом ашёнинг турига қараб (табиий газ, газ конденсати, керосин, газойил, лигроин) кенг оралиқдаги ҳароратда (600-1200°C) амалда 670-720°C ларда ва атмосфера босимида лигроинли ёки керосинли фракцияларнинг чуқур парчаланиши ҳамда иккиламчи жараёнлар натижасида хом ашёнинг ҳоссаиға нисбатан 50% гача унум билан газ (таркибида 30% алканлар сақлайди) ва 45-47% қой олинади. Қойни ректификациялаб 20% бензол, 16% толуол ва 2% қселол олинади ва улар қайта тозалангач индивидуал модда сифатида қойданилади.

Қоклаш-нефт қолдиқлари мазут, крекинг-қолдиқ, гудронларни 450-500°C да ҳавосиз қойда термик парчалаш жараёни бўлиб унинг натижасида қушимча ёкилги қойданиладиган қулсиз (ёнганда қул ҳосил қилмайдиган) қокс олинади.

Қаталитик жараёнлар бугунги қунда нефт маҳсулотларини крекингда октан сони юқори бўлган ва турли органик синтезларда кенг қойдаланишга қабил газларнинг олиш усулларинини орасида асосий уринни эгаллайди. Қаталитик жараёнлар термик жараёнларда қатта тезликда нисбатан пастрок ҳароратда

мавстроқ босимда боради ҳамда у олтингугуртли нефтларни ҳам қайта ишглашга имкон беради.

Катализатор сифатида ғовак ташувчиларга (моддаларга) шимдирилган ҳолда синтетик алюмоцикатлар, платина, молибденоксидлари ва хром ишлатилади. Каталитик крекинг бу типик гетероген каттализ бўлиб-дастлабки моддаларнинг газ фазадан катализатор сиртига хемосорбецияланиши, кимёвий реакция, крекингмаҳсулотларининг катализатор сиртидан дисорбцияланиши ва уларнинг газ фазага дифузияланиши каби кетма кетлик тартибда боради. Шунинг учун ҳам фойдаланиладиган катализаторларнинг сирти катта булиши ( $\sim 700\text{м}^2/\text{г}$ ), яхши регенерацияланиш хоссасига эга булиши, олтингугурт бирикмаларига чидамли булмоғи ҳамда механик мустаҳкам булиши лозим. Катализатор сиртида боровчи кимёвий жараёнлар ион характериға эға.Бир вақтнинг узида катализатордан ташқарида ҳарорат таъсирида занжирли радикалн жараёнлар ҳам боради, аммо суст кетади.

Каталитик крекинг шароитига энг чидамли булган бирикмалар нормал тутилишли парафинлар ва алмашмаган ароматик углеводородлардир. Олефинлар, нафтенлар ва узун занжирли ён уринбосарлари булган ароматикуглеводородлар чидамсиз булиб, улар биринчи булиб крекинға учрайдилар. Узун ён занжирли ароматик углеводородлар оддий ароматик бирикмалар ва олефинларға парчаланадилар. Кондесирланган ароматик бирикмалар уринбосарларини ёкотади ва янада зичлашиб кокс ҳосил килади. Нафтенлик углеводородлар катализатор сиртида дегидрогенланади ва ён занжирнинг узилиши ҳамда халканинг очилиши билан C-C бог узилиб парчаланади. Полициклик нафтенлар ён ўринбосарлар узилгандан сунг оддий ароматик углеводородлар ҳосил килади-ю, аммо кисман зичлашиш, маҳсулоти сифатида катализатор сиртида қолади.

Крекинг натижасида ҳосил булган олефинлар C-C богдан узилиб парчаланадилар, изомерланадилар, полимерланадилар, гидрогенланадилар, халқали углеводородларға айланиб, дегидрогенланадиларда ва ароматик бирикмалар ҳосил киладилар. Каттализ шароитида олефинларнинг

гидроениланиш жараени катта аҳамиятга эга, чунки бунда дар ҳол таркибиди кам олефин сакловчи тургин бензин ҳосил бўлади. Парафин углеводородларни катализатор сиртида парчаланеди ва изомерланадилар. Демак, катализатордан крекинглашнинг муҳим узиға ҳос томони шундаки, бунда таркибиди октан сонини 98 гача етказувчи тармокланган занжирли туйниган углеводородлар ҳамда ароматик углеводородлар сакловчи енгил мотор ёкилгиси – бензин олинади. Крекинг жараёнида алюмосиликатли катализаторнинг сиртида катти кокс утириб қолиш сабабли унинг активлиги тезда пасаяди. Катализатор активлигини қайта тиклаш учун унга  $550-600^{\circ}\text{C}$  да ҳаво пуркаш орқали регинерациялайдилар. Катализатор сиртини коплаб олган кокснинг ёниши натижасида бир томондан катализатор қайта актив ҳолға утса (Регинерацияланса) иккинчи томондан у кизийди ва регенератордаги реакторға иссиқлик олиб утиш вазифсини ҳам бажаради.

Саноатда каталитик крекинг катализатор қаватининг ҳолати билан фарқ қилувчи уч типдаги қурилмаларда амалға оширилади: заррачалари муаллақ осилиб турувчи катализатор қавати ёки қайновчи қаватли ва қукунсимон катализаторнинг муаллақ заррачалари оқими типиди ишлаши билан улар бир-биридан фарқ қилади. Каталитик крекинг  $0.05-0.1\text{МПа}$  босимда  $450-500^{\circ}\text{C}$  да буг фазада алюмосиликатли катализатор иштирокида амалға оширилади. 97-расмда ҳаракат қилиб турувчи катализаторли крекингнинг схемаси берилган. Ҳом ашё қувурсимон печда (1)  $350-360^{\circ}\text{C}$  гача қиздирилади ва реакторға (2) боради. Реакторға бункердан (3)  $550-600^{\circ}\text{C}$  ҳароратгача қизиган катализатор ҳам қелиб тушади. Катализатор заррачалари оғирлик қучи ҳисобига реакторнинг юкорисидан пастигача тушади, Ҳом ашёни крекингга учратади ҳамда реакторда уз иссиқлигини утказиши ҳисобига ҳароратини  $450-500^{\circ}\text{C}$  да саклаб туради. Катализатор регенераторға (4) боришдан олдин сиртидаги енгил углеводородларни десорбцияланишини қучайтириш учун буг билан ишлов берилади. Крекинг маҳсулотлари реактордан (2) чиқиб, 1-ат ва бензин фракцияларини бир-биридан ажратиш учун ректификация колоннаста юборилади. Регенераторға (4) ҳаво пуфлагич (5) ёрдамида катализатор сиртига

ёпишиб колган коксга ёпиш ушун тутковсыз хаво берилиб турилади. Регенератордан хосил булган тутун газлари буг олиш максидида Утилизатор маънига қоборилади.Регенерациялаган катализатор сикилган хаво ёрдамида тушувчи қурилмага тушади, у ердан хаво пуфлагичдан (7) сикилган хаво ёрдамида қувур (6) орқали бункерга (3)га утади.Бункердан яна реактор (2)га боради.Каталитик крекинг натижасида октан сони 76-82 булган 70% унум билан бензин, 12-15% бир атомдан турт атомгача углерод сакловчи газлар ва 6%гача кокс олинади. Саноатда қайноийчи қаватли катализатори булган каталитик типидаги қурилма кенг тарқалган.(60-расм) Катализатор сифатида сийрак ер элементлари билан активланган алюмосиликатлардан (цеолитлар) фойдаланилади.

Катализаторни қуллаш энергетик харажатларни қамайтиришга қурилмаларнинг махсуддорлигини оширишга бензиннинг сифатини ва чиқдорини оширишга имкон беради. Кейинги йилларда гидрокрекинг кенг қулланилмоқда. Бу 6 Мпа босимда 360-450°C да алюмосиликатларга қуйилган металл (Ni, W, Co, Mo) катализаторларда амалга оширилади.

Каталитик риформинг –октан сони юкори булган бензин ёки индивидуал ароматик бирикмалар олиш максидида октан сони кичик булган бензин ва лигронини вородли мухитида қайта ишлаш жараёнидир. Риформинг катализатор тасирида бир вақтнинг узида қуйдаги: олти аъзоли нафтенларнинг дегидрогенланиши, парафинларнинг дигидрогенланиб халқали бирикмаларга айланиши, беш аъзоли нафтенларнинг олти аъзоли бирикмаларга дегидрогенланиб изомерланиши, парафин углевородларнинг гидрокрекинги ва изомерланиши реакциялари боради Со ли ва Мо ли катализаторлар нефт махсулотларининг S ли бирикмаларини гидрогенлаб  $H_2S$  хосил қилинишига олиб келади.Бу хол S ли (S ли бирикмалари қуп булган ) нефтларни қайта ишлаш имкониятини беради.

Риформинг икки типга –платформинг ва гидроформингга булинади. Платформинг фторланган алюминий оксидига жойлаштирилган платина катализаторда 480-510°C ҳарорат ва 2-4 МПа водород босимида олиб борилади.

Гидроформинг алюмолибденли катализатор каватда 1.7-1,9 МПа газ босимида амалга оширилади.

**Нефт маҳсулотларини тозалаш** Хайдаш йули билан ва крекингнинг оркали нефт маҳсулотлари таркибида олифинлар, диолифинлар, олтингугуртли кислородли ва азотли бирикмалар саклайди. Улар кимёвий актив моддалар булганлигидан саклаш вақтида оксидланадилар ва полимерланадилар.

Нефт маҳсулотларини тозалашнинг усуллари кимёвий ва физик-кимёвийга бўлинади. Кимёвий тозалаш усуллари: Гидротозалаш ва сульфат кислотаси билан тозалашлар киради. Физик-кимёвийга адсорбцион ва абсорбцион тозалаш усуллари киради.

Сульфат кислотаси билан тозалаш усули катта миқдорда уювчи реагентлар талаб қилади ва бундан фойдаланиш қийин булган чикиндилар ҳосил бўлади. Шунинг учун ҳозирги дарвад гидро тозалаш усули кенг тарқалди бу усул нефт маҳсулотларини олтингугуртли нефтдан олиш имконини беради. Бу усул 380-420°C ва 3-4 МПа босимда нефт маҳсулотларини кобальт-молибденли катализаторлар иштирокида селектив гидрогенлашга асосланган. Натижада олтингугурт, кислород ва азотнинг органик бирикмаларидан: углеводородлар ҳамда ажралиб чиқиши осон булган  $H_2S$ ,  $NH_3$  ва  $H_2O$  ҳосил бўлади.

Шу билан бир каторда дисенларнинг ва актив олифинларнинг гидрогенланиб тўйинган углеводородлар ҳосил қилиш жараёни ҳам боради. Гидротозалашда риформинг натижасида олинадиган арзон водороддан фойдаланилади.

**Адсорбцион усуллари.** Бунда нефт маҳсулотлари адсорбентлар-табиий тупроқ, боксид, силикагел кабилар аралаштирилади қайсики уларнинг юзасига биринчи навбатда олтингугурт, азот ва кислород сакловчи бирикмалар ҳамда диолифинлар адсорбланади.

Абсорбцион усуллари. Керосин ва мойларнинг зарарли аралашмаларини улар билан аралашмайдиган суюқликларда танлаб эриб утиш ҳосилда асосланган. Шундай суюқлик сифатида суюқ олтингугурт (IV юкслик)

фурфорол, нитробензол, диэтил, этил эфири ва бошқалар қўлланилади. Эриткичлар ҳадаш йули билан регенерацияланади.

### 11.5 Газсимон ёкилгилар.

Ёнувчи газларга : табиий ва йуловчи газлар,нефтни кайта ишлашдан ҳосил бўлган газлар (крекинг, риформинг, пиролиз газлари), генератор газлари кокс ва домна газлари киради. Улар ёкилги сифатида ҳамда кимё саноатининг хом шайси сифатида фойдаланилади.1940-йилларгача дунёда халқ хужалигининг газга булган талаби каттик ёкилгиларни кайта ишлашдан ҳосил булган синтетик газ ҳисобига кондирилиб келинган булса ҳозирги даврда эса асосан табиий ва нефт газлари ҳисобига кондирилмоқда. Табиий газ таркибида кўшимча сифатида озрок, ноорганик газлар, (водород сульфид, углерод (IV) оксиди, азот, гелий ва бошқалар) аралашмасини сакловчи метан каторидаги газсимон углеводородлар аралашмасидан иборатдир. Таркибида нефт булмаган ер остида тупланган газларни табиий газ, унинг конларини газ конлари дейилади. Нефт олганда у билан аралашиб чиқадиган газларни йулош (йуловчи) ёки нефт газлари дейилади.Табиий газ асосан метандан ташкил топган нефт газлари эса метандан ташқари анчагина унинг гомологларни ( $C_2$  дан  $C_6$  гача) ўшлайди.Газ конденсати конлари ҳам учрайди. (Табиий газ конларидан газ чиққанда босим камайиб ундан суюқ углеводородлар конденсат ҳам ажралиб чиқади). Бу ер остида канчалик чуқурликда жойлашган булса унинг таркибида конденсат миқдори ҳам шунчалик кўп бўлади. Баъзи газ конлари газнинг таркиби 8-жадвалда берилган.

Газ саноатининг жадал суратлар билан ривожланиши газнинг ажойиб ёкилги эканлиги билан боглик. У ёнганда тулик ёнади тутун ва захарли моддалар кул ҳосил қилмайди (узи оқиб борганлиги сабабли )кулай ва иктисодий жихатдан арзон, сиқилган ва суюлтирилган ҳолда саклаш мумкин, казиб олиш анча арзон (шартли ёкилги бирлигига айлантйриб ҳисобланганда кўмир қийматининг 10%ни ташкил этади). Мамалакатда ишлатиладиган жами газининг 55% саноатта сарфланади, 26% электр станцияларда ёкилади. 15% турмуш эhtiёжлари учун ва 4% халқ хужалигининг турли тармоқларида

сарфланади. Ҳозирги кунда пулатнинг 90%, чуқуннинг 85%, цементнинг 60% ва ўғитнинг 85% газдан фойдаланиб ишлаб чиқарилмоқда. Табиий газнинг барча таркибий қисмларидан қимё саноатида кенг фойдаланилади. Айниқса нефт қимё саноати учун нефтни қайта ишлашдан ҳосил булган туйинмаган углеводородлар сакловчи газлар муҳим ҳом ашёдир. Нефтни қайта ишлаш натижасида қайта ишлаш усулларига қараб ҳосил булган газларнинг таркиби (уртача) 9-жадвалда берилган.

9-жадвал

| Нефтни қайта ишлаш усуллари | газларнинг таркиби ва улуши % (ҳажм бўйича) |                 |                               |                               |                                |                               |                               |                               |
|-----------------------------|---------------------------------------------|-----------------|-------------------------------|-------------------------------|--------------------------------|-------------------------------|-------------------------------|-------------------------------|
|                             | H                                           | CH <sub>4</sub> | C <sub>2</sub> H <sub>6</sub> | C <sub>3</sub> H <sub>8</sub> | C <sub>4</sub> H <sub>10</sub> | C <sub>2</sub> H <sub>4</sub> | C <sub>3</sub> H <sub>6</sub> | C <sub>4</sub> H <sub>8</sub> |
| Суюқ фазаги крекинг         | 3,5                                         | 45              | 17,5                          | 13                            | 5,5                            | 2,5                           | 7                             | 4,5                           |
| Пиролиз                     | 12                                          | 56              | 6                             | 0,5                           | 0,2                            | 17                            | 7,5                           | 4,5                           |
| Каталитик крекинг           | 5,5                                         | 10              | 4                             | 18                            | 44                             | 3                             | 9                             | 15                            |
| Каталитик риформинг         | 9                                           | 7               | 13                            | 37                            | 35                             | -                             | -                             | -                             |

Газ қудуқларини казиш нефт казишдан амалда фарқ қилмайди. Республикаимизда саноат миқёсида газ казиб олиш асосан 1965 йиллардан кейин бошланди. фойдаланиладиган йирик газ конлари Бухородаги-Газли, Коровулбозор, Денгизкул, Жаркок, Кашказарёдаги Шуртан, Зеварда, Шимолий ва Жанубий Муборак, Уртабулок, Помир, Қорақум, Қултоқ, Алан ва бошқалар. жами 30 дан ортиқ. Ўзбекистон 1976 йилга қелиб 36.1млрд.м<sup>3</sup>газ ишлаб чиқарди. Бу Болгария, Чехия ва Словакия, Англияда ишлаб чиқарилган газларнинг ҳаммасини қушиб ҳисоблагандаги миқдордан ҳам ортиқдир. Ҳозирги пайтда Республикаимиз Япония, Франция, Англия каби ривожланган мамлақатларни қушиб ҳисоблаганда ҳам улардан кўпроқ газ ишлаб чиқармоқда.

## ОРГАНИК СИНТЕЗ САНОАТИ

### 12.1 Органик синтезнинг хом ашёси ва типик кимёвий технологик жараёнлар.


Органик бирикмаларни ишлаб чиқариш қадимдан бошланган, аммо у узок йиллар давомида табиий материаллар таркибидаги маҳсулотларни (канд-шакар, скипидар, ўсимлик ва ҳайвон мой ва ёғлари ва бошқалар) ажратиб олишга асосланган ёки мураккаб табиий маҳсулотларни оддий моддаларга (озик-овқат маҳсулотларини спирт ва сирка, ёғларни совун ва глицерингача) парчалашга асосланган эди. XIX асрнинг ўрталарига келиб органик кимё тараккиётида йирик муваффақиятлар қўлга киритилди. А.М.Бутлеровнинг органик моддаларнинг тузилиш назарияси яратилди, физикавий кимёвий ва техник фанларнинг ютуқлари, тошқумирни кокслаган хосил булувчи қўшимча маҳсулотларга асосланган хом ашё базасини яратилиши ва бошқалар, органик синтезнинг пайдо бўлишига, яъни оддий моддалардан мураккаб моддаларни олишга олиб келди. Органик кимёнинг дастлабки ютуқлари табиий материалларни (табиий бўёқлар, дори-дармонлар, ҳид берадиган моддалар) синтетикка алмаштиришга қаратилди. Кейинчалик эса аста – секинлик билан табиатда учрамайдиган (портловчи моддалар, юқори молекуляр бирикмалар) бирикмаларни синтезлашга қаратилган. Утган асрнинг 30-50 йилларида табиий газ ва нефть казиб олиш, ҳамда уни қайта ишлаш соҳасидаги улкан муваффақиятлар органик синтезнинг гуркираб ривожланиши учун мустаҳкам хом ашё базасини яратди. Тошқумир хом ашёсининг нефть маҳсулотлари ашёсига алмаштиришга бўлган мойиллик 121-расмда яхши ифодаланган. Бундай алмаштиниш жараёнида янги нефть кимё синтези деб аталувчи термин пайдо бўлди. Бу синтезнинг янги хом ашё базасига асосланганлигини кўрсатади ҳолос, бирор маҳсулотни қандай хом ашёдан (тошқумир хом ашёсидан ёки нефть хом ашёсидан) фойдаланиб синтезланишидан катъий назар уларни ишлаб чиқаришда принципаф фарк бўлмайди. Органик синтез саноати хом ашё шифатида: галогенлар ва уларнинг бирикмаларидан, кислоталар, оксидлар,

ишқорлар, аммиак, водород, сув, ҳаво ва бошқалардан фойдаланилади. Бу моддалар органик маҳсулотларига турли атомлар ва группаларни киритиш учун, бир моддани бир канча бошқа моддаларга айлантириш учун, индивидуал моддаларни ажратиб олиш ва тозалаш учун фойдаланилади.


Органик синтез ўз тараккийтининг бошланғич этапларида охириги асосий маҳсулот билан оралик ярим маҳсулотлар (алкенлар, галогенли ҳосилалар, спиртлар, альдегидлар, кетонлар, феиоллар, аминлар ва бошқалар) ишлаб чиқаришни қўшиб олиб борди. Кейинчалик органик синтездан бир канча ўзига хос ишлаб чиқаришлар: пластмассалар, синтетик каучуклар, кимёвий толалар, бўёқлар, дори-дармонлар технологиялари ажралиб чиқди. Хозирги замон органик синтез саноати икки муҳим мақсадга қаратилган.

1) кенг қўламли ишлаб чиқариш, бунда (ўн ва юз минг тонналаб ишлаб чиқарилади.) саноатнинг бошқа тармоқлари учун ярим маҳсулотлар (масалан, юқори молекуляр бирикмалар учун мономерлар) ишлаб чиқарилади. 2) бир канча гайёр маҳсулот (ювиш воситалари, кимёвий захарли бирикмалар, эритувчилар ва бошқалар) ишлаб чиқариш. Бугунги кунда органик синтез маҳсулотларидаги ўн ёки бу даражада фойдаланмайдиган халқ ҳўжалигининг бирор тармоғи йўқ. Буни 122-расмда яққол кўриш мумкин.


Органик синтез саноатидаги тараккийёт маълум даражада янги реакцияларни кашф этилиши ва уни ишлаб чиқаришга талбиқ этилишига боғлиқ. Қўпинча принципнол янги реакция органик кимёдан янги даврни бошлаб беради. Масалан, 1928 йилда 1-4 ҳолатда боғланган диен системаларига иккиламчи ва учламчи боғланиш (диенофиллар) тутган моддаларнинг бирикмо олти аъзоли цикллар ҳосил қиладиган диен синтези реакцияси (О.Дильс ва К.Альдер) очилган эди.



CH<sub>2</sub>



Бу реакция турли-туман циклик бирикмалардан тортиб то мураккаб полициклик системалар, масалан, стероид ва сўнгра гетероциклик системалар каби қўпинча янги синтетик моддалар олишнинг асоси бўлиб қолди. Виттиг реакцияси



олефинлар синтез қилишнинг янги усулини асоси бўлиб қолди. Улар эса қўпинча маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ажойиб хом ашё ҳисобланади. Фазалараро катализдан фойдаланиш органик синтез таракқиётида янги босқич бўлди, бунда реакцияон аралашмага махсус моддалар — фазалар аро қучирадиган катализаторлар (аммонийли, фосфонийли тузлар, краун-эфирлар) қўшилади. Бу моддалар, масалан, анионларни сувли ёки каттик фазада органик фазага қучиришга ёрдам беради, у ерда булар реакцияга киришади. Фазалараро катализаторлар самара берадиган реакциялар сони жуда кўп ва улар карбонийонлар иштирокидаги (Кляйзен, Михаэль, Виттиг, Хорнер ва бошқаларнинг реакциялари, C-алкиллаш, бирикиш реакцияси ва бошқалар) тарқалган реакцияларни ўз ичига олади. Фазалараро катализнинг оксидланиш реакцияларида қўлланилиши истикболли ҳисобланади, бунда органик модда

сувда оксидловчи эса органик эритувчида эримаиди. Масалан, бензолда эримайдиган калий перманганат оз микдорда Краун-эфир кўшмачиси таркибида  $MnO_4^-$  иони бўлган кучли оксидловчи бўлиб хизмат қилади.

Айниқса, элемент органик бирикмаларнинг (1926 йилда боразол, 1963 йилда карборон ваунинг аналоглари-600 °C гача иссиқликка чидамли, силиконлар, силиконли каучук - 60 дан + 200 °C гача чидамли, фосфорорганик бирикмалар, фтороорганик бирикмалар, масалан, тефлон 400 °C гача иссиқликка чидамли) синтезланиши органик синтез маҳсулотлари ишлаб чиқаришга кенг йул очиб берди.

Органик синтезга, чиқарадиган маҳсулот турларининг (ассортиментининг) тўхтовсиз кенгайтира бориш ва янгиллаб бориш билан динамик ривожланиб, ўсиб бориш характерлидир, яъни янги аппаратлар ва жараёнларни ўзлаштириш, ўсиб бориш характерлидир, яъни янги аппаратлар ва жараёнларда ўзлаштириш, мукаммал технологияни ишлаб чиқаришга киритиш, автоматлаштириш ва механизациялаштиришнинг самарадорлиги юқори бўлган воситалари билан ишлаб чиқаришни жиҳозлаш ва шу қабилар. Органик синтез саноатининг яқин келаждаги вазифаси бу ишлаб чиқаришнинг энергияга бўлган талабини камайтириш. Атроф муҳитга зарарли таъсирини камайтириш мақсадида хомашени қайта ишлашнинг самарадорлигини ошириш ва чиқинди микдорини камайтиришдан иборатдир. Органик синтез маҳсулотларининг саноат миқёсида ишлаб чиқариш учун ҳар хил реакциялардан: галогенлаш, сульфолаш, нитролаш, оксидланиш-кайтарилиш, гидрогенлаш, дегидрогенлаш, гидратлаш ва дегидратлаш, циклизициялаш, изомеризациялаш, конденсациялаш, полимерланиш, этрификация, алкиллаш ва бошқалардан қўлдан келтирилади. Бунда оддий моддалардан анча мурракаб бўлган моддалар олинади (углерод занжири узайтирилади). Баъзи ҳолларда дастлабки модда молекуласида углерод сонини ўзгартирмай, унинг тузилишини ва реакция қобилиятини ўзгартаришга мўваффақ бўлинади ёки дастлабки моддани углерод занжирини парчалаб янги маҳсулотлар олинади. Қўлчилик органик

реакциялар кинетик областда боради ва реакциянинг умумий тезлиги, реакциянинг тезлик тенгламаси билан аникланади.

$$U = dx/dt = K \cdot \Delta C$$

Жараёнинг харакатлантирувчи кучи  $\Delta C$  реакция тартибини кўрсатувчи кинетик тенгламага асосан, реакцияга киришувчи моддаларнинг концентрациялари купайтмасига тенг. Тезлик константаси эса Аррениус тенгламасига бўйсинади.

Органик синтез жараёнида бир вақтнинг ўзида бир қанча параллел ва кетма-кет реакциялар боради. Кетма-кет реакцияларда купчилик ҳолларда улардан бири жараён тезлигини лимитлайди, белгилайди. Жараёнинг умумий тезлик константаси  $K$  элементар реакциялар тезлигининг мураккаб функциялари билан ифодаланиши мумкин.  $K = f(K_1, K_2, K_3, \dots)$

Мақсадли маҳсулот бўйича (олиниши мақсад қилиб қўйилган маҳсулот) жараёнинг селективлиги, асосий ва қўшимча реакциялар тезлик константаларининг нисбатлари билан аникланади. Шу сабабли органик синтез жараёни интенсивлаштириш учун фақат асосий реакцияни тезлаштирадиган ёки кетма-кет боровчи реактивларнинг меёрли босқичларини тезлаштирувчи селектив катализаторлардан фойдаланилади. Органик синтезда кимсвий-технологик жараёнларни интенсивлаш усулларини қўллашда купчилик ҳолларда дастлабки, охириги ёки оралик бирикмаларини барқарорлаштириш билан чегараланади, чунки улар термик парчаланадилар ёки қўшимча маҳсулотларга айланиб қолади. Бундай ҳолларда жараёнинг тезлик константасини ошириш учун катализатор билан бир каторлатурли ион ёки радикал характердаги, фотосинтез, радиацион нурлантириш, лазерли нурлантириш, электросинтез каби турли инициаторлардан фойдаланилади. Мисалан, қўлгина мономерларни полимерлаш учун турли хилдаги пероксидлардан фойдаланилади, ювиш воситасининг таркибий қисмларидан биригини олиш учун ультрабинафша нурлар билан нурлантириб,

радиацион нурлантиришдан фойдаланилади.

Органик синтез саноатнинг муҳим аҳамиятлардан бири акин ишлар ичида совун, олиф, сурков мойлари, спирт каби ўнлаб маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун катта миқдорда озик-овқат маҳсулотлари ишлатилишига ҳақ қўйиш, яъни бу мақсад учун озик-овқат маҳсулотларини нозик маҳсулотларга айлантиришдан иборатдир.

Ҳозирги замон органик синтез саноати корхоналари ҳар гуруҳи технологик цехларнинг бирлаштирилган комплексдан иборатдир. У нафақат мақсадли маҳсулотлар ишлаб чиқаради, балки қўпгина қўшимча маҳсулотларни ушлаб қолиш ва қайта ишлаш қўрилмаларини ҳам ўз ичига олади.

Органик синтез ўз тараккийтининг бошланғич этапларида охириги асосий маҳсулот билан оралик ярим маҳсулотлар (алкенлар, гелогенли ҳосилалар, спиртлар, альдегидлар, кетонлар, феноллар, аминлар ва бошқалар) ишлаб чиқаришни қўшиб олиб бори. Кейинчалик органик синтездан бир қанча ўзига ҳос ишлаб чиқаришлар: пластмассалар, синтетик каучуклар, кимёвий толалар, бўёқлар, дори-дармонлар технологиялари ажралиб чиқди.

## 12.2 Ацетилен ишлаб чиқариш

Ҳозирги пайтда ацетилен кальций карбиддан ва углеводородларини асосан табиий газни пиролиз қилиш йўли билан олинади. Кальций карбид электротермик печларда оҳак ва коксдан аралаштириб тайерланган шихтани  $1700 - 1800^{\circ}\text{C}$  да қиздириб олинади.



Кальций карбид су в билан бирга ацетилен ва кальций гидроксидга айланади.



Бу усулнинг камчилиги асосан унда жуда қўп электр энергияси (1 т ацетиленга 10 - 11 минг кВт с) сарфланиши, фойдаланадиган аппарат ва ускуналарнинг катталиги, ҳамда катта миқдорда фойдаланиш кийин бўлган чиқиндининг ҳосил бўлишидир.

чиаришнинг асосий усули углеводородли ашёларнинг пиролизи бўлиб қолди. Пиролиз усуллари газ аралашмасига иссиқликни бериш усуллари билан бир бирисидан фарк қилади. Углеводородларни парчалаш учун старли бўладиган юкори харорат қуйидаги уч усулда олинади:

1. Электр ёй ёрдамида (электрокрекинг)
2. тўғридан тўғри ёки регенератив киздириш (термик крекинг)
3. хом ашёнинг бир қисмини ёкиш орқали (термооксидлаш пиролизи)

Булардан кенг қўлланиладигани термооксидлаш пиролиз усулидир. Бунда табиий газ тўлиқ оксидланишига старли бўлмаган миқдорда кислород ёки кислородга бойитилган (40 % гача  $O_2$ ) ҳаво билан аралаштирилиб ёкилади, бунда метаннинг ёнишидан  $CO_2$  ва  $H_2O$  ҳосил бўлади.  $CH_4 + 2O_2 \leftrightarrow CO_2 + 2H_2O$ . Улар метаннинг ортиқчаси билан бирикиб  $CO$  ва  $H_2$  ҳосил қилади.



Бу реакцияларни умумий ҳолда бундай ёзиш мумкин:



Бу жараён катализаторсиз ҳамда  $1500^\circ C$  да олиб борилганда, бу қалар юкори хароратда метаннинг  $CO$  ва  $H_2$ га конверцияланиши билан бир қаторда унинг ва гомологларининг пиролизи ҳам кетади:



Асосий реакция билан бир қаторда қўшимча реакциялар ҳам кетади.



Шунинг учун ҳам қўшимча реакцияларни камайтириш мақсадида ҳосил бўлган ацетиленни юкори температура зонасида жуда қиска вақт (0,003-0,004 сек.) бўлишини таъминлаш учун унинг ҳажмий тезлиги оширилади ҳамда, тезлик билан совутилади. Шундай қилинганда метан тўлиқ ацетиленга айланади, ацетиленнинг унуми 30% га етади. Бу жараён махсус печларда олиб

борилади. Печ чидамли гишталар билан копланган (132-расм). Қувурсимон печларда  $600^{\circ}\text{C}$  киздирилган табиий газ пиролиз печнинг юқорисидан би томонидан печга киритилади, тахминан  $600^{\circ}\text{C}$  гача киздирилган кислород печнинг тепа кисмидан соплло 1 (хаво утадиган конуссимон найча) оркали киритилади. Газлар катта тезлик билан келиб печнинг урта қисмида аралаштириш булмасида 2 қушилади, газлар аралашмаси кўп сонли минтақаларда тешиклари булган, утга чидамлилиги жу да юқори ҳисобланган керамик плиталар оркали ўтиб печнинг остки қисмига келади ва тешикчалардан ўтган жойда метан чала ёнади ва унинг пиролизи кетади ҳамда шу ерда газлар аралашмаси дарҳол форсунка 5 (сув пуркагич) оркали  $200^{\circ}\text{C}$  гача иссиқ сув пуркалиб совутилади. (осон бугланиш учун иссиқ сув пуркалади).

Ҳосил булган қурилма газлар аралашмасидан ажралиш учун газ сув билан ювилади, ҳўл электрофилтр оркалнутқарилади, сўнгра газ 0,1 МПа гача сиқилади. Газлар аралашмасидан ацетиленни карама қарши оқим принцидида диметилформамид (к. т.  $153^{\circ}\text{C}$ ) ёки N-метилгиролиддин (к. т.  $202^{\circ}\text{C}$ ) билан эритиб ажратиб олинади. Бу эритувчилар фақат ацетиленни эритади. Босим атмосфера босимигача камайтирилганда ва киздирилганда ацетилен эритувчидан ажралиб чиқади. 2. Ацетилен олинганда қўшимча равишда ҳосил бўлган СО ва  $\text{H}_2$  ни қайта ишлаш йули билан 4 т аммиак, ёки 3 т метанол олиш мўмкин. Қурилманинг (бир неча печи булганда) махсулдорлиги 30 – 50 т /йил ацетилен. Олинган ацетиленнинг тан нархи қарбидан олингандагига қараганда анча арўнга тушади.

Ацетилен кўпгина органик синтезлар учун ҳам ашё ҳисобланади. Унда акрилонитрил, тетрoхлoрoтан, глицерин, полихлoрвинил, этил спирт, сирқа кислота, этилацетат, синтетик каучуқлар, толалар, пластмассалар каби юзлаб махсулотлар олинади. Ацетилен махсус газ гольдерларида ва пўлат баллонларида сақланади. Ацетилен катта босимда сиқилганда портлайди. Шунинг учун баллонлар кизельтур ( $\text{SiO}_2$ нинг бошқа бир қўрилиши) билан тўлдирилади ва ацетон шиқдирилади ацетилен ацетонда эрийди. (1л. ацетон 1,24 МПа да 350т. ацетиленни эритади).

### 12.3 Капролакта́м ишлаб чиқариш.

Капролакта́м (ξ-аминокпро́н кислота лакта́ми) асосан бензолни гидрогенлаб олинади. Гидрогенлаш алюминий оксидига кушилган никель катализатори иштирокида, 0,1 МПа босимда, 160-200°C да, ортикча водород иштирокида, газ фазада олиб борилади ёки суюк фазада 250-280°C да, 0.35 МПа босимда платина катализатори билан тулгазилган колонна типидagi реакторда гидрогенланади. Кейингисида олинган циклогексан катта унум билан чиқади (цикло гексанининг к. Т 81°C), унумдорлиги 120 минг т/йилга тенг:  $C_6H_6 + 3H_2 \rightarrow C_6H_{12}$

Иккинчи боскичда кобальт стеарати ёки нафтенатидан иборат катализатор иштирокида 0,2 МПа босимда 180-200°C да циклогексан хаво кислороди билан суюк фазада оксидлантирилади. Оксидлаш, циклогексанолга айланиши 8-10% дан ошмаслиги учун жуда охисталик билан олиб борилади. Ректификациялаб хайдашдан колган колдик реакцияга киришган циклогексанга хисобланганда 80% циклогексанол (к. Т -160°C) ва 20% циклогексанон (к. Т -155°C) аралашмасидан иборат булади. Сунгра аралашма яна ректификацияланиб ажратилади. Учинчи боскичда циклогексанолдан 450°C да рухланган темир катализатори юзасида водородни ажратиб олиш оркали оксидлаб, циклогексанон олинади



Циклогексанол      Циклогексанон

450°C гача қиздирилган циклогексанол бугларли ичи катализатор билан тулгазилган қувурсиммон контакт аппаратига киритилади у ёқилги газ билан ишатилади. Реакция натижасида олинган водород тозаланиб синтезнинг биринчи боскичиди ишлатилади.

Циклогексанон ректификацияланиб, реакцияга киришмай колган циклогексанолдан ажратиб олинади. Унуми 93%. Туртинчи боскичда

циклогексанонга гидроксилламин ( $\text{NH}_2\text{OH}$ ) таъсир эттириб унинг оксими олинади:



Циклогексаноннинг оксими

Гидроксилламин эса унинг тузига аммиак таъсир эттириб олинади:



Гидроксилламин сульфатнинг сувдаги эритмасига аммиак циклогексанон кушиб,  $90^\circ\text{C}$  гача кнздирилади. Оксим мойсимон кават хосил килиб ажралади (унуми 93%), сув билан ювилади ва синтезнинг бешинчи боскичи учун ишлатилади. Бешинчи боскичида оксимга 20% ли олеум ( $\text{H}_2\text{SO}_4 \cdot \text{SO}_3$ ) таъсир эттирилади, натижада Бекман буйича группаланиш бориб капролактама айланади :



Пулат реакторда харорати  $100^\circ\text{C}$  булганда олеумга оксим кушилади ва эмеевикларда (бурама сипиральсимон найча ) сув билан совутилади. Хосил булан лактам эритмаси сувга куйилади ва аммиак билан нейтралланади. Суюкланган капролактама ажратилади ва икки марта вакуумда хайдаб олинади (к. Т  $68-69^\circ\text{C}$ ).

Бензолдан капролактама ишлаб чикариш схемаси ...расмда берилган. Биринчи погонали оксидлаш реакторига 1 циклогексанон ва аммоний сульфатнинг сувдаги эритмасига гидроксилламин сульфатнинг эритмаси кушилган аралашма иккинчи погонали оксидлашдан сеператор 2 оркали келиб куйилади. Реакция махсулотлари 3- сеператорга тушиб икки каватга: сувли аммоний сульфат ва органик кават оксидининг циклогексанондаги эритмасига ажралади. Органик кавати иккинчи погонали оксидлаш реакторига 4 келади, бу ерга тоза гидроксилламинсульфатнинг эритмаси ва аммиакли сув кушилади. Реакция аралашма 2- сепараторга юборилади, у ерда сувли-сульфатли каватга реакция киришмай колган гидроксилламин ва ҳам циклогексаноноксим сакталади ажралади.

Сувли кават 1-реакторга берилади, циклогексаноноксим эса кайтагурухланиш учун 5- реакторга ўтади. Аралашмани совитиш учун 6-совутгич орқали ўтади, олеум айланиб турувчи совук аралашмага юборилади. 5-реактордан кайта гурухланган махсулот 7- нейтраллагичга келади, у ерга аммиакни сув юборилади. Нейтралланган махсулот сепараторга 8 тушади, бу ерда аммоний сульфатнинг сувли эритмаси "лактама мойидан" ажралади. Лактама мойи 60-65 % (масса бўйича) капролактама, 30-35% (масса бўйича) сув ва аммоний сульфат ҳамда қўшимча махсулотлар сақлайди. Биринчи поғонада капролактама трихлорэтилен билан 9- экстракторда мойдан ажратиб олинади. Олинган экстракт реэкстракторга 10 тушади, у ерда капролактама сувда эрийди ва трихлорэтилен каватдан ажралади, у қўшимчалар сақлайди. Капролактамининг сувдаги эритмаси реэкс-тракторнинг юқори қисмидан тозалаш бўлимига 11 юборилади. (тозалашнинг иккинчи босқичи). Бу ерда у ион алмашиш смоласи ёрдамида тозаланади ва катализатор таъсирида гидрогениланади. Капролактамининг тозаланган эритмаси буглантирилиб вакуумда ректификацияланади.

Циклогексан бўйича капролактамининг унуми 90-95 % . капролактама ишлаб чиқаришнинг ҳозирги замон қудратли қурилмалари йилига 90 дан 130 минг тоннагача ишлаб чиқармоқда. Унумдорилиги 50 минг т/йилга тенг. Капролактама фенолни платина катализатори ёрдамида оксидлаб ҳам олинади. Аммо бу куп босқичли (6 босқич) ва иктисодий жихатдан фойдали эмас. Аммо яқинда венгер олимлари капролактама олиш учун фенолнинг бир босқичли гидратланиш усулини кашф этиб ишлаб чиқаришга жорий қилдилар.

## 12.4 Метанол синтези.

Яқин йилларгача метанол ёғочни қуруқ қайдаш (хавосиз муҳитда) йўли билан олинган. Унинг номи ҳам шундан келиб чиқиб ёғоч спирти деб аталган. Биринчи марта у 1923 йилда Германияда синтез йўли билан чиқарила бошланди. Метанол углерод (II) оксидини гидрогенилаш усули билан яъни синтез-газдан олинади.



Синтез газ метанни сув буги билан оксидловчи конверсиясидаги ёки табиий газни термооксидловчи крекинг килиш билан (бунда синтез газ билан бир вақтда ацетелин ҳам олинади) олинади. Метанол синтезлаш учун  $\text{CO}$  ва  $\text{H}_2$  газларининг 1:4 дан 1:8 гача нисбатдаги аралашмаси олинади. Жараён 20-31 МПа босимда 370-420 °С температурада рух-хромли катализатор истирожида олиб борилади. Метанолнинг унуми унчалик катта эмас, шунинг учун, синтез дастлабки газлар аралашмасини кўп марта айлантириш (циркуляциялаш) билан амалга оширилади. Босимнинг камайиши ёки температуранинг оптимал қийматидан ортиши метан, формальдегид, диметил эфир ва юкори спиртлар каби қўшимча маҳсулотлар ҳосил бўлишга олиб келади.



Реакция жараёнида метанолнинг ҳосил бўлиши реакция аралашма ҳажмининг камайиши билан боради, шунинг учун Ле – Шателье принципига мувофиқ системада босимнинг ортиши мувозанатнинг спирт ҳосил бўлиши томонга силжишга, ҳамда қўшимча реакцияларнинг боришини камайишига олиб келади. Реакция экзотермик бўлганлигидан температуранинг кўтарилиши мувозанатни чапга силжитади ва синтез-газнинг метанолга айланиш даражасини камайтиради. Шу билан бир каторда паст температурада мувозанат метанол ҳосил бўлиши томонга кучли силжийдию аммо метанолнинг синтезланиш тезлиги жуда суёт бўлади ҳамда бундай шароитда синтезни тезлатувчи катализатор ҳам ҳозирча маълум эмас. Шунинг учун ҳам саноатда жараён жуда кичик температура (20-30 °С) интервалда олиб борилади. Метанол унумининг температура ва босимга боғлиқлигини 123-расмда кўриш мумкин. Саноатда газлар аралашмасини сиқиш учун зарур бўладиган энергия сарфнётини камайтириш учун жараён одатда 20-35 МПа босимда олиб борилади. Амалда энг оптимал шароит яратилганида ҳам газлар аралашмаси

реактор орқали бир марта ўтганида ҳосил бўладиган метанолнинг унуми 5-20 % бўлади. Шу боисдан дастлабки газлар аралашмасида ҳосил бўлган метанол қайта олинадиган реакцияга киришмай қолган газлар яна қайта реакторга киритилади, яъни бир неча бор циркуляция қилинади, унум 84-87% гача чиқарилади.

Саноатда икки хил катализатордан фойдаланилади: 1) Рух-хромли ( $\text{H}_2\text{ZnO} \cdot \text{Cr}_2\text{O}_3$ ,  $\text{CrO}_3$ ) у юкори температурага, контакт захарларига чидамли, захарланганда ҳам яна қайта активлаш мумкин, осон регенерацияланади, селективлиги юкори. Бунинг учун оптимал шароит 370-400 °С ва 25-30 МПа босим. 2) мис катализатори активлиги жудаюкорию аммо контакт захарларига юкори температурага чидамсиз, қайтмас ҳолда захарланади. Шунинг учун ҳам 300 °С ва 15 МПа босимда фойдаланадилар.

Россия ФА нефть кимё синтези институтида ўтказилган текширувлар синтез реакцияси юкоридагидан бошқа тартибда боришини кўрсатди.

$\text{CO}_2 + \text{H}_2 \rightarrow \text{CH}_3\text{OH} + \text{H}_2\text{O}$  лекин нима учун метанол  $\text{CO}$  ва  $\text{H}_2$  дан (синтез газдан) олинади. Гап шундаки синтез газда доимо  $\text{CO}_2$  ва сув бугларининг аралашмаси (5% гача) бўлади. Бу чиқдор реакция бошланиши учун қуфоялир. Метанол синтезида катализаторлар таъсирида углерод (II) – оксид сув буги кислороди ҳисобга углерод (IV) – оксидгача оксидланади, бусиз жараён кетмас эди.

Метанол рангсиз суюқлик 64, 7 °С да қайнайди, сувда чексиз эрийди. органик эритувчилар билан истаганча аралашади. ўта захарли, 5-10 мл ичилса кўр қилади, 30 мл ўлимга олиб келади.

Дунёда метанол ишлаб чиқаришнинг йиллик ўсиши 15% ни ташкил этади. Ваҳоланки 70-йилларда метанолга кам ишлатиладиган маҳсулот, деб қаралган. Унда формальдегид, диметилтерефталат, метиламин, диметисульфат, диметилформамид, меламина, метилацетат, метилакрилат метилметакрилат, юкори молекуляр спиртлар ва бошқа айрим маҳсулотлар олинган. Эндичи, Метанолдан бензин, дизель ёқилгисининг енгил фракциялари, сирка кислота ва сирка альдегид, олефинлар, этилен ва пропилен, этиленгликоль, винилацетат

этилбензол, стирол каби кўп тоннажли маҳсулотларни олиш жараёнлари ишлаб чиқилган. Метанол ознк-овкат маҳсулотлари учун хом ашё бўлиб колди ва яқин келажакда кимё саноатининг энг муҳим маҳсулоти бўлиб қолади.

2000 йилга бориб факатгина АҚШнинг ўзида 150 млн.т.дан ортиқроқ метанол ишлаб чиқарилган.

Метанол ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси 124-расм келтирилган. Олтингугуртли бирикмалардан тозаланган дастлабки газлар аралашмаси беш босқичли компрессорда 1 то 1 дан 25 МПа гача сикилади. Учинчи ва тўртинчи босқичлар оралигида газ насадкали скрубберда 2  $\text{CO}_2$  дан тозалаш учун 3 МПа босим остида сув билан ювилади. Компрессорнинг бешинчи босқичидан чиққан сикилган газ аралаштиргичдан 3 мойлардан тозалаш мақсадида фелтрга 4 юборилади. Сўнгга газлар аралашмаси иссиқалмаштиргичнинг 5 қувурлар оралигидаги бўшиги орқали ўтказилади, у ерда чиқиб кетувчи контакт газлари билан 220 °C гача қизиб синтез колоннасига 6 киради. Колоннанинг баландлиги 12-18 м. ички диаметри 0,8 – 1,2 м. деворининг қалинлиги 0,04-0,1 м. Углерод (II) оксиди углеродли пўлат билан бирга темир пентакарбонилини ( $\text{Fe}(\text{CO})_5$ ) ҳосил қилиб, пўлатни емиради. натижада қушимча реакциялар кучаяди. Шунинг учун колоннанинг ичи ва баъзи бир қисмлари қизил мис билан қопланади ёки лигерланган пўлатдан ясалади. Саноатда 2 типдаги синтез колониасидан фойдаланилади: 1. Токчалик колоина,бунда катализатор бир неча токчаларга қўйилади ва газ токчалар орқали ўтади. 2. Бир колоннанинг ўзида катализатор қутиси. электр қиздиргич ва иссиқалмаштиргичлари булади. (125-расм). Колоннадан чиққан газлар аралашмаси иссиқалмаштиргичнинг қувурлари ичидан ўтиб анча совиётганда конденсаторда 7 тулик совиб ҳосил бўлган "хом" спирт конденсатлини ва сепараторда 8 реакцияга киришмай қолган газлардан ажратиб илгичига тушади. газлар эса компрессор орқали суриб олинадида айланма газаралаштир тоза синтез газ билан қўшилади. Шу ерда цикл қўшилади.

"Хом" спирт 92-93% бўлиб тозалангач ва ректификациялангач 99,5 - 99,7 % тоза метанол олинади. 1 т. Метанол олиш учун 700 м<sup>3</sup>  $\text{CO}$ , 1400 - 2000 м<sup>3</sup>  $\text{H}_2$ .

сарфланади. Умум назарий ҳисобнинг 84-87 % ни ташкил этади. Метанол синтези физик – кимёвий шароитлари ва уни амалга ошириш ва технологик рағбатлаштирилиши билан аммиак синтезига ўхшайди. Шунинг учун қўпинча ҳар иккаласи ҳам бир корхонанинг ўзида қўрилади.

## 12.5 Этанол синтези.

Этанол ишлаб чиқариш ҳажми жихатидан органик синтез маҳсулотлари орасида олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. У узок йиллар мобайнида галла, картошка, канд лавлаги каби озик – овқат ашёларидан биокимёвий усуллар ёрдамида олинган. 1930 йилларга келиб ёғочни қайта ишлаш ва қогоз саноати чиқиндиларидан саноатда гидролиз спирти ишлаб чиқариш ушлаштирилди. Ёғочни кимёвий қайта ишлаш натижасида ёғочни қайта ишлаш корхоналарида чиқиндилар бутунлай чиқмайди, шу билан бирга этил спирти ишлаб чиқарилади 1 м<sup>3</sup> ёғоч 275 кг донни ёки 700 кг картошкани ўрнини босади. Ўзбекистонда этил спирти айнан шу усулда гидролиз заводларида ишлаб чиқарилади. 1950 йилларга келиб уни, нефтьни қайта ишлаш ёки пиролизнинг этилен фракцияси газларида синтетик йўл билан ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозирги даврда эса этанол углеводородли хом ашёлардан синтезлаб олинмоқда. Бу усулнинг нақадар аҳамиятли эканлигини қуйидаги маълумотдан яққол қўриш мумкин. 6 тонна сулидан ёки 20 т картошкadan олинадиган этил спиртини 1 т этилендан синтезлаш мумкин. 1955 йилдан буён техник мақсадлар учун ишлатиладиган спирт озик – овқат маҳсулотларидан олинмайди.

Саноатда этиленни гидратлашнинг синтетик усули икки хил усулда амалга оширилади: сульфат кислотали гидратлаш ва буг фазада каталитик гидратлаш (каталитизатор ёрдамида сув бугини этиленга тўғридан тўғри бириктириш).

Сульфат кислотали гидратлашни А.М.Бутлеров кашф этган. Бу усулнинг қамчилиги қўп босқичли бўлганлиги ҳамда катта миқдордаги кислотани қайта

ишлагга тозалашга тўғри келишидадир. Шунинг учун бу усулда спирт ишлаб чиқариш кискариб бормокда.

Этиленни тўғридан тўғри гидратлашбир боскичда боради.



Температурани пасайтириш ва босимни ошириш мувозанатни этиленни гидратлаш томонга силжитади. (126-расм) Аммо босимни 3 МПа дан ошириш иқтисодий жihatдан фойдали эмас. Паст температурадан фойдаланиш эса реакция тезлигини анча камайтиради. Шунинг учун реакцияга киришмаган компонентларни рециркулялаш иқтисодий жihatдан махсадга мувофиқдир. Барча маълум катализаторлардан силикагель, кизельгур, алюмосиликат каби ғовакли ташувчиларша шимдирилган фосфат кислотаси нисбатан анча самаралисидир. Катализаторнинг активлиги кислота концентрациясига боғлиқ. 127-расмда сув бугининг пароциал босими фосфат кислота концентрациясига боғлиқлиги берилган. Этиленни тўғридан тўғри гидратлашнинг оптимал шароити аниқланган бўлиб, у: 7-8 МПа босим, 280 – 290 °С температура, катализатор юзасидаги фосфат кислотасининг концентрацияси 83 % дан паст бўлмайли. Циркуляцияланадиган газ таркибда элементнинг концентрацияси (хажм бўйича) 80 - 85 %, сувнинг этиленга нисбатан моляр хажми 0,7 : 1, хажмий тезлик 1800 – 2500 соат<sup>-1</sup>. Шундай шароитда 15 – 16 % ли суви спиртли эритма олинади, этиленнинг конверцияси реактор оркали бир ўтганда 4 – 5 % ни ташкил этади. Этилен бўйича умумий унум 95 %.

Этиленни тўғри гидратлашнинг технологик схемаси (128 расм) бир неча тўхтовсиз борувчи боскичлардан : 1) дастлабки буг – газ аралашмасини тайерлаш ва уни киздириш; 2) этиленни гидратлаш; 3) реакция махсулотларини нейтраллаш; 4) циркуляция газини тозалаш; 5) этанолни ректификациялаш кабилардан иборат. Концентрацияси 98 % бўлган этилен компрессорда сиқилиб, сув буги билан ва циркуляция гази билан қўшилиб хосил бўлган аралашма реакцион газлар аралашмасининг иссиқлиги билан 200 °С гача тахминий киздириш учун иссиқалмаширтгичга 1 боради. Сўнгра буг газ аралашмаси қувурсимон печда 2 то 280 °С гача киздириладида гидрататорга 3

баради. Гидратор баландлиги 10 м, диаметри 1,5 м бўлган ичи буш пулат колонна, коррозияланишнинг олдини олиш учун, унинг ичи кизил мис билан копланган. Унинг ичи 8,5 м баландликка каттик катализатор билан тўлгазилган газнинг контактланиш вакти 18 – 20 сек. Гидратор иш режими бўйича идеал сикиб чиқариш адиабатик реакторларга якин ўхшайди. Реакция натижасида ҳосил бўлган маҳсулотлар аралашмаси изма кейин иссик алмаштиргичда 1 совийди. ҳосил бўлган конденсат (спиртнинг суви суяк эритмаси) йиғичда 4 ажралгач совутгичда 5 тўлик совийда ва реакцияга киришмай қолган газлар этанол бугилан скрубберда 6 сув билан тўлик ювилиб ажралади. Ювилган ва нейтралланган газлар (схема кўрсатилмаган) сикилиб тоза этилен ва сув буги билан ажралиб яна гидраторга юборилади. Айланма газнинг бир қисми унинг таркибида инерт аралашмаларнинг миқдори 15 % дан ортиб кетмаслиги учун схемадан ҳавога чиқарилиб юборилади. “Хом” этанол эса тозалашга ва ректификациялашга юборилади.

Катализатор 500 соат унумли ишлайди, шундан кейин унинг активлиги камаяди, чунки циркуляция газлари фосфор кислотани ўзи билан учуриб олиб кетади. (1с.да 1м<sup>3</sup> катализатордан 0,4кг.  $H_3PO_4$  олиб кетилади), шунинг учун унга маълум вақт ўтгач фосфот кислота шимдириб турилади. Катализатор 900 соат ишлагач регенерацияланади. Этилен олиш схемасининг киздириш печи бўлмаган варианти ҳам мавжуд, унда дастлабки аралашмани киздириш учун зарур бўладиган иссикликни юқори босимли (7 МПа) киздирилган буг билан этиленни аралаштириш ҳисобига олинади. Этиленни тўғри гидратлаш сульфат кислотали усулга нисбаттан катта устунликка эга. Масалан, бу бир босқичда борувчи жараён ҳисобланади, спирт унуми анча катта, қўп миқдорда сульфат кислота ва уни буглантиришга энергия сарф қилинмайди. Олинган спиртнинг тан нархи кислотали усулда олинганидан 20% арзон туради.

Тўғри гидратлаш усули бирлик қуввати катта бўлган қурилмаларни яратиш имкониятини беради. Бу усулнинг камчилиги шундаки бунда катализаторни тез-тез алмаштириб туриш керак бўлади, ҳамда юқори концентрацияли этилен қўлланилишидадир. Келгусида тўғри гидротлаш

усулининг такомиллаштирилиши асосан ҳозирги ишлатилаётганидан кўра активроқ ва чидамлироқ катализатор топиш, ҳамда жараёнини суёқ фазада олиб бориш йўлларини излаб топишдан иборатдир. Қурилманинг маҳсулдорлиги йилига 150 минг.т.га тенг.

Этанол (этил спирти ёки вино спирти) суёқ  $78,39^{\circ}\text{C}$ да қайнайди. ( $\rho=0,7893 \text{ г/см}^3$   $20^{\circ}\text{C}$ ) унинг сув билан азиатроп аралашмаси (95,6 % ли) кенг қўламда ишлатилади. Уни озик – овқат саноатида, медицина, парфюмерия саноатида, транспортда (антифриз) айниқса эритувчи сифатида ҳамда органик синтезнинг ярим хом маҳсулоти сифатида кенг ишлатилади. Яна ундан бутадени ишлаб чиқаришда мураккаб ва оддий эфирлар, хлораль, ацетальдегид сирка кислота лишда фойдаланилади.

## 12.6 Формальдегид ва сирка альдегиди ишлаб чиқариш

### Формальдегид (метанол, чумоли альдегиди).

Формальдегид  $\text{HCHO}$ -рангсиз уткир хидли газ қайнаш ҳарорати  $-19,2^{\circ}\text{C}$ , суёқ ҳолатда зичлиги  $-20^{\circ}\text{C}$  да  $0,815 \text{ т/м}^3$  ҳаво билан 34,5% ҳажмдаги аралашмаси портлайди. У сувда, спирда яхши эрийди, бензол, эфир, аралашмасида кам эрийди. Алифати углеводородларда эримайди. Осон полимерланади (параформ тўғри чизикли тузилишга эга).



Полимерланиш жараёни қайтар бўлиб, параформ осонликча кислота ва ишқорлар таъсирида деполимерланади. Заҳарли ЧХК си  $0,05 \text{ мг/м}^3$ .

Формальдегид одатда 37% ли сувли эритма шаклида ишлаб чиқарилади. қайсиқим унда формальдегид гидрат ( $\text{HCHO} \cdot \text{H}_2\text{O}$ ) шаклида ва полиоксиметиленгликол (кичик молекуляр массага полимер) шаклида бўлади. Формальдегид юкоримолекуляр массали полимерга айланмаслиги учун (чўкма тушиб аппаратларни тўлдириб тикилиб қолмаслиги учун) унга 6-15 % гача метанол қушилади.

Формальдегид дунёда кўп миқдорда ишлаб чиқарилади. Дунёда 1986-йилда 2 млн. т. дан ортиқ формальдегид ишлаб чиқарилган. У органик синтез

саноатида захарсизлантирувчи модда сифатида ишлатилади, ундан феноло-, карбамидо- ва меламидоформальдегидли полимерлар ишлаб чиқаришда, ярим маҳсулот сифатида изопрен, пентаэритрит, уротропин синтезлашда қўл ишлатилади. У яна қимбўй тола, қўл атомли спиртлар, бўёқлар, портловчи моддалар, фармацевтик препаратлар олишда ишлатилади.

Формальдегид метан ва унинг гомологларини ҳаво ёки кислород билан оксидлаб ёки метанолдан олинади. Метан оксидланганда қуйидагича реакция боради.



(б) реакция мис ва қумуш бирикмалари катализатори иштирокида тез боради. Аммо кислородни кам миқдорда олиш керак, акс ҳолда ҳосил бўлган формальдегид ҳам оксидланади:



Шунинг учун ҳамда формальдегид унумининг пастлиги сабабли формальдегид асосан метанолдан икки усулда: оксидланиб дегидрогенлаш ва оксидлаб олинади.

**Метанолни оксидлаб дегидрогенлаш усулида формальдегид ишлаб чиқариш.**

Метанолни оксидлаб дегидрогенлаш каталитикгетероген жараён ҳисобланади.



Реакцияда катализатор мис қириндиси тур сими ва пемзага ётқизилган қумуш ҳисобланади. Асосий реакция (д,е) билан бир қаторда қўшимча реакциялар (в,г) нинг чуқур оксидланиши ҳамда дегидрогенланиш ва гидрогенланиш реакциялари ҳам боради.



Қўшимча реакцияларни камайтириш учун метанолга 10 % гача сув қўшилади ҳамда кислородни кам олинади. Реакция 500-600° С ҳароратда боради. Контактлаш вақти 0,02 секунд. Шундай шароитда формальдегид унуми 80-85 % бўлади. 13.1 расмда метанолни оксидлаб дегидрогенлаш усулида формальдегид олишнинг технологик схемаси берилган.

Метанол (10 % сув саклайди) босимли бақдан 1 буғлантиргичга 2 тушади. У иссиқ сув билан ёки реакторнинг 6 совутгичида экзотермик реакция натижасида ҳосил бўладиган буғ билан киздирилади. Буғлантиргичга метанол орқали чангдан тозаланиб чиққан ҳаво ҳам киритилади. Ҳосил бўлган буғ ҳаво аралашмаси томчидан тозаловчи (томчи тозалагич) 3 орқали ўтиб тозалангач киздиргичга 4 боради. Унда ректорга 5 киради, реакторнинг юқори қисмига катализатор қўйилади. Реакция маҳсулотлари 6 чи совутгич ректорда тез совутилади ва абсорберга 7 юборилади. Абсорбер сув билан сугориб турилади. Абсорберга ҳосил бўлган 37% ли формальдегид эритмаси (формалин таркибида уни барқарорлаштириш учун 7-12 % метанол саклайди) 8 совутгичда совутилади ва формалин йиғинчига 9 тушади. Ютилмай қолган газлар санитар минораси 10 орқали ўтиб сўнгра вакуум компрессордан 11 ўтади ва сув ажратгичга 12 юборилади сўнгра атмосферага чиқариб ташланади.

Сирка альдегиди Кучеров реакцияси асосида (1881 йил) олинар эди. Бунда ишлатиладиган симобли катализаторнинг захарли булганлиги учун, ҳозирги даврда ацетиленни буғ фазали гидратлаш усули билан сирка альдегиди олинади. Бунда ацетилен 1:10 ҳажмий нисбатда каттик киздирилган сув буғи билан аралаштирилиб 400 °С да фосфатли катализатор ( $\text{CdHPO}_4, \text{Ca}_1(\text{PO}_4)_2$ ) қавати орқали ўтказилади.



#### винил спирти

Ацетиленга сувнинг бирикишидан ҳосил бўлган винил спирти дарҳол қайта ғурухланиб сирка альдегидига айланади. Альдегидни тезлик билан реакция аралашмадан ажратиш керак, акс ҳолда конденсатланади. Аввал

ацетилен ацетиленинг айланган сувира эмала хосил қилади. Бунинг учун реакторга 2 133-расм шундай микдор ацетилен юбориладики, унинг бир қисми (40-50%) реакцияга киришга улгуради холос. Реакцияга киришмай қолган қисми ва сув буғи хосил бўлган учувчан альдегидни ( к. т. 21° ) ўзи билан бирга учуриб олиб кетади. Газнинг ўта қизиқ кетмаслиги учун катализатор қаватлари оралиғига сув пуркалиб турилади. Газ аввал фойдаланиш қозонида 3, сувира конденсаторда 4 совутилади. У ерда сув буғи ва қисман сирка альдегиди конденсатланади. Кейин газ тарелкали колоннада 5 совутилган сув (5 – 10 °С гача) билан ювилади, қайсиқим у альдегидни яхши эритади. Тозаланган газ янги порция ацетилен билан қўшилиб яна реакторга киритилади. Ацетиленни гидратлашда циркуляциядан фойдаланилади. Конденсаторда ва колоннада хосил бўлган альдегиднинг суви эритмаси хайдовчи ректификация колоннасига боради. Унда хосил бўлган альдегид буғлари иккинчи ректификация колоннасининг ўрта қисмига ўтади (хар иккала колонна ҳам расмда курсатилмаган) кейинги колоннада бегона қўшимчалардан ажралиб тозаланган ва шуробали совутгичларда конденсатлар олинади. Сирка альдегиднинг унуми реакцияга киришган ацетиленга нисбатан 85 % ташкил этади.

Сирка альдегиди олишнинг иктисодий жихатдан фойдали усули, уни ацетиленга нисбатан арзон ашё ҳисобланган этиленни оксидлаб олишдир. Этиленни оксидлаш палладий (II) хлориди ва уни регенирациялаш учун оксидловчи мис (II) хлориднинг сувадаги эритмасидан иборат катализатор эритмасида олиб борилади. Жараён бир босқичли.

Нчи: 100 °С температурагача қиздирилган катализатор суюқлиги билан тулғазилган колонна типдаги реакторнинг остки қисмига 0,1 МПа босимда майда пуфакчалар шаклида этилен газни юборилади. Этиленнинг 30 – 50 % ютилишига улгуради, бунда қуйидагича реакция кетади.



Ажралиб чиққан палладий яна хлоридга айланади.



Реакторга  $\text{CuCl}$  ни оксидлаш учун кислород ҳам юборади.





Жараён экзотермик бўлганлиги учун эритма қайнайди, реактордан альдегид, сув буглари ва этиленнинг аралашмасидан иборат буг чиқади. Сўнгра улар ацетиленни буг фазали гидратлашдаги каби қисмларга ажратиб олинади. Бугланган сув ўрнини тўлдириб туриш учун реакторга сув ҳам солиниб турилади. Альдегиднинг унуми 95 % ташкил қилади. Сирка альдегиди ўткир ёқимсиз хидли суюқлик сувда яхши эрийди, қўпгина органик эритувчиларда ҳам эрийди. Захарли сирка альдегидидан саноат миқёсида сирка кислота, сирка андегидриди, этил спирти, альдоль, бутил, спирти, ацеталлар, альдегидоаммиаклар, этилацетат, пентозитрит ва қатор бошқа моддалар олинади.

## 12.7 Сирка кислота ишлаб чиқариш

Сирка кислота карбон кислоталарини ичида нисбатан муҳим бўлиб, қадимда таркибида этил спирти бўлган суюқлик (вино, пиво, ва бошқалар) биокимевий ачитиш йўли билан олинган. Ҳозирги вақтда биокимевий усул билан факат озик – оғдат учун ишлатилалган сирка кислота олинади. Кейинчалик сирка кислота береза ёғочи чиқиндиларидан олинган. Унга бўлган талаб ўсиб борганлиги сабабли биринчи жабон уруши йилларида ацетилендан сирка альдегид, ва альдегиддан синтетик сирка кислота ишлаб чиқариш пайдо бўлади. Сирка альдегиднинг сирка кислотага оксидланиши уч қосқичда боради:





Биринчи боскичда ҳосил бўлган персирка кислота кучли оксидловчи бўлиб, иккинчи боскичда у сирка альдегид билан бирикиб уни сирка ангидрига айлантиради. Персирка кислота портловчи модда. У портлаганда кислород ва сирка кислотага айланади, портлашни олдини олиш мақсадида персирка кислотани тупланиб қолмаслиги учун оксидлаш жараёнини суюқ муҳитда олиб борилади. Бунинг учун альдегид ва марганец (II) ацетатнинг (катализатор) сирка кислотадаги эритмасидан фойдаланилади. ( $\text{Mn}(\text{CH}_3\text{COO})_2$ )

Реакциянинг ҳам биринчи ҳам иккинчи боскичларини тезлаштиради. Учинчи боскичи ангигидриднинг гидратланиши ( 1 ) ва ( 2 ) боскичлардан қўра секинроқ боради.

Альдегидни оксидлаш реакторда 1 ( оксидлаш колоннасида ) олиб борилади. (134-расм) Реактор хромникельмолибденли пулатдан ясалган бўлиб, баландлиги 12 метр, диаметри 1 м. Колоннанинг остига альдегид ва катализаторнинг сирка кислотадаги эритмаси тўхтовсиз келиб туради, кислород эа 0.04 МПа босими билан бир неча қувурчалар орқали майда пуфакчалар шаклида колоннага бир текисда тақсимланиб киради. Совутиш ва оптимал температурани ( 65 – 70 °С ) сақлаш учун колонна ичида совутгичлар ўрнатилган. Колоннанинг юқори қисмидан сирка кислота чиқади ва ректификацияга юборилади. Колоннадан чиққан газларни ( сирка альдегидининг ва кислотасининг буғлари кислород ) портлашдан сақлаш учун азот қушиб суюлтирилади. Газлар аралашмаси конденсаторга 2 бориб конденсатланади ва колоннага қайтарилади. Олинган сирка кислота кетма кет

иккита ректификация колоннасида утади. Биринчисида енгил кайновчи қўшимчалардан тозаланади, иккинчидан эса кислота буглари катализатордан (учувчан эмас) ва кийин кайновчи қўшимчалардан тозаланади. Олинган синтетик сирка кислота 95 — 99,5 % бўлиб таркибида 0,5 — 5 % гача сув саклайди. Унуми 92 %.

Иккинчи босқичда ҳосил бўлган сувни реакцион аралашмадан ажратиб олинса сирка ангидрид олиш мумкин бўлади. Сирка ангидрида кобальт (II) ва мис (II) ацетатлари катализатори иштирокида альдегидни этилацетат билан аралашмасини 60 °C да оксидлаб олинади. Сирка кислота рангсиз ўткир хидли суюқлик (к.т. 118 °C). аноатнинг турли тармоқларида жуда кенг ишлатилади. ацетилцеллюлоза олишда ундан ацетат толаси, пластмассалар лаклар ёнмайдиган киноплёнкалар ва бошқалар олинади. Ацетилловчи модда сифатида органик синтез саноатида, озик овқат ва туқимачилик саноатларида ишлатилади.

### ХIII БОБ. ЮҚОРИ МОЛЕКУЛЯР БИРИКМАЛАРНИНГ КИМЁВИЙ ТЕХНОЛОГИЯСИ.

#### 13.1 Юқори молекуляр бирикмалар.

